

О.М. АБДУЛЛАЕВ, М.А. МҮМИНОВА

СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА
МАТЕМАТИК УСУЛЛАР
ВА МОДЕЛЛАР




$$na_0 + a_1 \sum x = \sum y$$

$$na_0 \sum x + a_1 \sum x^2 = \sum yx$$

$$RvA_n = RMT_t * PVAI_{n, k}$$

$$I_p = \sqrt{\frac{\sum p_1 q_0}{\sum p_0 q_0} * \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_1}}$$



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

О.М. АБДУЛЛАЕВ, М.А. МҮМИНОВА

**СОЦИОЛОГИК
ТАДҚИҚОТЛАРДА МАТЕМАТИК
УСУЛЛАР ВА МОДЕЛЛАР**

Ўқув қўлланма

*ТДИУ ўқув-услубий Кенгаши томонидан “Эконометрика”
мутахассислиги талабалари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган*

834 342

43

ТОШКЕНТ-2013

330.115(07)

A-15

О.М.Абдуллаев, М.А.Мўминова. Социологик тадқиқотларда математик усуллар ва моделлар. Ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир доцент Болтаева Л. Р. –Т.: ТДИУ, 2013. -156 бет.

Ўқув қўлланмада социологик фаннинг шаклланиши, жамият курилиши, социал-ижтимоий жараёнларнинг ўзгариш тенденциялари, илмий-тадқиқ этиш йўллари, социологияда математик усуллар ва моделларни қўлланилиши баён этилган.

Ўқув қўлланма магистрлар, ўқитувчилар хамда социологияда математик усуллар ва моделларни қўллаш жараёнлари билан қизикувчилар учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

А.Т. Шермухамедов – физика-математика фанлари доктори, Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали, профессор.

А.А. Исмоилов – иқтисод фанлари номзоди, ТДИУ “Эконометрика” кафедраси доценти.

КИРИШ

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси олий таълим мининг ҳамма соҳаларида чукур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири – таълим мақсадларини одамлар ва шахсларнинг ана шу ўқувчи-талабаларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzасида мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш борасида тўхталиб “...бизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш – истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма обьектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир”¹, - деб таъкидлаб ўтдилар.

Олий таълим тизимида талабаларга жаҳон молиявий-иқтисодий инқизорзи, унинг келиб чиқиши сабаблари ва омилларини чукур таҳлил қилиш ҳамда бартараф этишининг йўлларини илмий асосида ўргатишини тақозо этмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизоризидан чиқиши йўлларини чукур таҳлил қилиш асосида, уни бартараф этиш чораларини мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов қўйидагича таъкидлаган “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳсулот таннархини пасайтириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларига ички талабни рағбатлантириш

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzasi. –Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

хисобига таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси амалга оширилди”².

Ушбу масалаларни амалга оширишда “Социологик тадқиқотларда математик усуллар ва моделлар” фанида ўрганиладиган мавзулар ва назарий-амалий масалалар муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ўзгариб турувчи рақобат муҳити ва бозор шароитларини илғаб олиш, уларнинг моҳияти ҳамда қонуниятларини чуқур таҳлил қилишда эконометрик усуллар ва моделлардан фойдаланиш ёрдамида макроиқтисодий индикаторларни башоратлаш, кўп вариантили ечимлардан муқобил ечимни танлаш, тавакқалчилик ва ноаниқлик шароитида оптимал иқтисодий қарорлар қабул қилиш, кейинчалик, бу қарорлар бажарилишини компьютер орқали мониторинг қилиш масалаларининг назарий ва амалий томонларини ўрганишда “Социологик тадқиқотларда математик усуллар ва моделлар” фани муҳим аҳамият касб этади.

Социологик тадқиқотларда математик усуллар ва моделлар фани бўйича сизларга тавсия этилаётган ушбу қўлланмани тайёрлашда МДҲ мамлакатлари жумладан, Россияда шу фанга оид адабиётлар, Ўзбекистонда социал, сиёсий ва иқтисодий жараёнлардаги ўзгаришни акс эттирувчи материаллар, Ўзбекистон Республикаси Президент И.А. Каримовнинг асарлари, рисолалари ва нутқлари асосий манба бўлиб хизмат қиласди.

Биринчи бўлимда “социологик тадқиқотларда математик усуллар ва моделлар” фанининг предмети, қарор топган социологик бўлимларнинг даражаси ва социология функциялари очиб берилади. Унда турли социологик назариялар тегишли равишда жамият тараққиёти ва унинг амал қилишининг асосий муаммолари таҳлил этилади. Назарий социологик

² Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халкимиз фаровонлигини янада юксалтиришлар. – Ташкент: «Ўзбекистон», 2010. – 80 бет.

тадқиқотларнинг ушбу даражасида жамиятнинг моҳияти, унинг ривожланишининг ҳаракатга келтирувчи кучлари, унинг асосий томонлари ўртасидаги ўзаро алоқа каби муаммолар таҳлил этилади.

Шунинг учун қўлланмада мунозарали муаммолар, ноаниқ фикр-мулоҳазалар, шундан келиб чиқиб ўкувчиларнинг истаклари даражасида баён қилинмаган бўлиши табиий.

Социология фани жамиятда рўй берәётган ижтимоий-сиёсий воқеаларни шунчаки қайд этиш билингина чекланмайди балки унинг асл моҳияти ва мазмунини атрофлича очиб беради. Шу жиҳатдан социология ижтимоий фанлар орасида ўзининг аниқлиги, зиммасидаги масалаларга берадиган илмий жавоблари атрофлича асосланганлиги, қайта-қайта текширилганлиги билан хам қимматлидир. Бу фан факат хозирги ижтимоий ҳолатлар ахволига тўлақонли жавоб бериш билангина чекланмасдан, ижтимоий ҳолатларнинг истиқболий ўзгариши даражаси хусусида башорат қиласди. Ана шу жиҳатдан социология фани назарияси, амалиёти ва тадқиқот усусларини атрофлича ўрганиб чиқиш зарурати туғилади.

Ушбу қўлланмада социология соҳалари ва унинг аниқ тадқиқотлар усусларини кенг қизиқувчилар, айниқса талабалар томонидан ўрганиш жараёнларини қулайлаштиришга ҳаракат қилдик.

Шу билан бирга мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов асослаб берган миллий истиқтол ғоясини халқимиз онгига сингдиришда аҳолининг “ижтимоий хусусиятларини, миллий, умуминсоний, фалсафий, диний, хукукий, сиёсий қарашларини пухта ҳисобга олган ҳолда иштутиш ва илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишни” теран англаған ҳолда ёндашдик³.

Социология фанини ўрганишга киришган ҳар бир киши бу фаннинг ўзига хос сўзлари, атамалари, ривожланиш йўналишлари, бугунги ахволи ва истиқболи хусусида тасаввурга эга бўлиши керак. Мазкур фанни ўрганувчи киши бу фан нима учун керак

³ Миллий истиқтол ғояси: асосий тушунча ва тамоиллар. -Т.: “Ўзбекистон”, 2000, 63-бет

деган саволга ҳам жавоб бера олиши керак, чунки ҳар қандай фаннинг ҳаётчанлиги, унинг инсонга нечоғли зарурлиги, ижтимоий фойдалилиги билан ўлчанади. Социология фанини мукаммал ўрганганди киши ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий жараёнлар моҳиятини, уларда юз берәётган зоҳирый ва ботиний ўзгаришларни, шунингдек ижтимоий таракқиёт қонунлари моҳиятини чуқурроқ тушунади, илмий амалиётга назарий-методологик жиҳатдан куролланган ҳолда кириша олади, кенг жамоатчилик фикрини шакллантириш ва уни мустаҳкамлаш ва истиқлол йўлига тўла сафарбар этиш амалиёти сирларидан вokiб бўлади. Социологик тадқиқотларни ташкил этиш ва амалиёти мазмунини ўрганиш жиддий илмий ишга тайёргарлик ҳам демакдир.

I-боб.

СОЦИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ОБЪКТИ

- 1.1. Социология фанининг предмети ва объкти*
- 1.2. Социология фанининг соҳавий тизими ва ижтимоий фанлар таркибидаги ўрни*

1.1. Социология фанининг предмети ва объкти

Социология жамият ҳақидаги фандир. Социология жамиятнинг ички таркибини, унинг амал қилиш тартиботлари ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади

Мамлакатимизда социология фанининг тараққий топишида миллий истиқбол ғоясининг моҳият ва мазмуни мухим дастур вазифасини ўтайди. Миллий истиқбол ғояси социология фанининг ривожланишида мамлакатимиз конституцияси миллий ва умуминсоний қадриятлари, демократик тамойилларига таяниши, халқимизнинг юксак маънавияти, ўлмас мероси, юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат килишини тақозо этади.

Шунингдек, миллий истиқбол ғояси социология фанининг умуминсоний ва миллий тамойиллар доирасида тили ва динидан қатъий назар ҳар бир фуқаро қалбида она Ватанг муҳаббат, мустакиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғуларини қарор топтириш йўналишида илмий изланишларни олиб боришни мукаддас вазифалар сифатида кун тартибига кўйди.

Шундай қилиб, социология жамиятни мураккаб ижтимоий организм сифатида ўрганади. Социология жамиятнинг мавжуд таркибий тузилмалари моҳияти, унинг ҳаракат тенденциялари ва тараққиёт қонуниятларини ижтимоий ташкил этилган тизимда тадқиқ этади. Шунингдек, социология асосий эътиборни жамиятни ҳар хил ижтимоий ва худудий тизим босқичларида вужудга

келадиган кенг маънодаги инсонлараро муносабатлари ва жамоатчилик фикрини ўрганишга қаратувчи фандир.

Социология фани жамиятнинг турли соҳалари иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ахлоқий ва бошқа тармоқларида тадқиқотлар ўтказади.

Социологик ёндашувнинг энг муҳим жиҳати жамият ҳаётида инсон шахсининг ўрнини англашдан иборатdir. Шахсга бўлган социологик нуқтаи назарнинг ўзига хослиги шундан иборатки, бу фан унга ижтимоий воқеликни ўзгартирувчи фаол мавжудод сифатида қарайди. Ижтимоий институтлар қўп жиҳатдан инсон ахлоқини ифодалайди, аммо айни шу вақтнинг ўзида улар инсон фаолиятининг ифодаси ва индивидларининг ўзаро ижтимоий тасири ҳосиласидир.

Мамлакатимизда социологиянинг кейинги ривожланиши ва такомиллаштирилиши жамиятни чукур ўрганиш ва англаш, жамият олдida турган ўтиш даврининг мураккаб муаммоларини анча самаралироқ ечишга имкон беради.

Инсонни барча даврларда нафақат уни ўраб турган табиатнинг жумбоклар ва ҳодисалари, балки одамлар ҳаёти билан боғланган муаммолар ҳам кизиқтириб келган. Нима учун одамлар якка яшашни истамайдилар? Улар орасида чегара ўтказилишига нималар мажбур киласиди?

Шу ва шунга ўхшаш қўплаб саволларга жавоб кидириш ўтмишдаги донишмандлар ва олимларни улар яшаб турган жамиятни ўрганишга ва ҳаётнинг ўзи қўйган саволларга жавоб излашга унданаган. Дастребки билимларни олимлар ва донолар фикрларида топиш мумкин. Лекин ўша даврдаги тадқиқотларда жамиятни таҳлил қилиш, гуруҳдаги инсон хулқини ўрганиш масалалари изчил ва тизимили тарзда олиб борилмас эди. Инсонлар орасидаги муносабатларнинг мушкиллашуви, мураккаб ташкилотларнинг пайдо бўлиши жамият олдидаги турган муаммоларни амалий ҳал қилишда эҳтиёжини кучайтиради.

“Социология” атамаси француз тилида “жамиятни ва ижтимоий муносабатларни илмий ўрганиш” маъносини англатади⁴. Аммо, бу таъриф ушбу фан нимани ўрганиши тўғрисида факат умумий тасаввур беради. Европада салкам бир ярим асирик ривожланиш даврида социология турли илмий мактаб ва йўналишлар тарафдорлари орасида кучли тўқнашувлардан иборат қийин йўлни босиб ўтди. Лекин бу турлича ёндошувларнинг максади битта - инсонни, уни ўраб турган ижтимоий борликни, унинг ижтимоий фикрлаш маданиятини чукурроқ тушунишдан иборат. Келиб чиқиши рус бўлган, америкада ижод қилган таникли социолог П.Сорокин таъбири бўйича, бу фанни “ўзига мос муҳитда яшовчи одамларнинг хулқини ўрганувчи” фан дея таърифлаш мумкин.

Социологиянинг обьекти ва предмети нимадан иборат? Даставвал социология нафақат ижтимоий, балки табиий фанлар билимларини мужассам қилувчи умумий фан деб тушунилар эди. Бу ёндашув XIX аср Фарбий Европа социологларининг ишларида етакчи эди. Уларнинг фикрлари бўйича социология учун асос бўлувчи фан ижтимоий ҳаёт негизларини аниқлаб берувчи ва инсон табиатининг ўзгармас хоссалари тўғрисида билим берувчи биология фани ҳисобланади. Ўша давр олимларининг нуқтаи назари бўйича, ижтимоий ҳаётнинг ранг-баранглиги одамларнинг жисмоний, ақлий, маънавий ва сиёсий фарқланишидан юзага келади.

Кейинчалик француз социологи Э. Дюркгейм “ижтимоий соҳалар ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб турган фактлардан иборат, - деб таъкидланган эди. Бундай ўзига хослик сезиш, фикрлаш ҳамда фаолият усулларида намоён бўлиб, индивид ихтиёрига ҳамиша ҳам бўйсинавермайди”⁵.

Машхур немис олими Макс Вебер онгли ижтимоий ҳаракатлар омили ва маҳсули деб таърифлаган. У илмий

⁴ Смелзер Нейл. Социология. М., Феникс, 1994, 659-бет

⁵ Дюркгейм Э. Социология методи. М., Канон, 1995, 31-бет

изланишлар маданияти ҳақидаги ва табиат ҳақидаги фанларга ажратган. М. Вебернинг фикрича, инсоннинг онгли мавжудот эканлигини на тарихчи, на социолог ва на иқтисодчи инкор эта олади. Ижтимоий фанлар объективининг табиат ҳодисаларидан фарки мавжуд. М. Вебер фикрича⁶, субъектив мазмунга эга бўлган индивид ёки индивидлар феъл-автори таркиб топган ҳаракат социологиянинг предметини ташкил этади. “Социология... шундай фанки, - деб ёзган эди М. Вебер, - у ҳар қандай ижтимоий ҳаракатнинг моҳиятини англашга интилади ва шу йўналишда унинг белгиловчи омилларини тушунтириб беради...”⁷.

Социология обьекти ва предметини замонавий тушунишнинг икки хил йўналиши мавжуд. Биринчиси – жамият бу табиий биологик асосга тенглаштирилмайдиган алоҳида турдаги ижтимоий-маданий борлиқдир. Инсон шундай мавжудодки, унинг яшаш тарзи, ижтимоий шароитлари, мавжуд ахлоқ ва маданият даражаси билан чамбарчас боғлангандир.

Иккинчиси – табиий дунёни ўрганишда ўзининг самарадорлигини исботлаган билиш йўлларини ва усулларидан фойдаланиш зарурлигидан иборат. Бу ерда табиий фанларда қўлланиладиган усуллардан онгсиз фойдаланиш эмас, балки олинган натижаларни албатда тажриба асосида текшириш, аниқлик ва жиддийликка интилиш, табиий фанлардаги умумий мантиқни қабул қилиш назарда тутилмоқда⁸.

Шуларни назарда тутиб, социологиянинг обьекти ижтимоий гурухлар, ижтимоий институтлар, ижтимоий муносабатлар ва ҳаракатлар тизимидан иборат деб таърифлаш мумкин.

⁶ Вебер М. Исследования по методологии науки. М., 1980

⁷ Американская социология. Перспективы, проблемы, методы. Под ред. Т. Парсона М., 1972

⁸ Социология. Т. УАЖБНТ маркази, Р.А. Убайдуллаева, В. Каримова. 2002-292 бет.

1.2. Социология фанининг соҳавий тизими ва ижтимоий фанлар таркибидаги ўрни

Социология фани оламини англаш жараёнини чуқурроқ ўзлаштириш мақсадида тарих, фалсафа, психология, педагогика, этнография, санъатшуносли ва жамиятшунослик фанлари билан яқин ҳамкорликда фаолияти юритади. Зеро, ҳар қандай амалётга мурожат, ҳар бир илмий таҳлил натижавий мўлжални назарда тутмоғи, объектив воқелик хусусидаги билимларимизни кенгайтиrmоги, ижтимоий муаммоларни хал этишга кўмаклашмоғи, тараққиёт истиқболларини аниқроқ белгилашга ёрдам бермоғи лозимдир.

Социология фанининг тобора тараққий этиши илмнинг дифференциаллашуви, кўплаб алоҳида ва маҳсус социологик назарияларининг таркиб топишига ҳам олиб келади. Масалан, сиёsat социологияси, иқтисод социялогияси, санъат социялогияси ва бошқалар шулар жумласидандир. Аммо бундай “парчаланиш” умумий таҳлил аҳамиятини сусайтиrmайди, балки мавхум мушоҳада чегараларини янада кенгайтириш имконини беради.

Социология фани тамоили умумий ва ижтимоий психология фанлари билан ҳам яқин ҳамкорликда бўлишни тақозо этади. Зеро, у ёки бу жамоадаги меҳнат унумдорлигини ўрганишни мақсад килиб социологик тадқиқот ўтказилаётганда мазкур жамоа таркибидаги индивидларнинг хатти-харакатлари мотибларини аниқлаш, уларнинг темпераментлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда илмий хулоса килишда, одамлар билан жамоада муомала килишни ташкил этиш ва ижтимоий хулқини бошқаришда, албатта, ижтимоий психология конунятларини четлаб ўтиш мумкун эмас.

Социология фанининг хукуқшунослик ва иқтисод илмий қонуниятларини четлаб, илмий фаолият юритиши ҳам мақсадга мувоғиқ эмас. XIX асрда фаолият юритган социология илми асосчиларининг деярли барчаси ижтимоий фанларни чукур

ўзлаштириш ва қатор фалсафий-гуманитар асарлар яратиши асосида янги туғилажак социология фани сарҳадларини белгилаб берганлар.

Социология фани айниңса статистика фани билан яқин алоқада ривожланади. Ҳар бир социолог мұайян мавзуда социологик тадқиқот ўтказышни мақсад қылиб қўяр экан, у албатта, шу соҳадаги предметнинг конкрет ҳолати ва аҳволини, реал воқеалик манзарасини статистика манбаларидангина топа олади. Кенг кўламдаги конкрет социологик тадқиқотларнинг статистик идоралар ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилиши ижобий самаралар бериши шубҳасизdir.

Социология фанининг маҳсус назарияларга асосланувчи йўналишлари асосан қўйидагилардан иборат:

1. Ижтимоий фаолият шакилларини ўрганувчи (дунёқарашиб, илм-фан, санъат, маданият, ахлоқ, хуқуқ, психология, дин) социология.

2. Ижтимоий фаолият шакилларини ўрганувчи (мехнат, турмуш тарзи, ҳордик, ижтимоий-сиёсий фаолиятлар) социология.

3. Аҳоли ва ҳалқлар (демография, этнография, миграция, лингвистика ва ҳ.к.) социологияси.

4. Ижтимоий тараққиёт (жамият ва жамоа назарда тутилмоқда), ижтимоий ўзгаришлар, ижтимоий тузилишлар социологияси.

5. Ижтимоий институтлар (оила, етимхоналар, қариялар уйлари ва ҳ.к) социологияси.

6. Ижтимоий гурухлар (қуролли қучлар, ёшлар, пенсионерлар, аёллар ва ҳ.к) социологияси.

7. Оммовий ахборот воситалари (матбуот, радио, телевидение), жамоатчилик фикри социологияси.

8. Сиёсат социологияси (давлат, ҳалқаро муносабатлар, миллий ҳаракатлар ва ҳ.к).

9. Жой ва мухит социологияси (регионлар, шаҳарлар, қишлоқлар, экология ва ҳ.к.).

10. Шахсни шакллантириш социологияси (таълим, тарбия, спорт ва х.к.).

11. Касблар социологияси (инженерлик, агрономлик, медицина ва х.к.).

12. Қизиқишилар сациологияси (клублар, маданият уйлари ва бошқа жойлардаги ҳаваскорлик түгараплари, филателистлар, букинистлар, ва х.к.).

Социология фани соҳавий тасниф этилганда турли йўналишлар моҳиятига эга бўлган илмий тармоқларга бўлинади.

Биринчи босқичдаги илмий тармоқлар қаторига умумназарий, умумметодологик ва социологик фанларни киритиш мумкин. Улар жумласига академик, математик, тарихий, амалий ва минтақавий социология соҳалари киради.

Иккинчи босқичдаги замонавий социологик илмий тармоқлар қаторида шахс социологияси, сиёсий, иқтисодий, ҳуқукий, демографик, экологик ҳамда институтционал соҳаларини кўрсатиш мумкун.

Учинчи босқичдаги социологик илмий тармоқлар турли хил соҳавий ҳамда илмий социологик йўналишларни ўз ичига олади.

Улар қўйдагилар: таълим, маданият, фан, дин, санъат ва бошқа социологик йўналишлар.

Тўртинчи босқичдаги социологик илмий тармоқлар қаторига регионал ва жамоавий хусусиятга эга бўлган йўналишларни киритиш мумкин. Улар қўйдагилар: ёшлар, оила, шаҳар ва қишлоқ социологияси.

Хозирги замон социологик тармоқлар тизимида жамоатчилик фикри социологияси муҳим ўрин тутади ва катта аҳамиятга эгадир. Жамоатчилик фикри социологияси ижтимоий ҳаётдаги барча соҳалар ва умумназарий, методологик ва хусусий социологик мактаблар билан бевосита боғлиқлиқда иш тутади.

Шундай қилиб, мураккаб умумий ва хусусий социологик фанлардан иборот бўлган замонавий социология тизими кўплаб ижтимоий-гуманитар фанлар билан кенг алоқаларни тақозо этади.

Бу алоқалар ҳам махсус хусусий фанлар ва илмий йўналишлар бўйича олиб борилади, бу эса унинг замонавий ижтимоий-гуманитар фанлар тизимидағи ўрнини аниқлаб беради.

СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: ТУШУНЧАЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

- 2.1. Социологик тадқиқотларни маъноси ва унинг турлари.*
- 2.2. Ижтимоий жараёнларни тадқиқотларини мақсади ва вазифалари.*
- 2.3. Социологик тадқиқотлар ва уни ўрганишига сабаб бўлган омиллар.*

2.1. Социологик тадқиқотларни маъноси ва унинг турлари

“Социология” термини билан ҳар биримиз танишмиз ёки унинг моҳиятини билиб олишга қизиқамиз. Ойнаижаҳон, радио, матбуот, турли социологик-тадқиқот якунларини маълум килади. Парламент, Президент қошидаги социологик комиссиялар, турли марказлар мухим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалалар бўйича жамоатчилик фикрини ўрганадилар: машхур шахсларнинг рейтингини, баҳо сиёсати муаммоларини турмуш даражасини аникладилар. Корхоналарда, минтақаларда ўзларининг маҳсус социологик тадқиқот ишларини олиб бориб, ўзларида жамоадаги социал ҳолатнииг кескинлиги, аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизмати, турли ташкилотларнинг иш фаолияти аникланади. Институтларда талабалар ўқувчи талабалар “кўзи билан” деб номланувчи анкетани тўлдириш орқали ўқитувчиларнинг ишларига баҳо берадилар. Буларнинг ҳаммаси ташки, яъни социологик тадқиқотлар ташқарисида намоён бўлиб, у амалий фан сифатида социологик кўринишни ташкил этиб жамиятнинг қандайдир кундалик, даққиқали эхтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

“Социология” лотинча “Societas” ва грекча “logos” (таълимот) сўзларидан келиб чиқкан бўлиб, жамият ҳақидаги фан маъносини англатади. Жамиятни тушуниш, англаш, унга нисбатан ўз

муносабатини билдиришга тенг бўлиб, инсониятнинг ҳамма тарихи учун хос бўлган. “Социология” ҳақидаги тушунча биринчи маротаба ўтган асрнинг 30 йилларида француз философи Огюст Конт томонидан илмий қўлланишга киритилган. Унинг тушунишича социология жамиятга тааллукли бўлган ҳамма нарсаларни ўз ичига олган жамиятшунослик билан бир қаторда турган.

Социологик тадқиқот - бу ягона мақсадга буйсундирилган мантиқан тартибга солинган методологик услубий ва ташкилий-техник иш тартиби ўрганилаётган социал воқелик ҳақида аниқ объектив маълумотни олишдир.

Тадқиқот пухта тайёргарлик қуриш билан бошланади:

Биринчи босқич - ўйлаб кўрилган мақсад, дастур, воситаларни аниқлаш, муддат, кайта ишлаш усули ва ҳ.к. шулар жумласига киради.

Иккинчи босқич - бирламчи социологик ахборотни тўплаш. Бу тўпланган турли шаклдаги умумлашган маълумотлар бўлиб, унга тадқиқотчиларнинг ёзувлари, хужжатлардан кучирмалар, сўрекловчиларнинг айрим жавоблари киради.

Учинчи босқичга — социологик тадқиқот давомида тўпланган ахборотлар (анкета сўровлари, интервью, аюка таҳлили ва ҳ.к) киради.

Электрон — ҳисоблаш машинаси ёрдамида кайта ишлаш дастурини ишлаб чиқишиди.

Якуний босқичда ишлаб чиқилган ахборотларни таҳлил этиш, тадқиқот якуни бўйича илмий ҳисботни тайёрлаш, буюртмачи, бошқарув субъекти учун хulosса ва тавсияларни таърифлаш киради.

Социологик тадқиқотлар тури қўйилган мақсад ва вазифалар, социологик жараённи таҳлил этишнинг даражасига қараб олдиндан белгиланади. Социологик тадқиқотнинг учта турини ажратиб кўрсатиш мумкин, булар: кузатишга оид, тавсифий, таҳлилий.

Кузатишга оид тадқиқот-социологик тадқиқотнинг энг оддий тури чекланган вазифалар бажарилади.

Мохиятга кўра:

1. Ҳужжатлар;
2. Анкеталар;
3. Сўров қофози;
4. Кузатув карточкалари;
5. Ҳужжатларни ўрганиш карточкалари.

Бундай тадқиқот дастури соддалаштирилган кузатилаётган мажмуа катта эмас 20 тадан то 100 кишини ўз ичига олади. Кузатишга оид тадқиқот, одатдагидек муаммони олдиндан чуқур ўрганишга қаратилган. Уни ўрганиш жараёни мақсад, тахминлар, вазифалар, масалаларнинг ифодаси аниқланади. Бундай тадқиқотларнинг муаммолари етарли даражада ўрганилмаган, шу билан бирга биринчи мартаға қўйилган ҳолатларда ўтказиш катта аҳамиятга эга. Кузатишга оид тадқиқот тезлик билан социологик ахборотларни олишга ёрдам беради.

Тавсифий тадқиқот — социологик таҳлил этишнинг анча мураккаб туридир. Унинг ёрдамида ўрганилаётган социал воқейлик ҳақида нисбатан тўлиқ тасаввурга эга бўлувчи маълумотни олиш мумкин. У одатда ўрганилаётган обьект катта мажмуани ташкил этиб хилма-хил тавсифлар билан фарқ қилган ҳолатларда ўтказилади. Масалан, турли касбга жинси, ёши, иш стажига эга бўлган одамлар ишлайдиган йирик ишлаб чиқариш корхоналарида ва ҳ.к. ўрганилаётган обьект тузилмасида бир хил бўлган гурухларни (масалан, таълим даражаси, ёши, касби бўйича) ажратиш, баҳолаш, қизиқувчи тавсифларни таққослаш, улар ўртасидаги алоқаларнинг бор ёки йўқлигини аниқлаш учун ёрдам беради. Тавсифга оид тадқиқотни таққослаш, улар ўртасидаги алоқаларнинг бор ёки йўқлигини аниқлаш учун ёрдам беради. Тавсифга оид тадқиқотни эмпирик маълумотлар тўпламига оид ёки бир нечта усууллари кўлланилиши мумкин. Услубларни бирга кўшиб олиб бориш ахборотнинг тўлалиги ва ишончлилигини ошириб чуқур хulosса ва асосли тавсияларни беришга имконият яратади.

Социологик таҳлил этишнинг энг чуқур турларидан бири - бу таҳлилий тадқиқотдир. У ўрганилаётган воқейлик ва жараёнларни тавсифлаб берибгина қолмай, шунингдек унинг асосида ётган сабабларни аниқлашга ёрдам беради. Оқибат-сабаб алоқаларини излаш таҳлилий тадқиқотнинг муҳим вазифасидир. Агар тавсифга оид тадқиқотда ўрганилаётган воқелик тавсифлари ўртасида алоқалар аниқланса, таҳлилга оид тадқиқотларда саволлар аниқланади: бу алоқа сабабий характерга эга ва нима асосий сабаб ҳисобланади деган тарзда қўйилади. Таҳлилга оид тадқиқотда у ёки бу воқеани белгиловчи хилма-хил омилларнинг йиғиндиси ўрганилади. Одатда уларни асосий ва асосий бўлмаган, доимий ва вақтингчалик, назорат килинадиган ва назорат қилинмайдиган ва ҳ.к йўналишда таърифлайдилар.

Таҳлилга оид тадқиқотни мукаммал ишлаб чиқилган дастурсиз ва сайқалланган маълумотсиз амалга ошириш мумкин эмас.

Социологик тадқиқотларга тайёргарлик анкеталарни тузишдан эмас, балки икки бўлимдан, методологик ва услубийдан иборат бўлган дастурни ишлаб чиқишдан бошланади.

Дастурнинг методологик бўлимига киради:

- а) социал муаммони ифодалаш ва асослаш;
- б) социологик тадқиқотнинг обьекти ва предметини аниқлаш;
- в) тадқиқот вазифалари ва тахминларини ифодалаш.

2.2.Ижтимоий жараёнларни тадқиқотларини мақсади ва вазифалари

Тадқиқот, мақсадли назарий тарзда ифодаланиши мумкин. У ҳолда дастурни тайёрлашда асосий эътибор назарий ва методологик муаммоларига: кизиқтирувчи масалалар бўйича илмий адабиётларни ўрганиш, тадқиқот предметининг концепциясини қуриш ва ҳ.к қаратилади. Бу ҳолда тадқиқот обьекти кўшимча назарий ишларни бажарганда аниқланади.

Тадқиқоти аниқ социал буюртмани олганидан сўнг социал объект хусиятларини ҳисобга олган ҳолда дастур устида ишлайди. Социологик ўзининг тадқиқот предмети концепциясига мос ҳолда тадқиқот обьектини излайди.

Амалий вазифаларни бажарувчи социолог аввало улар олдида қандай вазифа турганлигини аниқлаб, сўнг илмий адабиётлардан фойдаланиб, ушбу вазифаларни намунали ечиш масаласини хал этади.

Тадқиқот мақсадини аниқлаш, тасвирлаш, вазифаларини тартибга солишга ёрдам беради. Вазифалар асосий ва қўшимча (ёки асосий ва асосий бўлмаган) бўлади. Асосий ва қўшимча вазифалар ҳам назарий, ҳам амалий вазифалар бўлиши мумкин. У тадқиқот учун берилган буюртмага боғлиқ социологик тадқиқотнинг асосий вазифаси муҳим масала ҳисобланиб, унинг барча иш тартиби ушбу саволга жавоб топишга қаратилган.

Тадқиқот ишларининг мақсадига социолог у ёки бу услубни кўллаган ҳолда изчиллик билан боради. Унинг сони тадқиқот фарази билан, асосланади. Фараз — бу қандайдир омилларни, воқелик ва жарёнларни тушунтириш учун илгари сурилган илмий таҳдиллардир. Тадқиқот дастурида фаразни илгари сурилиши социологик таҳдил жараёнининг мантиқи билан боғланган.

Социологик тадқиқотлар дастурининг асосий қисмини тушунчаларни мантиқий таҳдил этиш ташкил этади. Дастурнинг бу бўлимида методологик иш тартиби ишлаб чиқилган. Иш тартибининг моҳияти асосий категория тушунчаларни мантиқий тартибга солишга қаратилган бўлиб улар тадқиқотларда фойдаланилади. Тушунча асосий ва асосий бўлмаган бўлиши мумкин. Асосий категория тадқиқот предметини аниқлашда етакчи ўринни эгаллайди.

Ушбу тушунчаларни мантиқий таҳдил этиш, уларнинг мазмуни ва тузилишини чуқур ва аниқ тушунтиришни тақозо этади. Сўнг керакли бўлакларнинг социал воқелик хусусияти ва сифати ўртасидаги нисбати аниқланади. Бу бўлакларни ва хусусиятларни

тахлил этиш тадқиқ этилаётган социал воқелик ҳолати ҳақида бир бутун тасаввурларни ҳосил килишга ёрдам беради.

Социологларда танловнинг бир талай услуги кенг тарқалган. Бу ерда асосий жамлама белгиланган аломатларга қараб яъни ёшига, жинсига, маълумотига, бўлакларининг бир хиллигига ва ҳ.к бўлинган.

Тадқиқотларда мақсадга мувофиқ танлов кенг қўлланилади. Унда кўп ҳолларда такрор, танлов услугидан фойдаланилади. Такрор танлов услуги — бу одатдагидек телетомошибинлар, рўзномани ўқувчилар, журналистлар, почта хизматидан фойдаланиб сўров қилиш демакдир. Бу ерда олдиндан тадқиқ қилинувчиларни аниқлаш қийин. Бунда тадқиқотнинг яқунини факат сўралаётганлар мажмуига тарқатиши мумкин.

Жамоатчилик фикрини сўроқлашда кўпинча бирлик танлови услуги қўлланилади. Ундан асосий мажмуанинг назорат остидаги бўлакларининг аломатлари ҳақида статистик маълумотлар бўлган тақдирда фойдаланилади.

Дастур ва танлов қанчалик мухум бўлмасин, ундан қатъий назар социологик тадқиқотларни саводхонлик билан амалга ошириш мумкин эмас. Одатда режага асосий бажариладиган тадбирлар (тадқиқот давомида амалга ошириладиган) киритилади, у маълум даражада сарфланган вақтни, кучни, воситаларни, ишнинг миқёсини аниқлашга ёрдам беради. Режа маълум қоидаларга асосланган ҳолда тузиб чиқилади ва унинг мохиятидан келиб чиқиб, илмий тадқиқот ва ташкилий техник жараёнлар ва ҳар бир алоҳида олинган иш тўрт бўлимга ажратилади.

Биринчи бўлим дастурни ва социологик тадқиқотни тайёрлаш, мухокама этиш, тасдиқлаш каби қоидаларни ўз ичига олади. Бунга бирламчи ахборотларни тўплаш гурухини ташкил этиш ва тайёрлаш масаласи ҳам киради. Бу бўлимда шунингдек разведкага оид тадқиқотларни ўтказиш ҳам назарда тутилади.

Агарда у ёки бу хужжатда камчиликларга йўл кўйилган бўлса, тадқиқот дастурига тезкорлик билан ўзгаришларни киритиш керак.

Хужжатлар ишга тайёр бўлгандан сўнг, улар кўпайтирилиб анкета тарқатувчиларга тақсимланади.

Иккинчи бўлим барча ташкилий ва услубий ишларни ўз ичига олиб нима қилиш керак қачон ва қандай муддатларда деган саволларга жавоб беради. Унда қўшимча равишда сўралаётганларни тадқикот мақсадлари, вазифалари ва унинг амалий аҳамияти ҳақида таништириб чиқиш назарда тутилади. Агар анкеталар анкета тарқатувчилар раҳбарлигида гурухларга тарқатилиб, тўлдириладиган бўлса, режада тадбир ўтказиш жойи кўрсатилиши керак.

Учинчи бўлим тўпланган маълумотларни ЭҲМда қайта ишловга тайёрлашга бағишлиланган. Режада ушбу мураккаб жараённи бажариш учун қанча мутахассислар жалб этилиши назарда тутилган. Кўпинча бунда саволни сўралаётганларнинг ўзлари берадилар. Уни бажаришда тадқикотчилар программистлар, ЭҲМ операторлари билан ҳамкорлида иш олиб борадилар.

Тўртинчи бўлим бу ишлов яқунларини таҳлил этиш билан боғланган иш турлари. Ҳисоблаш машинасидан маълумотларни олганидан сўнг, тадқикотчи ўтказилган социологик тадқикот юзасидан навбатдаги, оралиқ ёки якуний ҳисботни тайёрлайди, якун ясайди, амалий тавсияларни ишлаб чиқади.

Социологик тадқикот обьекти ва предмети аниқлангач унинг вазифаларини аниқ белгилаб олиш зарур. Тадқикотнинг вазифалари унинг обьекта ва предмети билан, шунингдек тадқикотчилик ёндашувлари ва мақсади билан чамбарчас боғлиқ лекин, тадқикотнинг натижалари қандай бўлади, деган саволга жавоб бера олмайди. Бу саволга жавоб бериш учун вазифаларнинг аниқ доирасини чегаралаб олиш зарур.

Тадқикот вазифаларини белгилашдан олдин уларнинг турларини аниқлаб олиш даркор. Социологик тадқикот вазифалари ўзининг умумий хусусиятига кўра назарий ва амалий турларга бўлинади. Назарий вазифалар маълум фараз ёки назариянинг тўғри ёки ногўти эканлигини аниқлаш, уларни доимий материаллар

билан түлдиришни кўзда тутади. Амалий вазифалар эса жамиятда, муайян соҳа, жамоа ва гуруҳда вужудга келган муаммоли вазиятни ўрганиш, уни ечиш учун тавсиялар ишлаб чиқиши назарда тутади.

Вазифаларни аниқлашда энг муҳим ҳолатлардан бири буюртмачининг мақсадларини аниқ-равшан билиб олишdir. Бу ҳолат шу пайтгача собиқ Совет социология фанида деярли тилга олинмай келинган, чунки у даврда давлат ва давлат корхонаси буюртмачи бўлар, ижрочи сифатидаги социологлар гурухи ҳам давлат муассасаси ходими ҳисобланарди. Бозор муносабатларига ўтган ҳозирги даврда эса буюртмачи сифатида ҳам, ижрочи сифатида ҳам давлат ёки давлат ташкилотлари, хусусий корхона ёки жисмоний шахслар қатнашиши мумкин.

Социологик тадқиқотлар, айниқса амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда бир эмас, бир неча вазифани бажаришга қаратилган. Ана шундай ҳолларда бош вазифани аниқлаб олиш зарур, агар шундай қилинмаса асосий эътибор иккинчи даражали масалаларга қаратилиб қолинишига олиб келади. Бош вазифа билан ёрдамчи вазифаларнинг ўзаро муносабатларини шундай бир мисолда куриш мумкин. Мехнат жамоасидаги психологик иқлимини ўрганиш бош вазифа қилиб олинса, уни ҳал қилиш жараённида бошқа вазифаларни ҳам йўл-йўлакай ечиш мумкин. Жумладан психологик иқлим билан боғлиқ бўлган жамоада бўш вақтни ташкил қилиш, моддий ва маънавий рағбатлантириш шулар жумласидандир.

2.3. Социологик тадқиқотлар ва уни ўрганишга сабаб бўлган омиллар

Социологик тадқиқотларда математик усууллар ва моделларнинг объекти жамият ҳисоблансада, предметнинг дастлабки босқичи сифатида жамият тушунчасини ажратиб кўрсатиш зарур эмас. Жамият ҳамма гуманитар фанлар учун объект бўлиши мумкин. Социал воқелик тушунчасини ҳам шунга киритса

бўлади. Социологик тадқиқотларда математик усуллар ва моделларнинг илмий мақомини асослашнинг моҳияти унинг обьекти ва предмети ўргасидаги фарқдан келиб чиқади.

Объектни билиш-тадқиқот обьекти нимага йўналтирилганлиги, обьектив воқелик сифатида унга нима қарама-қарши турганлигини аংглатади. Ҳар қандай воқелик, жараён ёки обьектив воқеликнинг муносабати турли фанларнинг (физика, химия, биология, психология, иқтисодиёт, социология ва х.к) обьекти бўлиши мумкин. Аниқ фанларнинг тадқиқот предмети ҳақида гапирганда, обьектив воқелик тўлиқ ҳолда олинмай, ушбу фаннинг ўзига хос томонини аниқловчи (шаҳар, қишлоқ, одам, маданият, ташкилот каби) томони олинади. Объектив воқеликнинг қолган қисми бу ҳолатда иккиласмачи ҳисобланади.

Одатда социологик билиш предметини аниқлашда у ёки бу воқелик ва жараёнларнинг ҳал қилувчи сифатлари ажратиб кўрсатилади.

Турли социологларнинг таъкидлашларича, социологик тадқиқотларда математик усуллар ва моделлар предметини аниқлашда ҳал қилувчи воқелик ва жараёнларга киради: “гурухий ўзаро таъсир”, “инсоний ўзаро таъсир” ва “унинг якуни”, “инсоний социал муносабатлар”, “социал институтлар”, “ижтимоий ташкилотлар ва уларнинг инсон хулқига таъсири”, “ижтимоий фаолият тизими”, “инсоний жамият ва инсоний хулқ”, “тартиб ва тартибсизликнинг ижтимоий табиати”, “ижтимоий гурухлар”, “одамлар бирлигининг формалари”, “инсоний жамиятнинг асосий тузилиши”, “социал жараёнлар”, “социал воқелик”, “социал ҳаётни илмий ўрганиш”.

Уларни қиёсий таққослаш социологик билишнинг асосий обьекти нима эканлиги ҳақида тушунча беради, аммо социология предмети ҳақидаги савол ҳал этилмай қолади.

Социал деган тушунча, социал алоқалар ҳамда муносабатлар ва уларни ташкил этиш усуллари, социологик билиш обьектининг

ўзига хослигини очиб берса, социал қонуниятлар эса социологик фан предметини аниқлаш учун бошланғич нұқта хисобланади.

Шундай қилиб, социология тарихан аниқ ижтимоий тизимларга амал қилишнинг социал умумий қонун ва қонуниятлари ҳақидаги, шахслар, ижтимоий гурухлар, бирликлар, синфлар, халқлар фаолиятида намоён бўлиши ва таъсир қўрсатиш дастаги ҳақидаги фандир.

Социал деган тушунчанинг ўзига хослигини характерловчи куйидаги асосий жиҳатларини ажратиб қўрсатиш мумкин.

Биринчи, бу хусусият турли гурух индивидлари учун тааллуқли ва улар томонидан социал муносабатларнинг у ёки бу хусусиятини интеграциялаш натижаси хисобланади.

Иккинчи, ҳозирги социал муносабатлар (иктисодий, сиёсий ва бошқа) билан боғланган индивидларнинг ўзаро ҳолатини акс эттиради. Яъни бу индивидларнинг ва улар гурухлари ўртасидаги турли муносабатларнинг мазмуни ва характерини англатади.

Учинчи, социал жиҳат турли индивидлар ва гурух индивидларининг бир-бирига, жамиятдаги тутган ўрнига, ижтимоий ҳаёт вокелиги ва жараёнларига муносабатида намоён бўлади.

Тўртинчи, бу индивидлар ўртасидаги алоқа ва ўзаро таъсирнинг намоён бўлишининг биргаликдаги фаолияти натижаси демакдир.

Шундай қилиб, назарий ва амалий социология бир-биридан ташкилий обьекти ёки амалий вазифалар қандай бажарилаётганлиги билан фарқ қиласи.

Социологик тадқиқотларнинг жамият ҳаёти билан хилма-хил алоқаси, унинг ижтимоий бурчи биринчи навбатда у бажараётган функциялар билан аниқланади. Ҳар қандай бошқа фанлар каби социологиянинг энг асосий функцияларидан бири билиш хисобланади. Социологик тадқиқотлар ҳамма даражада ва бошқа ҳамма бўлаклари орқали, аввало ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида янги билимларни ўсганлиги, қонуниятларни ва

жамиятнинг социал ривожланиш истиқболларини очиб беради. Бунга ҳам жиддий амалий изланишлар, ҳам эмпирик тадқиқотлар хизмат қилади.

Социологик тадқиқотларнинг характерли хусусиятларидан бири назария ва амалиётнинг бирлигидир. Социологик тадқиқотларнинг кўпчилик қисми амалий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган. Шу сабабли биринчи ўринга социологиянинг амалий функцияси қўйилиб, унинг чегарасида бошқа функцияларда намоён бўлади. Социологик тадқиқотлар социал жараёнлар устидан таъсирчан назоратни ўрнатиш учун аниқ маълумотларни беради. Кўпчилик мамлакатлардаги қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар, сиёсий партиялар ва бирлашмалар социология имкониятларидан ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида мақсадга мувофиқ сиёсатни олиб боришда фойдаланадилар. Айнан мана шунда социал назорат функцияси намоён бўлади.

Социологик тадқиқотларнинг амалий йўналтирилганлиги шунда намоён бўладики, у ижтимоий жараёнларнинг ривожланиш тамойиллари ҳақидаги илмий асосланган маълумотни ишлаб чиқишига қодир. Мана шунда социологиянинг олдиндан айтиб бериш функцияси намоён бўлади. Ўтиш даври ривожланишида бундай маълумотга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Мана шу жиҳатдан социология қодир:

- 1) мавжуд тарихий босқичда воқеалар қатнашчилари олдида имкониятлар даражаси қандай эканлиги аниқлаш;
- 2) ҳар бир танлаб олинган қарорлар билан боғлик ҳолда, бўлажак муқобил сценарийларни таклиф этиш;
- 3) ҳар бир муқобил варианtlар ичидаги тахминий камчилик ва йўқотишларни хисоблаб чиқиш ва бошқалар.

Қишлоқ, корхона ва жамоаларни социал режалаштиришгача бўлган кенг соҳаларни қамраб олган. Социология олим - социологлар кенг шахсий кўрсатмасига қарамай, мафкуравий функцияни бажарди ва бажаришда давом этмоқда. У биринчидан, табиий, тарихий жараёнларни англаш, жамият тараққиётининг яқин

орадаги мақсадларини ва истиқболларини ишлаб чиқишига қаратилган;

иккинчидан, илмий ва мағкуравий мунозарани бошқа қараашлар тизими орқали олиб бориш;

учинчидан, аҳоли ўртасида илмий мағкуруни тарқатиш; тўртингчидан, малакали мутахассисларни тайёрлаш, улар томонидан илмий мағкуруни ҳар томонлама ўзлаштириш.

Бихевиоризм тажрибага асосланган тадқиқот методини мутлоқлаштирадилар. Уларнинг фикрича, социологик тадқиқотларнинг вазифаси феъл-авторни тушунтириб бериш эмас, балки унинг тавсифини беришдан иборатдир. Шунинг учун тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад далилларни тўплаш ва унинг тавсифини беришдир. Ушбу кўрсатмадан келиб чиққан ҳолда бихевиористлар кузатиш ва тажриба ўтказишига тадқиқотнинг асосий услуги сифатида қараганлар. Маълумотларни кайта ишлаш жарайёнида асосий эътибор математик ва статистик усуслар берилган.

Фарб социологияси турли оқимларининг таъсирини сезган ҳолда, у шу билан бирга Россия жамияти тараққиётининг ўзига хос томонларини акс эттирган назарияни илгари суради. Тадқиқотчилар Россияда социологик ғоялар ривожланишининг уч босқичини ажратиб кўрсатадилар.

Биринчи босқич - XIX аср ўрталаридан то 1918 йилгача; XX - аср 20 йиллар бошидан то 50 йиллар охиригача; 1918 йиллар бошидан хозирги вақтгача. Ушбу ҳар бир босқич ҳақида қисқача изоҳ берамиз.

Биринчи босқич аввало П.Л.Лавров (1829-1900) ва Н.М. Михайловский (1822-1904)лар каби йирик мутафаккирлар билан боғлиқ.

Улар томонидан ривожлантирилган социал ғоялар “субъектив социология” номини олган. Бундай йўналишдаги ғоя П.Л.Лавровнинг (1870) машхур “Тарихий хат” ида биринчи марта таърифлаб берилган. Назарий социология асосчилари О.Конт, Г.

Спенсер, Э. Дюркгейм каби «субъектив социология» вакиллари марказида жамият ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқиши, унинг қонуниятлари ва ривожланиш йўналишларини аниқлашга қаратилган. “Субъектив социология” намоёндалари ижтимоий тараққиёт назариясини ишлаб чиқишига эътибор бердилар. Лавровнинг фикрича, ижтимоий тараққиётнинг моҳияти маданиятни қайта ташкил этиши: шахсан анъанавий тур, қотиб қолган ижтимоий формаларни ўзгарувчан, жўшқинликни ифодаловчи тузимлар ва муносабатлар билан алмаштириш зарур.

Цивилизация субъектив социологлар томонидан онгли тарихий ҳаракат сифатида тушунтирилади. Бу ҳаракат аввало танқидий ғоя орқали амалга оширилади. Аммо ғоя шахснинг хатти-ҳаракати орқали амалга оширилади, чунки ижтимоий тараққиётнинг асосий ҳаракатга келтирувчи кучи бўлиб танқидий фикрловчи шахс, илфор зиёлилар ҳисобланади.

Субъектив социологлар андозаларида шахс асосий ҳаракатга келтирувчи куч сифатидагина эмас, шунингдек ижтимоий ҳаётнинг ўлчови ҳамдир. Ижтимоий тараққиётнинг олий мақсади шахснинг ҳар тарафлама камол топиши учун муносабатларни яратишдан иборат. Аммо субъектив социологларнинг фикрича тарих, жамият шу даврга қадар хилма-хиллик йўлидан ривожланган, яъни шахсни бир хиллигини юзага келтириб уни ижтимоий дастакнинг оддий қисмига айлантириди.

Субъектив социологларнинг таърифлашларича шахснинг тўлақонли ривожланиши тенглик, адолатлилик ва озодлик ғояларини амалга оширишига қодир бўлган бозор иқтисодиётида содир бўлиши мумкин.

Умумсоциологик назария билан субъектив социология услуги мустаҳкам боғланишда бўлган. Уларда табиий ва ижтимоий воқеликда кескин фарқлар мавжудлиги таъкидланган. Табиий - бу қонуний такрорланувчи воқелик, ижтимоий такрорланмайдиган, якка тартибдаги ўзгарувчан воқелиқдир.

Табиий илмий услугуб ўз асоси билан объектив услугубдир. Социологик услугуб эса субъектив бўлиши керак. Социологияда субъектив услугбдан фойдаланишнинг зарурлигини асослаш шундай тартибда курилган: жамиятнинг асосий бирлиги бўлиб, синф, гурух, жамоа эмас, балки шахс ҳисобланади. Шахснинг социал фаолиятини қандайдир ташки омиллар эмас, аксинча субъектив хаёл ва мақсад белгилайди. Объектив усуллар орқали бу хаёл ва мақсадни англаш мумкин эмас. Шунинг учун социолог томонидан шахсни ўрганиш “бирга кайгуриш” тамойили орқалигина амалга оширилиши мумкин.

Субъектив социология билан бир қаторда ўша давр социология фанида сезиларли ролни М.М. Ковалевский (1851-1916)нинг асрлари ўйнади. Ковалевскийнинг социологик назариясидаги етакчи ролни социал тараққиёт назарияси ўйнаб, унинг моҳиятии социал гурухлар, синфлар ва халқлар ўртасидаги бирдамликдир. Ковалевский социологиясининг асосий вазифаси бирдамлик моҳиятиини аниқлаш, унинг хилма-хил формаларининг тавсифини бериш ва изоҳлашдан иборат эди.

Шуни таъкидлаш керакки, бу даврда социологияда кўп миқдорда далилий материаллар тўпланди, статистикада, демографияда ва бошқа оралиқ фанларда эришилган ютуклардан фойдаланиб, аниқ социологик таҳлилларга оид усулларни пухталаш давом этди. Социологик ғоя ривожланишининг иккинчи босқичи ташкилотлашув жараёнининг ўсиши, социологик фаннинг социал ташкилот мақомини олиши билан изоҳланади.

Социологиянинг кайта тикланиши 50 йилларнинг охири, 60 йилларнинг бошларига тўғри келади. Бу даврда фан-техника тараққиётининг хизматлари социал ва касбкорлик тузилмасига, унинг меҳнат фаолиятига бўлган муносабатини таҳлил этишга қаратилди. Кенг миқёсли социологик тадқиқотлар олиб борилди. “Социал режалаштириш”, саноат корхоналари, ишлаб чиқариш корхоналарининг ривожланишининг социал-иктисодий режаларини тизими кенг тарқалди. Ушбу тадқиқотлар давомида бой далилий

материаллар түпленди; социологик тадқиқотлар усули мукаммалаштирилди, күлчилік бўлиб социологик тадқиқот ўтказиш кўникмаси эгалланди.

Бу даврда инсон ҳаётий фаолиятининг мақоми бўлган иқтисодий ва социал ривожланишни уйгунлаштиришга қаратилган социал соҳани ривожлантиришни тадқиқ этиш масалаларига эътибор кучайди: Шу жихатдан социал соҳани ва жамиятни социал ривожлантириш масалаларини объектив таҳлил этиш билан шуғулланишдек фаннинг фуқаролик хуқуқини тиклаш масаласи кўндаланг турди. Социологиянинг назарий ривожланиши йўлидаги тўсиқ олиб ташланди. Социологияни мустақил фан сифатида ривожлантириш ва социологик тадқиқотлардан мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришда фойдаланиш умумдавлат даражасига кўтарилди. Назарий ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш вазифа деб белгиланди. Ҳозирги куннинг социал воқелигини акс эттирувчи социологик назарияни янада ривожлантириш масаласи кун тартибига қўйилди.

СОЦИОЛОГИК УСУЛЛАРИНИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИДА ҚҮЛЛАНИЛИШИ

- 3.1. Социологик илмий тадқиқотлар дастури.*
- 3.2. Анкетта ва сүров усулларининг қўлланилиши.*

3.1. Социологик илмий тадқиқотлар дастури

Социологик тадқиқотлар бўлажак изланишларнинг илмий асосланган режа ва дастурини тайёрлашдан бошланади. Дастур ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиқсан ва илмий-назарий жиҳатдан пухта ишланган бўлиши лозим. Зеро, тадқиқот натижалари қандай бўлиши ана шу омилларга бевосита боғлиқдир.

Дастур бўлажак тадқиқот материалларини тўплаш, қайта ишлаш ва маълумотларни таҳлил қилишни ўз ичига олади. Дастур тадқиқ этилувчи ижтимоий муаммо мөҳиятини аниқлаш, тадқиқот обьекти ва предметини белгилаш, мақсад ва вазифаларни характерлаб бериш, иш фарази (илмий тахмин)ни белгилаш, усулларини аниқлаш, маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш тархини чизиб олиш каби қисмларни ўзида мужассамлаштиради. Шундай қилиб, дастур, асосан икки катта бўлим, яъни — назарий методологик ва амалий-услубий бўлимлардан иборатдир.

Назарий-методологик бўлим мавзу танлаш, тадқиқот обьектини характерлаш, мақсад ва вазифалар, фараз ҳамда предметни аниқлаш каби қисмларни ўз ичига олса, амалий-услубий бўлим маълумотларни тўплаш усулларини баён этиш, йигилган материалларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тавсиялар тайёрлаш сингари амалий фаолиятларни мужассамлаштиради.

Социологик тадқиқотлар назарий асосларини ишлаб чиқиш ва фактларни йигиши бир пайтда амалга оширилмайди, аммо улар муштарак бирликда умумий вазифаларга бўйсунган ҳолда амалга оширилади. Дастурни ишлаб чиқиш жараёнида икки асосий талабга

риоя қилиш мухимдир. Биринчидан, ишлаб чиқилған назарий умумлашмалардан реал тадқиқот жараёнларига ўта билиш ва, иккинчидан, олинган натижалар, фактлар, йиғилған эмпирик материаллардан назарий умумлашмаларга, илмга қайта билиш, күнікмаларига эга бўлиш ана шу талаблар мазмунидир. Бу икки талабга риоя қилиш, бир жиҳатдан, социологик тадқиқотлар ўтказишни тизимли йўлга қўйиш, жамият ижтимоий муаммоларини тадқиқ этиш ишларини узлуксиз амалга ошира боришни таъминласа, иккинчи жиҳатдан, илм-фан турли соҳаларининг узвий ривожлана бориши учун кенг имкониятлар очади.

Дастур мазмунида жамиятда турли таъсирлар оқибатида юзага чиқувчи ижтимоий муаммоли вазиятлар аник ифода этилмоги лозим. Илмий муаммонинг қўйилиши муайян соҳа амал қилаётган билимлар ҳамда амалий андозалар доирасидан қониқмаслик, бу билимлар чегарасини кенгайтириш демакдир. Зеро, муайян тадқиқот бошлангунга қадар маълум бўлган билимлар доирасида хамиша ҳам ижтимоий муаммоли вазият ҳал этилавермайди.

Одатда, ижтимоий муаммо амалий воситалар билан ҳал этилмаган ҳолатда илмга, тадқиқот ўтказишга мурожаат килинади. Бу мурожаат илмда ижтимоий буюртма деб аталади. Шу тариқа социологик тадқиқотлар икки йўналишда: ижтимоий буюртма ва шахсан социологнинг ташаббуси асосида амалга оширилиши мумкин. Аммо социологнинг шахсий ташаббуси ҳам реал ҳаёт муаммолари асосига курилиши шарт.

Социологик тадқиқотларда илмий мақсад мухим аҳамият касб этиб, тадқиқотларнинг назарий ёки амалий йўналишларда бўлишини кўрсатувчи мўлжал вазифасини ўтайди.

Мақсадни амалга ошириш жараённида бир қатор ижтимоий зиддиятли ҳолатларга дуч келиш мумкин. Зеро, ҳамма нарсани олдиндан аник белгилаш мумкин эмас. Шу билан барча тадқиқотчи кутилган натижалардан ташқари яна қўшимча натижалар пайдо бўлишини ҳам назардан қочирмаслиги керак. Антик дунё мутафаккири Декарт, “Агар сиз қандайдир-ўйланмаган,

кутилмаган, хаёлингизга келтирмаган нарсани топишни ўйламайдиган бўлсангиз, сиз бу нарсани ҳеч қачон топа олмайсиз” деган эди.

Мақсадни амалга ошира бориш жараёнида баъзан фақат вазифанигина эмас, иккинчи даражали вазифаларни ҳам бир йўла бажаришга тўғри келади. Шу боисдан ҳам ишда асосий ва қўшимча у ёки бу масалалар бирваракайига ҳал қилишнинг конкрет йўллари белгилаб берилади.

Мақсаднинг амалга оширилиш жараёнида тадқиқотчи уч анъанавий вазифани бажаришни ўз олдига қўяди. Аввало мавзуни илмий-назарий жиҳатдан атрофлича тадқиқ этиш, иккинчидан, бу илмий-амалий мавзунинг бошқа илм ва ҳаёт жабҳалари билан нечоғлик боғлиқлиги, уларга таъсири масалаларини ўрганиш ва ниҳоят, учинчидан, ижтимоий зиддиятли ҳолатлардан чиқишининг мантиқий асосланган йўлларини белгилаб беришдан иборатdir. Дастурда ҳал этилмаган иккинчи даражали вазифалар алоҳида тадқиқотлар сифатида мустақил тадқиқ этилиши қайд қилинади.

Социологик тадқиқотлар дастурида илмий изланишга сабаб бўлган ижтимоий зиддиятли муаммолар ва уларнинг асосий тушунча, атамалари атрофлича изоҳлаб берилади. Айни вақтда баъзи илмий тушунчаларни эмпирик тарзда изоҳлаш ва бу тушунчалар диалектикасини реал қўринишда кузатиш имкониятлари илмий сўзлар, фактлар ва ижтимоий кўрсаткичлар тарзида батафсил баён этилади. Масалан, билим олиш самарадорлигини таъминлашнинг пролонг усули ҳақида фикр юритиладиган бўлса, ана шу пролонг (узайтириш) усули зарур фанларни ёки зарур кўникма ва хунарларни ўзлаштиришнинг бошқа фанлар мазмунига уйғунлаштириш натижасида қай усулда узайтирилиш мумкинлигини аниқ - ойдин баён этилиши лозим.

Дастурда комплекс социологик тадқиқот натижаларини қўлга киритиш, ўрганилаётган обьект ва предмет хусусиятларини аниқлаш мақсадларида социологик тадқиқотлар инструментарийсига алоҳида тўхталиб ўтиш лозимdir. Социологик

тадқиқотлар инструментарийси деганда социологик тадқиқотлар ўтказиш учун зарур бўлган методик ва техник усуллар йиғиндини эътиборга оламиз. Бу йиғинди ёки умумлашма замирига дастлаб бирламчи маълумотларни тўплаш, яъни кузатиш усулини амалга ошириш учун зарур бўлган кўрсатма ва қоидаларни ишлаб чиқиш, ҳужжатларни таҳлил этиш, сўроқ қоғозларини тартибга солиш, ёзма манбаларни қўлда ёки машина ёрдамида санаш, таҳлил этиш, умумлаштиришга тайёрлаш босқичи ҳамда табиий тадқиқотни амалга ошириш учун тадқиқот ўтказишига мутасадди раҳбарлар, илмий-техник ходимларни муайян тайёргарликдан ўтказиши босқичлари киради. Социологик тадқиқотлар инструментарийси тадқиқот ўтказилиш жараёнида барча техник операциялар, респондентлар иши, тадқиқотчи позицияси ва бошқа жиҳатларни умумий талаблар асосида аниқ тартибга туширади. Бу эса ўз навбатида тадқиқот ишини илмий асослаган тартибда ҳаққоний ва ишонарли ўтказиши имконини беради.

Асосий тушунчаларга атрофлича изоҳ ва характеристикалар бериш билан бир вактда ўрганилаётган обьектни олдиндан хар томонлама муфассал ва тўлақонли таҳлил этиб бориш лозим. Бу эса муайян тадқиқот соҳаси ва шу соҳага алоқадор бошқа ҳаётий жабҳалар хусусидаги барча амалий - ҳаётий, адабий - илмий манбаларни ҳам аниқ тартибга туширишда кўл келади.

Ўрганилаётган обьект маълум система сифатида ўрганилаётганда бу обьектнинг аниқ-ойдин система яратувчи элементларини белгилаб олиш лозимdir. Масалан, кишиларнинг бир жойдан иккинчи жойга ишга ўтиш муаммоси илмий муаммо сифатида ўрганилаётган бўлса, тадқиқотимиз обьектнинг тахминий элементлари қуидагилар бўлиши мумкин:

- а) иш жойида ҳақ тўлаш даражаси;
- б) иш жойидаги ахлоқий - психологик мұхит;
- в) бошлиқ билан келишмовчиликлар мавжудлиги;
- г) иш жойининг яшаш жойидан узоқ – яқинлиги;

- д) меҳнат шароитининг оғир - енгиллиги;
- е) перспектива ёки фаолиятдаги карьера истиқболлиги;
- ж) фаолиятнинг шахсга ёш жамиятга жуда зарур ёки бефойда эканлигини хис этганлик;
- з) иш жойида дам олиш, ҳордиқ чиқариш масалаларининг ҳал этилганлиги;
- и) саломатлик билан боғлиқ сабаблар;
- й) оиласвий масалалар билан боғлиқ сабаблар.

Ушбулар юқорида тилга олинган объективизмнинг элементлари сифатида қайд этилиши ва бу элементларнинг ҳар бири иш жойини ўзгартириш учун сабаб бўлиши ёки шу қарорга келиш учун шарт-шароит ҳозирлаши мумкин.

Тадқиқот дастурини тузганда ягона тушунчалар аппаратига бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот бир эмас, бир нечта тадқиқотчи томонидан амалга оширилиши эътиборга олинадиган бўлса, бу тушунчалар аппаратидаги атамалар ҳажми тадқиқотчилар томонидан бир хил тушунилиши, ҳар хил изоҳлар беришга уриниш ҳолларига йўл қўйилмаслиги лозим. Дастурда тушунчалар моҳияти илмий асосланган тарзда объектив ва тўла очилиши зарур.

Тушунчалар моҳиятини аниқлаш босқичи, табиий равишда тадқиқот предмети моҳиятини ҳам чуқур таҳлил этиш заруриятини кун тартибига қўяди. Предмет ҳам ўз навбатида система сифатида ўрганилиши ва система яратувчи элементлардан ташкил топиши мумкин.

Дастурда *концептуал* ҳамда *операционал* моделлар ҳам ўзининг батафсил ифодасини топган бўлиши лозим. Концептуал модель категорияси логик тузилишга эга бўлган мантикий асосга курилган, тадқиқот мақсадини юзага чиқаришга имкон берувчи назариядир. Операционал қоидалар даставвал логик процедура бўлиб, назарий маъноларнинг эмпирик жиҳатдан тушунилишини қайд этади ва кўрсатиб беради.

Юқоридаги тушунчалар мазмунининг атрофлича очиб берилиши дастур гепотезасини тузиш учун кенг йўл очилишига

имкон яратади. Социологик тадқиқотларда илмий фараз ижтимоий обьектнинг тузилиши ҳақидаги назарий асосланган илмий тахмин бўлиб, мазкур обьектни ташкил этувчи турли хил элементлар ва алоқалар характеристири, уларнинг фаолият юритиши ва тараққиётини ўзида ифодалайди. Илмий фараз ўрганилаётган обьект хусусида дастлабки таҳлил ўтказилгандан кейингина тузилиши мумкин.

Фаразнинг нечоғлик ҳаётийлиги ёки ҳаётий эмаслиги эмпирик асосланиш жараёнида конкрет социологик тадқиқотлар ўтказиш давомида маълум бўлади. Бундай тадқиқотлар натижасида фаразлар бекор этилади ёки тасдиқланади. Ҳаётийлиги исботланган тахмин муайян назариянинг қоидаси бўлиб тадқиқотнинг муваффақиятли ўтишини таъминлайди.

Илмий асосланган фараз қуидаги талабларга жавоб бериши лозим: Аввало, илмий фараз умумий сони фикрларнинг моҳият принципларига мувофиқ бўлиши шарт. Бу ўринда ўқувчи тӯғри тасаввур олиши учун шу нарсани таъкидлаш керакки, илгари тарихий материализмнинг принципиал нуктаи назарларига мос тушмайдиган қоидаларни ноилмий деб аташ қабул этилган эди. Бундай қарашлар ҳамма нарсани пролетариат синфи нуктаи назаридан баҳолаш, ишчилар синфи манфаатлари, дунёқарashi эҳтиёжларига мувофиқ келмайдиган ҳамма нарса, барча воеа ва ҳодисаларни кераксиз ноилмий хисоблаш одатидан келиб чиқкан эди. Аммо мустақиллик туфайли умуминсоний манфаатларнинг устунлиги хусусидаги фалсафий методологик фикр қарашлар қабул қилингандан сўнг илмий фараз учун фалсафий фаза доираси янада кенгайди.

Иккинчидан, илмий фараз исботи аллақачон маълум бўлган воеа ва ҳодисаларни асослашга бағашланмаган бўлиши лозим. Аммо, илмий тахмин бирмунча эскирган, қайта исботга муҳтоҷ назарияларнинг ҳаётийлигини яна бошдан текшириб кўришга бағищланиши мумкин. Бу умумилмий қарашларга хилоф бўлиб тушмайди.

Учинчидан, илмий-фараз ҳаммага маълум бўлган, исботи аниқ

айрим фактлар ҳакиқатига зид бўлмаслиги керак.

Тўртингидан, илмий фаразни социологик тадқиқотларнинг бутун жараёни давомида исботлаш имкони таъминланган бўлиши лозим.

Ўрганилаётган ижтимоий обьектни мазмунан тахмин этиш асосида баён этувчи ва изоҳловчи фаразларга бўлиб тадқиқ этиш мумкин.

Социологик тадқиқотлар усуслари орасида ижтимоий воқеликни билишининг ўзига хос кўринишларидан бири табиий тадқиқотлар усулидир. Табиий тадқиқотлар усули ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни одатий табиий шарт-шароитларда бевосита ва ҳар томонлама ўрганиш имконини беради. Масалан, бирор-бир шахснинг моддий ва маънавий турмуш тарзини тўлақонли ўрганиш мақсад қилиб қўйилса, табиий муҳитда доимий кундалик турмуш ва иш фаолияти жараёнида муфассал тадқиқ этилади. Айни чоғда табиий тадқиқотлар ялли ижтимоий изланишлардан (масалан, аҳоли фикрини оммавий равишда анкета тарқатиш орқали ўрганишдан) ва лаборатория усулида тадқиқ этишдан тубдан фарқ қиласди. Табиий тадқиқотлар қўйидаги кўринишларга эга бўлиши мумкин:

– изланиш асосидаги тадқиқотлар, яъни илмий-амалий тадқиқ этилмаган жараёнларни ўрганиш ва улар хусусида назарий хуносалар яратиш;

– диагностик тадқиқотлар, яъни муҳим амалий қимматга эга бўлган янги ижтимоий муаммолар тизимини белгилаш ва уларни ҳал этиш йўлларини аниқлаш;

– табиий эксперимент асосидаги тадқиқотлар: бунда тадқиқот дастурида илгари сурилган илмий амалий фараз одатий-табиий муҳим шароитда дастлабки синовдан ўтказилади.

Тадқиқот дастурининг амалий қисмида ўтказилиши мўлжалланган изланишнинг бевосита услубий жараёнлари – бирламчи материалларни тўплаш, ижтимоий ахборот мажмуини қайта тиқлаш, тахжил этиш ва тавсифлаш ҳамда ишлаб чиқилган

назарий ва амалий тавсияномаларни ҳаётга тадбиқ этиш ва тавсия баён этилади. Ишлаб чиқарилган илмий назарияни ҳаётга тадбиқ этиш масаласи ҳам мураккаб жараён бўлиб, қуидаги талаблар бажарилган бўлишини тақозо этади:

- илмий назария муайян мазмун ва тизимга эга бўлиб, пухга ишланган илмий умумлашмалар кўринишида ифодаланиши;
- илмий назариянинг муайян тартибдаги талаблар ва тамойиллар шаклида ифодаланган бўлиши;
- тадбиқ этиш амалиёти ва тайёргарлик босқичларининг муфассал ишлаб чиқилган бўлиши ва дастлабки синовдан ўтказилиб, тайёр ҳолатга келтирилиши;
- тадбиқ этилувчи усулларни амалдаги фаолият услублари мазмунига тадрижий сингдириш хусусида амалий малака ва тажрибага эга бўлиш;
- илмий назарий хулоса ва тавсияномаларнинг қандай ҳолатларда ижобий самаралар ва қандай мухитда салбий натижалар ҳосил этиши жараёнларининг социолог томонидан аниклаб қўйилиши ва тажрибада синаб кўрилган бўлиши мухимdir.

Ялпи сўров натижалари турли тадқиқот усуллари жараёнида тўпланган маълумотларни мушоҳада этиш ва қайта ишлаш тадқиқот дастурининг кейинги мухим босқичларидан саналади. Маълумотларни атрофлича таҳлил этиш ҳозирги замонда социологдан чуқур билим талаб этади. Улар жумласига таҳлилнинг математик усулларини яхши ўзлаштириши, программалаштиришнинг зарурий усулларини билиш, компютерда ишлаш қобилиятларини киритиш мумкин.

Айни чоғда ҳозирги замон илмий тадқиқотлари муфассал ишлаб чиқилган меҳнат тақсимоти дастурига эга бўлишни талаб этади. Социологик тадқиқотлар ўтказиш жараёнида техник ва технологик имкониятларнинг кенгайиши, ижтимоий ахборот ва таклифларнинг ҳар томонлама мантикий асосланган бўлишига доир талабларнинг ортиб бориши, илмий изланишлар давомида кўплаб мутахассисларнинг жалб этилиши, иш жараёнининг кўп қирралиги,

мехнат тақсимоти дастурининг пухта ва илмий асосланган бўлишини тақозо этади.

Социологик тадқиқотларнинг якуний боскичида ҳисобот тайёрланади. Ҳисобот илмий изланишлар жараёнида тўпланган эмпирик маълумотларни ўзида ифодалаб, дастурда белгиланган барча талабларнинг қай даражада бажарилганлигини баён этади. Ҳисобот алоҳида тўпланган хужжат сифатида баҳоланиши ва матбуотда эълон қилиниши мумкин.

3.2. Анкета ва сўров усулиларининг қўлланилиши.

Социологик тадқиқот усувлари ичida ҳозирги кунда энг кўп тарқалгани *сўров усули*дир. Сўров усулининг қулайлиги шунда намоён бўладики, тадқиқотнинг кузатиш ва эксперимент усувларини фақат мутахассис социологлар қўллаши мумкин бўлса, сўров усулида тадқиқот ўтказишга қисқа муддатли тайёргарликдан ўтган ёрдамчиларни ҳам жалб қилиш ва улар ёрдамида респондентларнинг катта миқдорини камраб олиш мумкин.

Сўров усули бошқариш учун қулай усулдир. Бундан ташқари, тадқиқот кўламини кенгайтиришда сўров усулининг имкониятлари жуда катта. Бу усул қўлланилганда катта корхона ва муассасалар, соҳалар, минтақалар ва ҳатто, мамлакат миқёсида ҳам тадқиқот ўтказиш мумкин.

Кузатиш усули фақат ҳозирги даврда юз берадиган ҳодисалар ҳақида маълумот берса, сўров усули респондентга бевосита мурожаат қилиб, унинг хулқ-атвори, харакатдан кўзлаган ниятлари ўтган даврда қилган ва ҳозир қилаётган ишлари, келажакка мўлжалланган режалари тўғрисида батафсил маълумот олиш имконини беради. Айниқса, кишининг ҳис-туйгулари, кечинмалари, ҳаракат мотивлари тўғрисида маълумот тўплаш керак бўлганда бу усул қўл келади. Чунки бу ҳодисалар кузатувчи нигоҳидан яширин бўлиб, уларни кузатиш усули билан аниқлаб бўлмайди.

Тўпланиши керак бўлган маълумот характери ва уни тўплаш усулига қараб сўровлар икки турга бўлинади:

I. Анкета сўрови.

II. Интервью.

Савол берилиши мумкин бўлган одамлар ёки потенциал респондентларни қай дараҷада қамраб олишига қараб сўровлар яна икки турга бўлинади:

I. Ялпи сўровлар.

II. Сайланма сўровлар.

Булардан ташқари, очиқ ва ёпиқ сўровлар, юзма-юз ва сиртдан сўров сингари турлари ҳам мавжуд.

Хужжат ўз семантик маъносига кўра исбот этиш мазмунини ифодаловчи сўздир.

Хужжат усули тарихий адабиётларда кенг қўлланилган. Абу Райхон Берунийнинг “Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида кўпдан-кўп ёзма манбалардан фойдаланилади.

Хужжат - моддий материал манба ҳисобланиб, воқеа ва фикрлар хусусидаги маълумотларни ўзида ифодалайди.

Хужжатда инсон ёки жамоа фикри ёзма ва бошқа белгиларда намоён этилган бўлади. Хужжат сифатида турли формуналар, чизгилар, графиклар, рамзий белгилар бўлиши ҳам мумкин. Бундай шартли белгилар муайян маълумотга эга кишилар томонидан ўқиласиди.

Хужжатларнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида куйидаги таснифи эътиборингизга ҳавола этамиш:

1. Социологик тадқиқот учун муҳим аҳамиятга эга ҳолат, факт аввало инсон томонидан (ёки маҳсус мосламалар кўмагида) қайд этилади, сўнгра хужжат шаклида ифодаланади. Демак, хужжат инсон онгида аввал пайдо бўлиб сўнг оғзаки, ёзма манбаларда ифода этилади, қайд қилинади, сакланади ва тарқатилади.

2. Ҳар қандай ҳолатларда ҳам муайян факт ва ҳолатларнинг муҳим жиҳатлари хусусидаги информацияга эга бўлади (текст, овоз ёзиш мосламалари, нурли ифодаларда ёки чизма белгаларда акс

эттирилади).

3. Айрим хужжатлар мазмунни фақат муайян маҳсус билимларга эга бўлган кишиларгагина тушунарли бўлади. Масалан, мураккаб технология лойиҳалари, қурилиш сметаларини, электронхисоблаш машиналари берадиган маълумотларни маҳсус билимларсиз англаб олиш қийин. Аммо бундай ҳужжатлар мазмунни маҳсус билимларга эга бўлган ҳар хил кишилар учун бир хил маъно бериши керак.

4. Ҳужжат, унинг сақланиши ва ягона мазмун бериши хусусиятлари тайин бўлса, исталган манбада баён этилиши ва исталган усулда ифодаланиши мумкин.

Ташкилот, муассаса ва мансабдор шахс томонидан бериладиган ҳужжатлар умумий қабул қилинган муайян гувоҳлик мазмунини ифодаловчи расмий реквизитларга эга бўлади. Уларни тахминан шундай характерлаш мумкин:

- 1) ҳужжатларда муҳр, штамп, босмахона бланки белгилари бўлиб, улар муайян муассаса, ташкилотга тегишли эканлигидан далолат бериб туради;
- 2) ҳужжат маълум мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиб, унинг исми-шарифи ва унвони акс этади;
- 3) ҳужжатда, у тузилган жой, вақт, қабул этиш ва муайян адресга жўнатиш белгилари қайд этилган бўлади.

Албатта, социология фани учун ҳужжатда акс эттирилган мазмун биринчи даражали аҳамиятга эга, аммо мазкур ҳужжатнинг нечоғлик ҳаққонийлиги ва реаллиги унинг тузилиш шаклига ҳам боғлиқдир.

Ҳужжатларнинг бир қанча хиллари бор:

- а) қайд этиш усулига кўра фарқланадиган ҳужжатлар (кўлёзма, босма ёзув, кино ва магнит тасмасидаги ёзувлар, фотосуратлар);
- б) муайян мақсад қўйиб олинадиган ҳужжатлар (тадқиқот дастурига кўра социолог томонидан маҳсус тузиладиган ҳужжатлар);

в) шахсга доир (шахсий хужжатлар, хатлар, кундаликлар) ва шахсга бевосита алоқаси кам хужжатлар (статистик материаллар, матбуот маълумотлари, мажлис протоколлари);

г) расмий даражасига кўра фарқланувчи хужжатлар (давлат статистика идоралари томонидан расмий хужжатларга илова килинадиган маълумотлар, қарорлар, фармонлар, кўрсатмалар, шунингдек, норасмий хужжатлар алоҳида шахс томонидан тузиладиган аризалар, шикоятлар, такризлар, гувохлик кўрсатмалари ва бошқалар);

д) хужжатлар информация манбаига кўра хам фарқланади (бирламчи информациялар бевосита кузатиш ёки сўраш усули орқали олинади, иккиласми информация эса бирламчи маълумотни умумлаштириш, қайта ишлаш ҳамда қайта текшириш натижасида олинадиган маълумотлар туфайли кўлга киритилади.

Саволларнинг самарали тизимини яратиш учун социолог тадқиқот муаммосидан ташқари, ўрганилаётган обьект структураси, шу жамоадаги ахлоқий-маънавий мухит, умумий ва ижтимоий психологияни яхши билиши талаб қилинади. Тажриба шуни кўрсатадики, агар анкета саволлари узундан-узун бўлса, ихчам ва сержило бўлмаса, савол жумлалари услубий жиҳатдан пухта бўлмаса, анкетага нксбатан респондентнинг салбий муносабатини уйғотади. Жавоблардаги ноаниқликларга, баъзан эса жавоб беришга истакнинг йўқолишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам анкета тузишга жуда жiddий эътибор талаб қилинади. Анкетага киритиладиган ёки интервью жараёнида бериладиган саволлар ўз хусусиятларига кўра турлича бўлади.

Интервью усули анкета билан кўп умумийликларга эга. Анкетада саволлар ёзма тарзда берилса, интервьюда оғзаки саволлар берилади. Интервью респондент билан бевосита мулоқотни тақозо қиласи.

Интервюни ўтказувчи — интервьюер шахсияти, ўзини тутиши, овози, ташқи кўриниши ва кийиниши ҳам сўров натижаларига таъсир қилиши мумкин.

Интервью ўз мохиятига кўра тадқиқотчи билан респондентнинг сухбати, лекин бу сухбатни хар куни чойхонада ёки бекорчилиқдан қилинаётган сухбат билан тенглаштириб бўлмайди. Чойхонадаги ёки бекорчилиқдан ўтказилаётган сухбатдан асосий мақсад вақт ўтказиш бўлса, интервью муайян маълумот тўплашни назарда тутади. Шу билан бирга, интервьюнинг оддий сухбатдан фарки яна шундаки, сухбатдошлар бир-бирларини қизиктирган масалалар тўғрисида гап юритса, интервью жараёнида фақат бир томон тадқиқотчи савол ва респондент жавоб беради.

Интервью билан оддий сухбат ўртасидаги тафовут яна шунда кўринадики, сухбатдошлар, одатда, таниш одамлар бўлиб бир-бирларига муайян психологик муносабатда, аксарият ҳолларда ижобий муносабатда бўладилар. Чунки, одамлар ўзлари ёқтиргмаган одам билан сухбатлашишни ҳам ёқгирмайдилар. Интервью эса, деярли икки нотаниш одамнинг сухбати. Щунинг учун, агар тадқиқотчи ўзининг муомаласи, кийиниши, ўзини тутиши билан респондентда ижобий, ҳеч бўлмаганда нейтрал муносабат уйғотолмаса, респондент саволларга жавоб беришни хоҳламаслиги, мабодо илтимос қилиб туриб олинса, юзаки ва чала жавоблар бериши мумкин. Ёки бўлмаса диндор мусулмонлардан интервью олиш учун ўта замонавий, олабайроқ кийимларда бориши, айниқса хотин-қизларнинг европача ёки мини кийимларда бориши салбий муносабат уйғотади ва бу интервьюнинг натижаси қўнгилдагидай бўлмайди.

Анкета сўров-реал суратда амал қилувчи социал далиллар, социал воелик ҳакидаги энг муҳим ахборот манбаидир. У дастурий саволларни таърифлаш турлича шархларни истисно қилувчи, сўроклангаётганларни тушиниш осон бўлиши учун тадқиқот дастурида қўйилган муаммоларни саволларга «ажратиш» билан бошланади. Бу анкета услубидаги сўровни қўллашнинг дастлабки босқичидир.

Бу ерда нима хақида сўз кетяпти? Фақат иш хақидами ёки даромаддами? Жарима ушлаб қолингандан кейинги иш хақи устидами ёки даромад солигини ўз ичига олган, маблағ хақидами? Иш хақига мукофот кирадими? ва х.к.

Худди шундай формада сўралаётгани ўтказилаётган тадқиқотда қатнашишини илтимос қилиш асосига курилган. Бу мурожаат, масаланинг қўйилиши билан бошланиб ўзига хос “кириш” ҳисобланади ва қисқа, тушунарли тарзда қўйилади. Мисол келтирамиз:

Хурматли ўртоклар! Меҳнатни ташкил этишнинг формалари хақида ўз фикрингизни айтишингизни илтимос қилиб сизга мурожаат қиласиз, сизнинг самимий ва аниқ жавобингиз меҳнатни ташкил этишни яхшилашга қаратилган умумлашма ва амалий тавсияларни тайёрлашга ёрдам беради.

Бўлиши мумкин бўлган жавоблар анкетада келтирилган. Сизга тавсия этилган саволлар турларини ва бошқа сизнинг фикрингизга мос келадиган жавобларни умумлаштириб, қўшув белгиси билан белгиланган. Агар берилган жавобларнинг бирортаси сизни қониқтирмаса, ўз фикрингизни ёзинг бунинг учун алоҳида жой ажратилган. Ишда ёрдам кўрсатганингиз учун олдиндан раҳмат айтамиз.

Келтирилган кириш сўровнинг мавзуи ва мақсади аниқ вазифани бажаришга йўналтирилган.

Агар хозир унга танлаш учун имконият яратилганда у айнан шу касбни танлаган бўлар эдими деган масалани ҳал этишга қаратади.

Турли турдаги саволлар — очик ва ёпиқ тўғри ва қўшимча шахсий ва шахсий бўлмаган саволлар анкетада алмашиб турилади. Социологик сўровни олиб борувчи, тадқиқотчи олдида ахборотларнинг асослилиги ҳақидаги муаммо туради. Ушбу сўровнинг асосли эканлигини текшириш ва назорат қилиш мақсадида турли усууллар қўлланилади. Шулардан бири назоратли саволлардир.

Саволлар мажмуидан бир мавзуга таъллукли асосий ва назоратли саволларни танлаб олиш мураккаб эмас. Маъно жиҳатидан кенг хажмдаги савол асосий ҳисобланади.

Масалан: ишчига савол таклиф этилади: ўз фикрингизга тўғри келадиган ўз мулоҳазангизни жадвалда белгиланг:

- 1) ишчи тўла мамнун;
- 2) мамнун эмаслигига, кўра кўпроқ мамнун;
- 3) мен учун барча иш барибир;
- 4) мамнун бўлмасликка қараганда кўпроқ мамнунман;
- 5) ишдан тамомила мамнун эмасман;
- 6) айта олмайман.

Жавобни назорат этиш учун шундай назоратли саволларни бериш керак: "Сиз бошқа ишга ўтишни хохлайсизми?" (ха, йўқ, билмайман) ёки тахмин қиласлик сиз қандайдир сабабларга кўра вактинча ишлайпсиз, Сиз ўзингизнинг аввалги иш жойингизга кайтган бўлардингизми? (ха, йўқ, билмайман).

Назорат саволлари одатда анкетада асосий саволдан иборат бўлиб бир-биридан масофада жойлашади.

Анкета сўровлари маълумотларнинг асосли эканлигини назорат қилишни ишончли воситаси бўлиб бир қанча услубларни бирга кўшиб боришни, яъни: анкеталаштириш ва кузатиш, анкеталаштириш ва эркин интервьюни (мухбирнинг бирор арбоб билан сухбати) назарда тутади.

Анкета қандай тузилади? Биринчи қадам унинг лойиҳаси тайёрланади; иккинчи танлов, сўров. Танлов сўров (сўров-разведка) кўпчиликни ташкил этган асосий хусусиятлар бўйича танлаб олинган, мавзу, мақсад ва вазифаларни белгиловчи одамларни ўз ичига олади. Танлов сўров режасини текшириш, масалаларни аниклаш, уларни таърифлаш ва сўров вароғига жойлаштириш учун зарур. Танлов сўровнинг натижаларини атрофлича таҳлил этилгандан ва хатолар тузатилгандан сўнг оммавий сўровга киришиш мумкин.

Социологик тадқиқот усууллари ичидә ҳозирги кунда энг кенг тарқалгани анкета сўров усулидир. Бу усулининг кенг тарқалгани бир қанча омилларга боғлиқ бўлиб, улар ичидә мухимларидан бири бу усулининг қулайлиги, катта имкониятга эга эканлигидир. Сўров усулининг қулайлиги шунда кўринадики, тадқиқотнинг кузатиш ва экспримент усуулларини фақат мутахассис социологлар қўллаши мумкин бўлса, сўров усулида тадқиқот ўтказишга қисқа муддатли тайёргарликдан ўтган ёрдамчиларни ҳам жалб қилиш мумкин.

Кузатиш ва эксперимент усууллари тадқиқот учун анча узоқ муддат талаб қиласди. Бу усуулларда тадқиқотни тезлаштириб ёки секинлаштириб булмайди. Сўров усули эса бошқариш учун қулай усулдир. Бундан ташқари тадқиқот қўллашни кенгайтиришда сўров усулининг имкониятлари катта.

Социал ахборотларни кузатиш ўзининг барча жозибалилигига қарамай кўпгина ожиз томонларига ҳам эга. Аввало бу кийинчиликлар маълумотларнинг ишончли кафолатланган-лигидадир. Кузатувчи нисбатан маҳаллий воеа, далилларни ёзиб олади. Бунда воеаларни изоҳлаш, ҳаракатда билан шахсларнинг далиллари нуқтаи назаридан одамларнинг хатти-харакатида камчиликка йўл кўйилиши мумкин бўлган эҳтимоллардан яна бири шундаки, социолог фақат кузатибгина қолмай, шунингдек ўзининг санаш тизимига (ўлчови) ҳам эга. Ушбу тизимга суюнган ҳолда социолог у ёки бу далилни, воеани шархлайди, изоҳлайди, ўрганилаётган воеелик ҳақида объектив ахборотни олиш мақсадида назорат этиш усууллари қўлланилади:

- кузатилгани кузатиш;
- бошқа услубларда назорат қилиш;
- кайта, кузатишга мурожат этиш;
- ёзувлардан баҳоли терминларни чиқариб танлаш ва х.к

Тажриба - бу янги билимни бошқараётган ва назорат қилаётган; шароитда олинган умумий илмий услугбидир. У социологияга табиий илмий билимлар соҳасидан кириб келган.

Тажрибалар иккига бўлинади:

1. Ижодхона дала шароитида ўтказиладиган тажрибалар.

2. Хаёлий (моделга оид) фикрлаш.

Уларнинг ҳар бири ижобий ва салбий жиҳатларга эга. Ижодхона, дала шароитида-ижтимоий ҳаётда тажриба ўтказиш оддий эмас. У тадқиқотнинг табиий социал обьекти билан чекланган, шунинг учун ижодхона, дала шароитида ўтказиладиган социологик тадқиқотлар кичик гурухларда ўтказилади ва шу туфайли социал-психологик тадқиқотлар билан қўп ўхшашликка эга.

Ҳаётий социологик тадқиқот кенг тарқалган. У амалий жиҳатдан социологик таҳлил услуби бўлган ҳар бир социологик тадқиқотда мавжуд бўлади. Ҳаёлий тадқиқот ЭҲМга социал жараёнлар андозаларини тайёрлашда асосий ҳисобланади. Ушбу вазиятда тажриба икки бўлакдан яъни расмийлаштирилган ва рамийлаштирилмаган параметрлардан иборат бўлади. Расмийлаштирилган параметрлар машинанинг тил тизимини ифодаласа, расмийлаштирилмаган — бу кадрий йуналишлари, қарашлари тизими ҳисобланади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, хаёлий (моделга оид) тажрибалар дала шароитида ўтказиладиган социал тадқиқот стратегиясини аниқ белгилаш имкониятини берсада, аммо уни бутунлай ўрнини боса олмайди.

Хужжатларни таҳлил этиш услуби цивилизацияли ривожланиш йўлига ўтган ҳамма жамиятларда мавжуд. Одатда, социологияда хужжат деганда ижтимоий ҳаётдаги социал далиллар ва омилларга оид ахборотларни ўзида сакловчи жамиятда амал килувчи ва ривожланувчи социал субъектлар тушунилади.

Хужжатларни таҳлил этиш социолог учун социал воқеаликнинг кўп томонларини акс эттирган ҳолда куриш имкониятини туғдиради. Хужжатлар ушбу фаолият ҳақида қамровли ахборотларни ўзида саклайди. Бунинг учун қўшимча расмий статистик маълумотларни олмай марказий, маҳаллий-маълумотларни, ушбу мавзу бўйича аввалги ва ҳозирги

тадқиқотларни ўрганиб чиқмай, китоб ва журнал хилма-хил муассасаларнинг турли ҳисоботларини ўрганмай туриб, уни режалаштириш мумкин эмас. Масалан, у ёки бу шаҳар ахолисининг бўш вақтини ўрганишга бағишлиланган социологик тадқиқотнинг кутубхоналардан фойдаланиш, кинотеатрларга, концертларга қатнашиш ҳақидаги статистик маълумотларни олгандан сўнг бошлаш мумкин.

Аммо хужжатлардаги хулосалардан фойдаланиш учун ўз навбатида унинг барча хилма-хилликлари ҳақида тўлиқ таъсаввурга эга бўлиши керак. Ахборотларни ёзиб олиш формалари бўйича хужжатлар қуидагиларга бўлинади:

- ёзма хужжатлар (унда маълумотлар матн формасида баён қилинган),

- статистик маълумотлар (баён этиш услуби - рақамли)
- иконографияга оид хужжатлар (кино, фотохужжатлар).
- фонотекага доир хужжатлар.

Хужжатларни таҳлил этишнинг хилма-хил усуллари мавжуд, аммо амалиётда тарқалган, мустаҳкам қарор топган социологик тадқиқотлардан бири бу анъанавий (классик) ва расмиятлашган (сонга оид) ҳисобланади. Анъанавий деганда хужжатда бўлган ахборотларни бир бутун ҳолга келтиришга йўналтирилган барча ақлий далиллар тушунилади.

Хужжатларни анъанавий таҳлил этиш социолог учун ўрганилаётган воқелик ичига кириб боришга улар ўртасидаги мантиқий боғланиш ва қарама-каршиликни аниқлашга, бу воқелик ва далилларни ахлоқий, сиёсий, эстетик ва бошқа нуқтаи назардан баҳолашга ёрдам беради.

Ушбу таҳлил уларнинг мазмунини тўла ва кенг тарзда очиб беришга қаратилган. Шу билан бирга хужжатларни анъанавий таҳлил этишнинг ожиз томони ҳам мавжуд - бу субъективизм: социолог — тадқиқотчи канчалар ҳалол бўлмасин, қанчалар эътибор билан ҳаракат қилмасин хужжатда мавжуд бўлган

ахборотни тўғри баҳоламасин, барибир уни изоҳлаш доимо кўп ва оз даражада "субъектив" бўлади.

Анъанавий таҳлилдаги субъетивликни бартараф этишга интилиш принцип жиҳатдан расмиятлашган хужжатларни таҳлил этиш услубини юзага келтиради. Ушбу услубнинг моҳиятии ажратилган аломатлар бўйича, масалан, хужжатда ифодаланган ишлатилган у ёки бу терминларнинг мазмунини, йўналишини аниқлашга қаратилган. Сон аломатларига ёндошган ҳолда хужжатларни ўрганиш, унинг таҳлилига бундай ёндашиш объективга айланади. Шу билан бирга хужжатларни контакт – таҳлилга маълум даражада ўзига хос чекланганлик хос бўлиб, у яъни хужжат бойлиги мазмунининг ҳаммаси ҳам сон кўрсаткичи ёрдамида ўлчанилмайди.

Агарда у ёки бу хужжатда камчиликларга йўл қўйилган бўлса, тадқиқот дастурига тезкорлик билан ўзгаришларни киритиш керак.

Хужжатлар ишга тайёр бўлгандан сўнг, улар кўпайтирилиб анкета тарқатувчиларга таксимланади.

Иккинчи бўлим барча ташкилий ва услубий ишларни ўз ичига олиб нима қилиш керак качон ва қандай муддатларда деган саволларга жавоб беради. Унда қўшимча равища сўраклаётганларни тадқиқот мақсадлари, вазифалари ва унинг амалий аҳамияти ҳакида таништириб чиқиш назарда тутилади. Агар анкеталар анкета тарқатувчилар раҳбарлигида гуруҳларга тарқатилиб, тўлдириладиган бўлса, режада у тадбири ўтказиш жойи кўрсатилиши керак.

Учинчи бўлим тўпланган маълумотларни ЭҲМда қайта ишловга тайёрлашга бағишлиланган. Режада ушбу мураккаб жараённи бажариш учун қанча мутахассислар этилиши назарда тутилган. Кўпинча бунда саволни сўраклаётганларнинг ўзлари берадилар. Уни бажаришда тадқиқотчилар программистлар, ЭҲМ операторлари билан ҳамкорлида иш олиб борадилар.

Тўртинчи бўлим бу ишлов якунларини таҳлил этиш билан боғланган иш турлари. Ҳисоблаш машинасидан маълумотларни

олганидан сўнг, тадқиқотчи ўтказилган социологик тадқиқот юзасидан навбатдаги, оралик ёки якуний хисоботни тайёрлайди, якун ясади, амалий тавсияларни ишлаб чиқади.

Социологик тадқиқотда контакт — таҳлилни кенг қўллашнинг амалиёти унинг қўлланилиши ўта зарур эканлигини аниқлашга ёрдам беради.

Бирликларни амал қилиш жараёнида чекланмаган даражада социал алоқалар юзага келади. Аммо унга ташки жихатдан қараганда улар ўқтин-ўқтин, тасодифан сифатда кўзга ташланади. Бироқ, уларнинг ҳаммаси ижтимоий тизимнинг у ёки бу қонун ва қонуниятларига хос. Қонун деганда, одатда, аниқ вазиятда умумий, зарурий ва такрорланишга хос бўлган жиддий алоқа ёки муносабатлар тушунилади. Социал қонуният – социал воқелик ва жараёнларнинг жиддий зарурий алоқасини акс эттиради. Социал қонунлар турли муносабатларни акс эттиради. Бу халқлар, миллатлар, синflар, социал-касоскорлик урушлари, шаҳар ва қишлоқ, шунингдек жамият билан ижтимоий ташкилотлар, жамият ва меҳнат жамоалари, жамият ва оила, жамият билан шахс ўртасидаги муносабатларни белгилайди. Социал қонунларга асосланган ҳолда одамлар, ўз хаётий фаoliyatлари учун зарур бўлган шароит яратадилар ва ўз навбатида ўзлари яратган ана шу янги шароит таъсири остида уни қўллайдилар.

Табиат қонунлари каби социал қонунлар воқеаларнинг табиий ҳаракати давомида пайдо бўлади. Яъни кўпчилик индивидларнинг табиий ҳаракати давомида юзага келади. Улар кўпчилик индивидларнинг ижтимоий вазиятда ва объектив алоқаларда мақсадга мувофик таъсир кўрсатиш натижаси хисобланади, яъни одамлар яшайдилар, моддий ва маънавий неъматларни яратища қатнашадилар, махсулотни айирбошлайдилар, тақсимлайдилар ва истеъмол қиладилар, болаларни дунёга келтирадилар ва тарбиялайдилар, уларнинг иродаси ва онги билан боғлиқ бўлмаган ҳолда қонуний воқеалар занжири юзага келади. Мана шу қонуний воқеалар занжирида турли-туман йўналишдаги ҳаракатларнинг

натижаси бўлиб, ўз навбатида одамлар фаолияти на ижтимоий ўзаро таъсири, мақсади, ҳамда йўналиш мазмуни ва характери, онги ва иродасини ифодалайди.

Социал қонун ва қонуниятларни тадкиқ этиш – демак социал соҳа турли элементлари ўртасида мустахкам ва зарурий алоқаларни ўрнатиш демакдир.

Қонунлар таъсир кўрсатиш вақтига қараб фарқ қиласидар. Умумий қонунлар ҳамма ижтимоий тизимларда амал қиласиди (масалан, қиймат қонуни ва товар-пул муносабатлари), ўзига хос қонунларнинг амал қилишни битта ёки бир нечта социал тизимлар билан чекланган (масалан, битта жамият туридан иккинчисига ўтиш).

Социал қонунлар умумийлик даражаси нуқтаи-назаридан фарқ қиласиди. Социал соҳани яхлит ҳолда ривожлантиришини характерловчи қонунлар мавжуд. Бу қонунлар социал соҳанинг алоҳида бўлакларини ривожланишини белгилайди (синфлар, гурухлар, миллатлар). Қонунларни уларнинг намоён бўлишига қараб динамикага оид ва статистикага оидларга бўлиш мумкин. Динамикага оид қонунлар ижтимоий ўзгаришларнинг омиллари, формалари ва йўналишларини белгилайди ва аниқ вазиятда воқеаларнинг давомийлигини англаради. Статистикага доир қонунлар динамикага оид қонунлардан фарқ қилиб, ижтимоий воқеликни боғланишини катъий белгиламайди, балки ўзгаришларнинг йўналишларини акс эттиради, холос.

Саволлар мантиқ талабларига жавоб берishi керак. Аввал у ёки бу далилни (воқеани) ўрганиш ҳакида сўз борса кейинчалик эса унинг баҳоси ҳакида бориши керак Бу энг муҳим социологик талаб хисобланади.

Масалан. 1-савол: “Сиз ишда у ёки бу кийинчиликни сезяпсизми?” Жавоб: “Ҳа ёки йўқ” ва х.к.

2-савол: “Агар ҳа бўлса у нимада ифодаланади?”

Жавоб: Ишни кийинлаштиришга қаратилган далиллар келтирилади.

3-савол. “Қийинчиликларни бартараф этиш учун сизнинг таклифингиз?”

Агар анкетада янги бўлим пайдо бўлса, у ҳолда сўроқланаётганларни мавзуга киритиш керак. Одатда бу сўроқланаётганга маълум формада мурожаат этиш ёрдамида бажарилади. Масалан: Энди, биз сизнинг у ҳақида бўлган фикрингизни атишингизни сураймиз?...

Социологик тадқиқот амалиётида гурухларга бўлиш катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг ёрдамида социологик қонунлар алоқа формаларига қараб ажратилади. Социал қонунларнинг бешта категориясини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи, ўзгармас характерни касб этувчи ёки у билан боғлиқ бўлган қонунлар Бу қонунга биноан, "А" воқелик мавжуд бўлса, у ҳолда албатта "Б" воқелик ҳам бўлиши шарт. Масалан, бошқарув услугига асосланган ҳар қандай жамиятда, тоталитар яширин муҳолиф кучлар бўлади.

Иккинчи, ривожланиш тенденциясини акс эттирувчи қонунлар. У ижтимоий обьектнинг тузилиш динамикаси, бир турдаги ўзаро муносабатлардан иккинчисига ўтиш билан боғлиқ. Яъни, ишчилар синфи ичидаги сифат ўзгаришлар, унинг ижтимоий муносабатларга таъсирини кучайтириб жамиятдаги ролини мустахкамлайди.

Учинчи, социал воқелик ўртасидаги функцияга оид боғланганликни карор топтирувчи қонунлар. Бу қонунлар у ёки бу ижтимоий тизимни барқарор ҳолатда сақлаб туришликни таъминлайди. Агар ривожланиш қонунлари ижтимоий обьектнинг бир сифатидан иккинчи сифатига ўтишни таъминласа, функцияга оид қонунлар эса ушбу ўтишга шарт-шароит яратади. Масалан, ҳалқ амалий хазинаси қанчалик фаол иштирок этса, уларнинг сиёсий маданияти шунчалар юқори бўлади.

Тўртинчи, социал воқелик ўртасидаги сабабий боғланишни акс этувчи қонунлар. Масалан, социал интеграциянинг энг муҳим

ва зарурий шарти бу ижтимоий ва шахсий манфаатларни оқилона бирга қўшиб олиб бориш ҳисобланади.

Бешинчи, социал воқелик ўртасидаги алоқаларни ўрнатиши мумкинлигини англатувчи қонунлар. Айтайлик, қишлоқ ёшлари ўртасида қонунбузарликнинг ўсиш эҳтимоллари унинг шаҳарларга оқиб келиши билан боғлиқ аёлларнинг иқтисодий мустақиллигининг ортиши ажралиш эҳтимолларини оширади.

4 боб. ИНТЕРВЬЮ

4.1. Интервью.

4.2. Анкеталаштириши ва интервьюлаштириши.

4.3. Социологияда кузатиш усули.

4.1.Интервью

Социологияда сўровнинг энг кенг тарқалган формаларидан бири интервью бўлиб у сўралаётганлар билан "юзма-юз сухбатга асосланган".

Интервью мақсадга мувофиқ программалаштирилган сўралаётганлар билан сухбатдир. Вазиятдан ва сухбатдошлар хатти-харакатини кузатишдан келиб чиқиб Интервьюни ўтказиш натижасида социолог анкета сўров орқали ола олмаган маълумотларга эга бўлиши мумкин.

Интервью ўзининг бир канча турлари билан фарқланади: сўроқланаётганлар билан тўла эркин сухбат ўтказишдан тортиб, то тўла расмийлаштирилган сўров маросимигача бўлган тадбирлар шунга киради. Эркин интервью одатда режа ва олдиндан тузилган саволларни назарда тутмайди. Уни маҳсус ажратилган шахслар эмас балки социологлар ўтказиб ўзлари мазмунини танлайдилар, саволни тузадилар. Кўп ҳолларда эркин интервью, социологик тадқиқотнинг бошланғич қисмида эксперталарни сўровлашда қўлланади.

Социология статистика фани билан ҳам мустахкам алоқада ривожланади. Бу икки фаннинг ўзаро алоқалари шу қадар яқинки, социологияни ривожланишини статистик ёндошувларсиз тасаввур қилиш қийин.

Социология шунингдек, иқтисодий назария, бошқарув назарияси, тарих педагогика, хуқуқшунослик, сиёsatшунослик каби фанлар билан мустахкам алоқада ривожланади.

Социологиянинг ўзига хос эканлиги масаласини ҳал этиш бевоссита шундай саволга жавоб бериш билан боғлиқ качон мустақил фан сифатида пайдо бўлди? Навбатдаги мавзу саволи ҳартарафлама таҳлил этишга қаратилган. Бу ерда биз баъзи мезонлар билан кифояланиб фаншунослик томонидан ишлаб чиқилган принциплар тафсилотларига тўхтalamиз. Фаншунослик нуктаи назаридан қараганда ҳар қандай фаннинг қарор топиши унинг ички ва ташки ташкилотлашуви билан боғлиқ.

Бу жараёнда бир қанча муҳим жиҳатларни ажратиб кўрсатиш керак, чунки уларнинг ҳар бири ташкилотлашувини хукуқийлаштиради.

- 1) Шу билим соҳасида ихтисослашаётган олимларнинг ўзини англашини шаклланиши;
- 2) ихтисослашган вақтли нашрни ташкил этиш;
- 3) турли турдаги ўқув юртларига (лицейлар, гимназиялар, колледжлар, университетлар) ушбу ўқув фанини киритиш
- 4) шу соҳа билимлари учун ихтисослашган ўқув юртларини ташкил этиш;
- 5) ушбу фан олимларини бирлаштиришнинг ташкилий формаларини, миллий ва халқаро ассоциациясини тузиш.

Г.Спенсер жамиятни табиий, энг аввало биологик қонунлар асосида ривожланувчи организм сифатида қараган. У жамиятни жонли биологик организмга ўхшатади. Ушбу фикрни асослаш мақсадида у қуидаги далилларни келтиради:

- 1) Жонли организм сифатида ҳар қандай жамият ҳам ўсиш ва ривожланиш жараённида ўз массасида ортиб боради;
- 2) У ва бошқалари мураккаблашади;
- 3) Унинг қисмларининг табора бир-бирига боғлиқлиги кучайиб боради;
- 4) Уни ташкил этган бирликлар юхо пайдо бўлиб ва йўқ. бўлиб туришига қарамай, бир бутун хилда яшашни давом эттиради.

Келтирилган далиллар тизими орқали жамиятнинг табиий шароитлар атрофида айланувчи жонли организм билан ўхшашилиги

ва жамиятнинг қучига хос социал сифатларини эътиборга олмасликни тезда пайқаш мумкин. Ишлаб чиқилган жамиятнинг организмга оид назариясини тасдиқлаш мақсадида, Спенсер бир катор физик, таққословчи далилларни келтиради. Масалан, Давлатдаги хримият инсон миясига қиёсланади: яъни, мия тананинг яшаш фаолияти устидан "раҳбарлик" қилганидек, хукумат жамиятнинг яшаш фаолияти устидан раҳбарлик қилиб табака, ижтимоий гурӯхлар ва сиёсий партиялар ўртасидаги манафаатларни ҳисобга олади, уларнинг мувоззанатини таъминлайди. Жамиятдаги савдо жонли танадаги қон алмашинувига, қонли тана пулга қиёсланади.

Жамият ҳаётий фаолиятини таъминловчи телеграф симлари эса инсон танасининг нерв тизимиға қиёсланади. "Майда-чўйдагача бўлган таққослашни ўтказиш орқали - деб ёзади Спенсер, - биз ушбу йирик ўхшашилк ўз орқасида, кутилмаган даражада чамбарчас боғланган кўплаб майда умумийликларни эргаштирганини кўрамиз".

Г. Спенсернинг ўзидан олдин О. Конт томонидан кўйилган ва жамиятдаги мувоззанат, уйғунлик муаммоларига тааллукли қарашларини чеклаб ўтиш мумкин эмас. Спенсер социал мувоззанатни, мослашувчанлик фаолияти, уйғунлик манфаатлари якун, шунингдек, социал институтлар ва одамлар фаолиятига келишувчилик якуни сифатида талқин этган.

Спонсер жамиятни парчаланиши муаммосини- мувоззанат, уйғунлик ва барқарорликка қарама-қарши бўлган жараён деб ҳисоблаб ўз қарашларини баён этган. Жамиятнинг парчаланиши, унинг фикрича, инқирозга учраши орқали юз беради.

4.2. Анкеталаштириш ва интервьююлаштириш

Коллектив экспертиза ўтказишида сўровнинг қуйидаги асосий турларидан фойдаланилади: интервью, интервью-анкета, анкеталаш, аралаш анкеталаш, мунозара, кенгайиш, "онг хужуми"

методи.

Интервью олишда техник ҳодим эксперт билан маълум программа асосида эркин ўтказиладиган сұхбат жараёнида бериладиган баҳони аниқлады.

Интервью-анкета пайтида бериладиган саволлар бирмунча конкрет характерга эга бўлади. Уларнинг натижаси эса олдиндан белгиланган бўлади. Интервью эксперт баҳолашни ёзма тарзда қайд қилиб боради. Бунда эксперт иштирокида олдиндан тайёрланган анкета тўлғазиб борилади.

Анкеталаштириш — бу экспертнинг анкета саволлари га берган ёзма жавоблари дидир. Тескари алоқали анкеталаштиришда экспертларни сўроқлаш бир неча босқичларда амалга оширилади ва бунда сўроқнинг айrim натижалари айrim экспертларнинг баҳолари ва уларнинг аргументациялари ҳам қўшилган ҳолда экспертларга олдинги босқичда етказилган бўлади.

Сўров турларининг ҳар бири экспертлар ўртасида ахборотлар айирбошлишда ва уларнинг мустақил ижодини ташкил этишда ўз афзаллик ва камчиликларига эга.

У ёки бу сўров турини танлашни белгилаб берадиган асосий омиллар экспертизанинг мақсад ва вазифасига, таҳлил қилинадиган проблеманинг моҳияти ва мураккаблигига, бошлангич ахборотнинг ҳажми тўлиқлиги ва ишончлилигига, экспертларни сўроқлаш мумкин бўлган вақт ва даврга, шунингдек экспертлар ва бошқариш группаси аъзолари сонига, уларнинг характеристикасига ва ҳоказоларга боғлик бўлади.

Сўralаётганда анкеталар тегишли равишда тўлғазилиши, улар экспертларга тўлғазилган анкеталарнинг қайтарилиш муддати кўрсатилган ҳолда почта орқали жўнатилиши ёки прогнозлаштириш группасининг маҳсус вакили томонидан экспертларга етказиб берилиши лозим. Бу вакиллар экспертлар тушунмаган саволларни тушунтирадилар, анкета тўлғазиша иштирок этадилар ва анкета тўлғазилгандан кейин уларни олиб қайтадилар. Сўнгра экспертлар маҳсус таклифномалар билан ёки

раҳбарларнинг буйруғи билан чакиртирилади, улар анкетани бошқарувчи ёки унинг ёрдамчиси тушунтиришларидан фойдаланиб шу ернинг ўзида тўлғазадилар.

Формаллашган интервьюнинг ўзига хос томони шундан иборатки, у ёки бу социал далилни, воқеликни аниклаш мавжуд, бўлибгина эмас, шунингдек маълумот, далил, воқеликни пайдо бўлишининг сабабларини изоҳловчи ахборотни олишни ҳам мақсад килиб кўяди. Формаллашган интервью кўп ҳолларда у ёки бу туркум саволлар бўйича жамоатчилик фикрини аниклашда қўлланилади.

Йўналтирилган интервьюнинг мақсади — аниқ далиллар, вазият хусусида жамоатчилик фикрини ўрганишга қаратилган. Бу вазиятда сўралувчилар социологии қизиктирувчи обьект билан таниш бўлиб нисбатан ўз фикрини унга баҳо бсрган ҳалда айта оладилар. Очик саволлар билан интервью килиш кўпинча стандартлаштирилган интервью деб аталиб, тадқиқотчи сўралувчиларга савол билан мурожаат этади. У ўз моҳиятига кўра анкета хисобланиб кўпроқ ёпиқ турдаги саволларни ўз ичига олади. Стандартлаштирилган интервью юқорида айтиб ўтилганлар ичida энг кенг тарқалгандаридан бири бўлиб, кўпинча ундан ахоли рўйҳатини ўтказишда фойдаланилади.

У социалогия услубини (методини) ишлаб чиқишига киришади. Социалогия деб ёзди у, социал далиллар ҳақидаги фан бўлиб, унинг остида сиёсий, ҳуқуқий, ахлокий, диний ва бошқа ғоялар, коида вақадриятлар ётади. Дюргеймнинг фикрича социал воқеликнинг якуний сабаблари бўлиб, амалиётда рўёбга ошириладиган одамларнинг гоя ва маданий қадриятлари ҳисобланади. Айнан ана шунда у ҳар қандай социал эволюииянинг манбаи мавжудлигини кўради. Бунда сўз жамоавий онгнинг намоён бўлиши сифатидаги қарашлар ва маънавий қадриятлар устида боради

Айрим шахсларда социал қоидалар, қадриятлар ва бошқа ижтимоий онгнинг намоён бўлиши обьектив тарзда амал қиласиди.

Хар бир инсон қарор топган маълум сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва бошқа қоида, қадрият ва социал кўрсатмага дуч келиб, амалиётда уларни ўзлаштиради ва амалга оширади. Щунга асосланган ҳолда Дюргейм социал омилларининг икки аломатини кўрсатиб ўтади. Булар, айрим индивидларга нисбатан уларнинг объектив амал қилиши ва уларнинг одамларга мажбурий таъсири кўрсатиши. Бунда Дюргейм инсоннинг социал мавжудот тушунчасидан келиб чиқади

Дюргейм одамлар феъл-авторининг социал ўзаро боғлиқлиги масаласини шундай ҳал этади; Социал омилларда маънавий маданият ва моҳияти умумий. Уларнинг одамларга бўлган таъсири оқибат натижада социал институтлар, шунингдек ҳуқуқий, диний ташкилотлар томонидан ташкилий, онгли равишда амалга оширилади. Шу муносабат билан Дюргейм ёзади — социал омиллар маълум ташкилотлар бўлган тақдирдагина мавжуд бўлади.

Шундай қилиб, Дюргеймнинг социал омиллар ҳақидаги таълимотида жамият ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатни тушунишнинг асосий қоидаси акс эттирилиб гурухий ва жамоа онгининг роли кўрсатилган. Унинг фикрича бунинг ҳаммаси социологиянинг фан сифатидаги ҳақиқий предметини ташкил этади. Дюргеймнинг жамиятдаги нормал ва ғайритабиий ҳолат, социал касалликлар ва уни бартараф этиш ҳақидаги таълимоти долзарб характерни касб этади. Дюргеймнинг ўзидан ажратиб бўлмайдиган ва соғломни касалдан илмий фарқлашга имкон берадиган объектив мезонни топиш ҳақидаги фикри ҳозирги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Дюргейм фикрича социал соғломлик, индивиднинг, жамоанинг ёки жамият ҳаётининг нормал ривожланиши, унинг мухитга мослашувчанлик қобилияти ва ундан ўзининг ривожланиши учун фойдаланишдан иборатdir. Бу уларнинг "узок яшашлари учун имконият яратади". Жамиятдаги касаллик барча соҳаларда юзага келиши мумкин. Агар у бутунлай касал бўлса, уни комплекс ҳолда даволаш керак Дюргейм жамиятни ахлоқий ва

сиёсий соғломлаштириш, унинг "барча соҳаларига социал соғолом ва самарали рағбатлантирувчи омилларни жорий этишга катта аҳамият берган.

Дюргейм социал эволюциянинг манбалари масаласини ҳал этишга ҳаракат қилди. У жамият ривожланишининг социал манбаларини, аввало одамларнинг жамоавий онги ва жамоавий фаолиятини ҳал қилувчи деб хисоблаган. Бу эса унга жамиятнинг амал қилиш ва ривожланиш механизмини янада чуқурроқ таҳлил этишга имконият яратади. Шу жиҳатдан унинг асарлари ханузгача ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган.

Дюргеймнинг жамоа муаммосини таҳлил этиш билан боғлиқ изланишлари катта қизиқиш уйғотади. Жамоа "асосий социал омил" одамлар ҳаётий фаолиятининг табиий куртаги тарзида изоҳланади. Унинг ёзишича жамоа, жамият, унинг социал институтлари ҳар бир шахснинг ривожланиши учун ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Дюргеймнинг фикрича, социал ҳаёт унинг жамоавий моҳиятидан келиб чиқиб, ижтимоий табиатга ва моҳиятига эга. Индивидларнинг жамоавий амал қилиши омили орқали улар бир-бирларига таъсир кўрсатадилар ва ўз шахсий ҳаракатларида социал йўналганлик сифатида чиқадилар. Бунда улар маълум социал (сиёсий, хуқуқий, ахлокий) интизомга риоя этадилар ва бу Дюргейм фикрича ижтимоий ҳаётнинг муҳим омилларидан бири хисобланади. Социал назария ва услуб муаммоларини ишлаб чиқиша Дюргейм социология ва фалсафанинг ўзаро таъсири муаммоларига ҳам эътиборни қаратган. У социология буюк фалсафий таълимотлардан юзага келганлигини эътироф этади ва доимо қандайдир фалсафий ёндашувларга суянганлигини таъкидлайди. Аммо, деб ёзади Дюргейм, социология аллақачон мустақил фан бўлиб шаклланган, ўз предметига эга ва шу туфайли ўзиши билан шугулланиши керак Дюргеймнинг асарлари социологиянинг мустақил фан сифатида қарор топишида сезиларли ролни ўйнайди.

Ишнинг мохиятии қуйидагича: агар инсоннинг ҳаракати англанган ва ички нұқтаи назардан нимагадир йўналтирилган бўлса, у ҳолда социолог бу ҳаракатнинг мазмунинигина эмас, шунингдек биринчи навбатда бу ҳаракатнинг субъектив сабабларини ҳам аниклаши лозим. Бошқача сўз юритганда, социал ҳаракат субъектнинг маънавий дунёси мазмунини тушуниши, англаб етиши керак. Бу ҳолатда социология тушунувчи сифатида намоён бўлади.

Ўзини тушунувчи социологиясида "Вебер субъектнинг ички дунёси ва социал ҳаракатини тушунишни мантикий, яъни тушунчалар ёрдамида англаш шунингдек соф эмоционал бўлишлиги ҳақида гапиради. Бу ҳолатда у социологиянинг социал ҳаракат субъектининг ички дунёсига кириб бориши воситасида эришилади. У бу жараённи кануриш деб номлади. Вебернинг фикрича социал жараёнларни мантикий тушуниш, уни фан даражасида тасаввур этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу назариянинг энг асосийларидан бири бу баркамол тоифа концепцияси хисоблаиади.

Вебер баркамол тоифани назарий курилмани ифода этувчи давр деб изохлади. Баркамол тоифа қандайдир энг мақбул ҳолатни мохиятини хокимиятнинг ҳолати, шахслараро алоқани, якка ва гурухий онг ва х.к ҳарактерлайди. Шундан келиб чиқиб, улар ўзига хос мезон сифатида намоён бўлади.

Баркамол тоифа жамиятда мавжуд бўлганлар билан мос келмайди ва кўпинча ҳакикий ҳолатга қарама-карши бўлиб, Вебернинг фикрича у ёки бу даражада ўзида утопик хусусиятни акс эттиради.

Барибир баркамол тоифа ўз муносабатларида маънавий ва бошқа қадриятлар тизимини ифодалаб социал аҳамиятга эга бўлган воқелик сифатида намоён бўлади.

Вебер социал ҳаракатнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатади бўлар; мақсадга асосланган; қадриятли-рационал; асабий ва анъанавий. Максадга асосланган - бунда одам ўз мақсади ва унга

эришиш йўлларинн аниқ тасаввур этади, шунингдек бошқаларнинг ўз хатти-ҳаракатига бўлган муносабат имкониятларини ҳам хисобга олади.

Қадриятли-рационал ҳаракатга этик, эстетик ва диний қадриятларга онгли муносабат орқали эришилади. Самарали ҳаракат - таассуротлар, яъни онгли психологик кўрсаткичлар ва хиссиётлар орқали юз беради. Анъанавий ҳаракат одатлар орқали амалга оширилади.

4.3. Социологияда кузатиш усули.

Тадқиқотчи фақатгина ўзининг кийими, овози, муомаласи тўғрисидагина ўйлаб қолмай, респондентнинг ҳам ўзига хос шахсий хусусиятларини хисобга олиши лозим. Бундай хусусиятларни аниқлаш учун эса тадқиқотчи ўз имкониятлари даражасида респондентнинг ташки кўринишига, кийинишига, ёшига, жинсига ва ҳоказоларга қараб хулоса чиқариши керак.

Кузатиш усули фақат социология ёки ижтимоий фанлардагина эмас, балки фаннинг барча соҳаларида ҳам кенг қўлланилади.

Кузатиш турли мақсадларда, турли шаклда, турли қамровда, турли воситалар ёрдамида олиб борилади. Барча одамлар ўз ҳаётларида кузатиш усулидан у ёки бу даражада фойдаланадилар. Лекин улар фойдаланаётган усул илмий кузатиш усули эмас, оддий кузатиш усулидир. Одамларнинг кузатиш усулидан кенг фойдаланиши уларнинг бу усулни яхши эгаллаганликларини англатмайди. Бу усулдан самарали фойдаланиш учун унинг хусусиятлари, имкониятлари ва чегараларини илмий ўрганиш зарур.

Оддий турмушдаги кузатиш ҳам аксарият ҳолда муайян мақсадга йўналтирилган ва муайян даражада ташкил этилган бўлади, лекин бу кузатишлар илмий мақсадни кўзламагани ва илмий муаммони ҳал этишга қаратилмагани учун илмий кузатиш бўла олмайди. Масалан, раشكчи аёл эрини муайян мақсадни кўзлаб

кузатади. Бу кузатишларини имконияти даражасида ташкил этади ва эҳтимол, техника воситаларидан ҳам фойдаланиши мумкин. Лекин барибир бу кузатиш кундалик хаётдаги майший мақсадларни кўзлагани учун илмий кузатиш бўла олмайди.

Илмий кузатишлар муайян назария ёки фаразни тасдиқлаш, тўлдиришни, ёки бўлмаса рад этишни мақсад килган ҳолда олиб борилади. Илмий кузатишнинг майший-турмушдаги кузатишдан туб фарқ қиласиган хусусиятларидан яна бири унинг назарий илмий асосларидир. Кундалик турмушдаги кузатиш кишиларнинг ҳаётий тажрибасига асосланиб олиб борилса, илмий кузатиш илмий билимлар асосида олиб борилади. Томорқасига экилган сабзавотлар ривожини қузатаётган декконнинг кузатиши билан тажриба участкасидаги ўсимликлар ривожини қузатаётган тадқиқотчи олим фойдаланаётган усул сиртдан қараганда бир хил кўринса ҳам, аслида тадқиқотчининг кузатиш усули ҳаваскор фермернинг кузатиш усулидан кескин фарқ қиласи. Фермер ёки дехқон ўсимликларни қузатаётгандан ҳаётий тажрибасига асосланса, тадқиқотчи ҳам ҳаётий тажрибасига, ҳам илмий назарияларга асосланиб кузатиш олиб боради.

Кузатиш усулининг фанда қўлланишидаги яна бир муҳим жиҳати унинг олдиндан режалаштирилиши ва мунтазамлигиидир. Ана шу режалаштириш жараёнида тадқиқотчи қай мақсадни кўзлаб, қайси назария ва фаразлар асосида, қандай воситалардан фойдаланган ҳолда кузатиш олиб боришни аниқлаб олади.

Ижтимоий фанларда кузатиш усулининг қўлланилиши унинг табиий фанларда қўлланишидан анча фарқ қиласи. Табиатда тадқиқотчининг кучли ҳис-туйғуларини уйғотадиган воқеалар юз бермайди. Жамиятда юз бераётган ҳодисаларни қузатаётганда эса тадқиқотчи ҳис-туйғуларга берилиб кетиши, бўлаётган ҳодисаларга ижобий ёки салбий муносабатда бўлиши ва бу ҳол тадқиқот натижаларига, хуносаларнинг илмий ва объектив бўлишига таъсир ўтказиши мумкин. Шунинг учун ижтимоий ҳодисаларни кузатишга ҳаракат қилаётган тадқиқотчи ўз ҳис-туйғуларини тизгинлай

олиши, хulosса чиқариш пайтида шу хис-туйғулардан юкорироққа күтарила олиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Шу кунгача социология бўйича мавжуд адабиётларда кузатиш усулини қўллаш тадқиқот обьекти аниқланиб, дастур тузилгач бошланиши қайд қилинади. Бу фикрга тўла қўшилган ҳолда ушбу сатрлар муаллифи кузатиш усулини қўллаш обьектни аниқлаш жараёнида бошланиши мумкинлиги ва лозимлигини таъкидлашни жоиз, деб билади.

Социологик кузатиш олиб боришнинг шарт ва талаблари куйидагилар:

1. Кузатиш керакли савияда ва даражада ташкил қилиниши керак. Бу шарт социологик тадқиқотлар тараққиёти билан боғлик бўлиб натижаларнинг обьективлигини таъминлашга қаратилган. Кузатиш олиб боришда шундай ҳолатлар вужудга келадики, уларни техника воситаларида тасвирга туширилмаса ёки овозлар ёзиб олинмаса, бу ҳолатларни табий ҳолда қайтариш мумкин эмас. Шунинг учун кузатишни техник жиҳатдан таъминлаш ҳам муҳим ахамият касб этади.

2. Кузатишнинг мунтазамлиги. Бу шарт ҳам тадқиқот натижаларининг обьективлигини таъминлашга қаратилган. Кузатиш мунтазам олиб борилмай, ўлда-жўлда ва ахъён-ахъёнда олиб борилса, тадқиқот обьекти учун характерли ҳолатлар кузатилмай қолиши ва оқибатда кузатиш натижалари обьектив бўлмай қолиши мумкин.

3. Кузатувчининг холислиги. Бу шарт таъминланмаса, тадқиқот жараёнида кузатувчи ўзи ўрганаётган жараёнларга ижобий ёки салбий муносабат билдириши ва бунинг оқибатида воқеаларни субъектив талқин қилиши мумкин.

4. Кузатилаётган обьект тўғрисида мумкин қадар кўпроқ маълумот тўплаш. Объект қалчалих батафсил кузатилса, чиқарилган хulosаларнинг ҳақиқатга шунчалик яқин бўлиши учун имконият яратилади. Хulosалар етарли бўлмаган маълумот асосида чиқарилса, обьектнинг маълум хусусиятлари кузатувчи эътиборига

тushmanай қолган бўлиши мумкин. Бу эса хulosаларнинг нотўғри бўлишига олиб келади.

5. Кузатишнинг боришини ва натижаларини батафсил қайд қилиб бориш. Агар шундай қилинмаса, хulosа чиқариш пайтида кузатишнинг муайян натижалари эътибордан четда қолиши мумкин. Бу эса хulosанинг чала ёки нотўғри бўлишига олиб келади. Юқорида айтилганидек, кузатиш жараёнинг қайд қилиб борища техника воситалари катта ёрдам бериши мумкин.

Социологик кузатишларни шартли равишда икки турга бўлиш мумкин:

1. Четдан кузатиш.
2. Ичкаридан кузатиш.

Объект четдан кузатилганда ундаги жараёнларнинг иштирокчилари ўзлари кузатиш обьекти эканликларидан мутлақо бехабар бўладилар. Масалан, харидорлар хулқини ўрганмоқчи бўлган тадқиқотчи сотиш залида ёки пештахта ортида туриб харидорларни кўпроқ қайси буюм у қизиқтираётган, уларнинг белгиланган нархларга муносабати ва бошқаларни кузатиши мумкин. Бунда харидорлар ўзларининг кузатиш обьекти бўлганликларини билмайдилар. Агар улар ўзлари социологик кузатиш обьекти бўлганликларини билиб қолсалар, уларнинг хулқида маълум ўзгаришлар юз бериши, демак, бу хулқ табиий бўлмай қолиши мумкин.

Четдан туриб кузатаётган тадқиқотчи ўрганилаётган обьектга хеч қандай таъсир кўрсатмайди ва уни табиий ҳолда ўрганади. Ичкаридан кузатилганда тадқиқотчи икки хил усулдан фойдаланиши мумкин:

- 1.Очиқ кузатиш.
- 2.Яширин ёки хуфя кузатиш.

Очиқ кузатилганда тадқиқотчи ўзи ўрганаётган гурух. ёки жамоа аъзоларига мақсадни айтади. Масалан, меҳнат жамоасидаги янги аъзоларнинг психологик адаптация жараёнларини кузатища шу усулдан фойдаланиш мумкин. Лекин бу турдаги

кузатишларнинг имкониятлари анча чекланган. Чунки маҳсус кузатиш обьекти бўлганини билган кишилар ўзлари хоҳлабми, хоҳламайми хулқларини ўзгартирадилар.

Меҳнат жамоасига шогирд никобида келган тадқикотчи эса жараёнлар ва муносабатларни табиий ҳолда кузатиш имкониятига эга бўлади. Бундай кузатиш социологияда хуфя кузатиш усули деб номланади. Бу усул ўрганиладиган обьектни табиий ҳолда тадқиқ қилиш имконини беради. Бу усул ёрдамида энг яширин, баъзан эса ёт кишилардан сир тутиладиган ҳодисаларни ҳам кузатиш мумкин.

Илмий билишнинг бошқа усуллари сингари кузатиш усулининг ҳам афзалликлари ва камчиликлари мавжуд. Бу усулининг энг асосий афзалликларидан бири шуки, у тадқиқ қилинаётган обьектдаги жараёнларнинг кечишига таъсир ўтказмай ёки жуда кам таъсир ўтказган ҳолда ўрганиш имконини беради.

Социалогик кузатиш илмий эмпирик билиш усули сифатида ва моҳият эътибори билан мураккаб жараён бўлгани учун режа асосида олиб борилади. Кузатиш режаси усулининг хусусиятлари ва асосий босқичларини назарда тутган ҳолда тузилади.

I. Кузатиш обьекти аниқлангандан кейин унга яқинлашиш йўлини топиш дастлабки вазифадир. Масалан, меҳнат жамоасидаги руҳий ахлокий мухитни ўрганмоқчи бўлган тадқикотчи олдидағи дастлабки вазифа унинг шу жамоага қай йўсинда яқинлашиш, кириб бориш, жамоадаги жараёнлар оқимига таъсир ўтказиш йўлини топишдир. Бу вазифани ҳал қилиш учун расмий ва норасмий имкониятлардан, очик ва яширин усуллардан қай бирини қўллаш масаласи ҳал қилинади. Бу масалани ҳал қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган масала кузатишнинг қайси туридан фойдаланишни аниклашдир.

II. Кузатиш турларидан қай бирини қўллаш обьектнинг хусусиятлари, тадқикот мақсадлари, кўлами, ажратиладиган вақт ва бошқаларни эътиборга олган ҳолда белгиланади. Айтайлик, вақт етарли бўлмаса, кузатишнинг яширин туридан фойдаланиш имконияти бўлмайди.

Ш. Кузатиш тури ҳам аниқлангандан кейин галдаги вазифа кузатиш анжомлари, жихозлари, ўқув ашёлари ва ҳоказоларни тайёрлашдир.

IV. Ашё ва жиҳозлар ҳам тайёр бўлгандан кейин кузатиш амалга оширилади. Бу жараёнда керакли маълумотлар тўпланади. Бу жараёнда тадқиқотчи эсда тутиши муҳим бўлган ҳол кузатиш натижалари ва умуман, кузатилаётган жараённи ўз вақгида ва батафсил ёзиб боришдир. Бунинг учун тайёрлаб қўйилган овоз ёзиш ёки кино, фото, видео жиҳозларидан фойдаланиш мумкин. Кузатиш тугагандан кейин унинг хулосалари объектив бўлишини таъминлаш мақсадида натижалар яна бир назоратдан ўтказилади.

V. Кузатиш натижаларини назоратдан ўтказиш учун жараён қатнашчилари билан сухбат ўтказиш, хужжатларга мурожаат қилиш ёки бўлмаса, шу турдаги тадқиқотлар ўтказган бошқа социологларнинг тажрибасидан фойдаланиш мумкин.

VI. Кузатишнинг сўнгги босқичи кузатилган жараёнлар тўғрисида ҳисобот тайёрлашдир. Ҳисобот кузатиш тўғрисидаги якуний хужжат бўлгани учун, жуда изчил ва батафсил тайёрланиши керак. Унда кузатиш ўтказилган вакт, жой ва кузатишнинг бориши хақида тўла маълумот бўлиши лозим. Кузатилган шахс ва объект батафсил тавсиф этилиши ҳам зарур. Бундан ташқари, кузатувчи ўзи кузатган жараёнларга таъсир ўтказгани тўғрисида ва ўзининг фикр-мулоҳазаларини ҳисботда баён қилиши шарт.

Киритилган кузатиш анча оддий, аммо у ўрганилаётган воқелик бўйича оғзаки маълумот беради. Бундай кузатувда одамларнинг ҳаракат жавобларини ҳисбога олиш анча қийин.

Очиқ ва яширин кузатиш бу киритилган кузатувларнинг усуларидир. Биринчи ҳолатда объект нимани кузатилаётганини билади, шунинг учун табиий унинг хатти-хдракатига керакли ўзгартиришларни киритади, яъни тадқиқотчи объектга эътиrozли таъсир қўрсатади. Бу ҳолатда синов, тадқиқот ва тажрибанинг тўғрилиги бузилади. Яширин кузатилганда ушбу камчиликлар

бартараф этилади, аммо бирламчи социал ахборотларни тўплашнинг этник томони юзага келади.

Кузатиш ва эксперимент усуллари тадқиқот учун анча узоқ муддат талаф қиласди. Бу усулларда тадқиқотни тезлаштириб ёки секинлаштириб булмайди. Сўров усули эса бошқариш учун қулай усулдир. Бундан ташқари тадқиқот қўллашни кенгайтиришда сўров усулининг имкониятлари катта.

Социал ахборотларни кузатиш ўзининг барча жозибалиигига қарамай қўпгина ожиз томонларига ҳам эга. Аввало бу кийинчиликлар маълумотларнинг ишончли кафолатланганлигидадир. Кузатувчи нисбатан маҳаллий воқеа, далилларни ёзib олади. Бунда воқеаларни изоҳлаш, ҳаракатда билан шахсларнинг далиллари нуқтаи назаридан одамларнинг хатти-ҳаракатида камчиликка йўл қўйилиши мумкин бўлган эҳтимоллардан яна бири шундаки, социолог факат кузатибгина қолмай, шунингдек ўзининг санаш тизимиға (ўлчови) ҳам эга. Ушбу тизимга суянган ҳолда социолог у ёки бу далилни, воқеани шархлайди, изоҳлайди, ўрганилаётган воқелик ҳакида объектив ахборотни олиш мақсадида назорат этиш усуллари қўлланилади:

- кузатилгани кузатиш;
- бошқа услубларда назорат қилиш;
- кайта кузатишга мурожат этиш;
- ёзувлардан баҳоли терминларни чиқариб танлаш ва х.к

Тадқиқот натижалари у ёки бу ижтимоий гурухларнинг маълум ижтимоий мақсадларни амалга оширишда қўлланилиши мумкин. Социологик тадқиқотлар одамлар феъл-атворини бузилишига, қадриятлар тизимини ва социал афзалликларни бўшашига ҳам хизмат қилиши мумкин. Аммо социология одамлар ўртасида муносабатларни яхшилашга, яқинлик хиссиётларини шакллантиришга хизмат қилиб, ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришга ҳам ёрдам бериши мумкин. Шу туфайли социология инсонпарварлик функциясини ҳам бажаради.

Назарий социологик тадқиқотлар ва ташкил этилган турли амалий назариялар маълум услубий кўрсатмага асосланган. АҚШда узоқ, йиллар давомида социологик тадқиқотлар услубиятида бихевиоризм хукмронлик килган. Бихевиоризм деганда социология-феъл-автор ҳақидаги фан ёки инсон феъл-автори ҳақидаги фан деб тушунилади. Э.Торндайк, Д.Б.Уотсон, Д.Скиннер бихевиоризм асосчиларидир. Уларнинг таълимоти бўйича инсоннинг жами феъл-авторни рағбатлантириш ва таъсир кўрсатишига йўналтирилган. Шундай экан, инсоннинг феъл-авторини маълум даражада бошқариш мумкин. Бихевиоризм асосчилари одамларни бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш социологиянинг асосий вазифасига киради деб қараганлар.

5-боб.
ЭКСПЕРТ СҮРОВ УСУЛИ

- 5.1. Эксперт сўров.*
- 5.2. Эксперт танлови.*
- 5.3. Эксперт системасида маълумотларни қайта ишилаш.*
- 4. Конкордация коэффициентларини ҳисоблаш.*

5.1.Эксперт сўров

Иқтисодий жараёнлар ёки бошқа кузатувлар натижасида микдорий маълумотларга эга бўлмаган ҳолларда, яъни ҳодиса ёки жараён бўйича микдорий маълумотлар бўлмаса у ҳолда эксперталардан фойдаланилади. Эксперталар маълум бир соҳа бўйича етакчи мутахассислар бўлиб, улар ўзларининг компетенцияси доирасида у ёки бу ҳодиса ва жараёнлар бўйича хуносалар ишлаб чиқадилар.

Эксперт (лотинча «тажрибали») амалга оширадиган экспертиза процедураси уч босқичдан иборат:

- 1) экспертизага тайёрланиш;
- 2) эксперталар билан сўров ўтказиш;
- 3) Сўров натижаларини қайта ишилаш.

Эксперталарнинг ўзлари иккинчи босқичда қатнашадилар.

Тайёргарлик иши уч қисмдан иборат:

- 1) савол шакли ва мазмунини белгилаш.
- 2) саволларни тузиш.
- 3) Экспертални шахсан танлаш ва жалб этиш.

Сўров шакллари: интервью олиш, мулоқот, йиғилиш, гояларни танлаш, ўйинлар ўтказиш, анкета тузиш ва Дельфи усули.

Сўроқлар индивидуал ёки гурухларда, юзма-юз ва сиртдан ўтказиш мумкин.

Анкета ва интервьюларда саволни танлаш қийин. Саволлар очиқ ёки ёпик ёки бир неча шаклда бўлиши мумкин. Очик жавоблар сифатли ёки эркин ҳолда сонли ифодалар бўлади.

Ёпик саволга жавоблар: «ҳа», «йўқ», «билмайман» сингари бўлади.

Кўп саволлар бўлганда зарур жавоб чизилади.

Математик тўплланган ахборотларни ўзида сақловчи сўровномалар тўпламини статистик ишловни амалга ошириши керак. Математик учун ЭҲМ бу ишни бажарувчи техник восита бўлиб хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг ахборот моделини шакллаитириш қўйидаги қисмлардан иборат:

- сўровнома саволлари ва жавоблар орасидаги боғланишларни ҳисобга олиб атрибутларни идентификациялаш;
 - сўровнома маълумотлари базасининг тузилмаларини ишлаб чиқиш;
 - натижавий жадваллар шаклини яратиш;
 - жадваллар учун кесимларни белгилаш;
 - маълумотлар базаси ахборот обьектларининг қийматлари чегараларини, зиддиятсизлик, тўлалик ва мутаносиблик шартларини аниклаш;
 - жавобларни кодлаштириш тизимини ишлаб чиқиш.
- Социологик маълумотларни замонавий усулларда ҳисоблаш учун зарур бўлган асосий тушунчаларни киритайлик:

Математик ишлов обьекти — сўровнома, яъни сўров натижасида олинган еонли маълумотлар тўйлами.

Аломатлар — сўровномаларнинг саволлари.

Аломатлар қийматлари — респовдент томонидан берилган жавоблар.

Мисол. Ўзбекистон бўйича ўтказилаётган социологик тадқиқот ахборот моделининг кўриниши қўйидагича бўлиши мумкин:

1. Вилоят.
2. Туман.

3. Қишлоқ кенгаши.
4. Маҳалла.
5. Уй хўжалиги ёки респондент идентификацияси.
6. Сўровнома саволлари.

Вилоятлар, туманлар, қишлоқ қенгаши, маҳалла бўйича уй хўжаликлари, эркаклар, аёллар сони ҳакида маълумотнома мавжуддир. Вилоят, туман, қишлоқ кенгаши, маҳаллалар рақамлари кодлаштирилган тарзда ишлатилади.

Ахборот объектларнинг қийматларини чегаралаш мисоли сифатида зиддият келтириб чиқармайдиган шартларни танлаб олиш мумкин.

Ахборотларни кодлаштириш деганимизда кодлаштирилаётган аломатнинг ҳар хил қийматларига кетма-кет сонли қийматлар, масалан, 1,2,3... қиймат бериш назарда тутилади. Бундай ҳолда компьютерга шу маълумотлар киритилишида сонли матрица ҳосил қилинади, яъни, сатр бўйича — сўровнома саволлари жойлашган бўлса, устун бўйича эса — аломатлар жойлашади.

Хозирги кунда социологик тадқиқот маълумотларини ЭҲМ орқали қайта ишлашда чет элда ишлаб чиқилган SPS, ACSESS каби дастурлардан фойдаланиб келиняпти. Шу билан бирга "Ижтимоий фикр" Марказида ўз мутахассисларимиз томонидан ишлаб чиқилган ва амалда кўлланилаётган маҳсус машина дастурлари ҳам яхши самара бермоқда. Ана шу дастур асосида энг замонавий ПЭҲМ ларда (PENTIUM IV PENTIUM V) социологик, маълумотлар устида хисоб-китоблар бажариляпти.

Мисол тариқасида "Ижтимоий фикр" марказида олиб борилаётган социологик тадқиқот маълумотларига ЭҲМ орқали ишлов бериш жараёнининг амалий тажрибасини баён этамиз. Ушбу баён марказнинг математиклар гурухи томонидан ишлаб чиқилган, сўровномалар маълумотларига ишлов беришга мўлжалланган "сўровнома ишлови" машина дастурлари мажмуасининг амалий кўлланилиши мисолида ифода этилади. Социологик тадқиқот маълумотларига ЭҲМ орқали ишлов бериш бир неча босқичларда

амалга оширилади ва бу босқичлар унга мос мутахассислар гурухи томонидан олиб борилади.

Биринчи босқичда сўровномаларнинг тўлдирилишини текшириш, ишловга яроқсиз сўровномаларни ҳисобдан чиқариш ишлари бажарилади. Сўровнома ҳар хил сабабга кўра яроқсиз ҳисобланиши мумкин.

Ишлов беришга яроқсиз сўровномалар ҳисобдан чиқарилгач, иккинчи босқич — сўровномаларни гурухлаш ва рақамлаш ишлари олиб борилади. Сўровномаларни гурухлаш деганда, тадқиқот ўтказилган ҳудудлар, вилоятлар, туманлар бўйича сўровномаларни тартибга солиш, вилоят, туман ва шаҳарлар кодларини белгилаш тушунилади. Кейин эса ҳар бир гурух сўровномаларининг тартиб рақамлари белгиланади. Одатда, рақамлаш бажарилгандан кейин ҳам баъзи сўровномалар яроқсизлиги аниқланиб, улар ҳисобдан чиқарилади. Бундай ҳолларда қайта рақамлаш шарт эмас.

Учинчи босқич сўровномадаги очик саволлар жавобларини кодлаштириш жараёнидир. Ушбу жараён анча мураккаб ва машаққатли ишдир.

Сўровномалар тўғри тўлдирилганлигига ишонч ҳосил бўлгандан сўнг жавобларни кодлаштиришга ўтилади. Одатда, сўровномада ҳар бир саволга тартиб билан сон қўйилган жавоблар келтирилган бўлади. Ана шу сон жавобнинг "код" вазифасини бажаради. ЭҲМга жавоблар матни эмас, балки уларга мос бўлган сонлар киритилади ва улар устида арифметик амаллар бажарилади, чунки ЭҲМ фақат сонлар билан ишлайди. Демак, ҳар бир жавобнинг коди мавжуд бўлади десак, хато бўлмайди. Ҳисобкитоблар бажарилгандан сўнг ҳар бир сонга мос бўлган жавобнинг матни унга қайтариб берилади.

Юқорида бажарилган ишлардан сўнг маълумотларни компьютерга киритиш ишлари амалга оширилади.

5.2. Эксперт танлови

Экстраполяция методи. Экстраполяция методи математик статистикани кенг қўлланишга асосланади. Математикада экстраполяция қўйидагича тушунилади: агар функциянинг ахамияти бирор интервал ичida $[x_0, x_n]$ ётган нуқталарда $x_0 < x_1 < x_2 \dots < x_n$ маълум бўлса, функциясининг $f(x)$ қийматини интервалдан ташқарида $[x_0, x_n]$ ётган x нуқталарда белгилаш экстраполяция дейилади. Лекин прогнозлаштириш шу соҳа ичida амалга оширилса, бунга интерполяция дейилади. Агар, масалан, $f(x)$ функцияси берилган ва унинг қиймати $x_t = f(x_j)$ бўлса (бунда $x_0 < x_1 < x_2 \dots < x_n$ нуқталарда $j=0, n$ бўлади), унда x_j нуқталари орқасида ётган x нуқтасидаги бу функциянинг қийматини белгилаш ишлари интерполяциядан иборат бўлади. Экстраполяция методлари турли хил миқдор кўрсаткичлари ва характеристикаларини прогнозлашда қўлланилади. Бунда кўпчилик холларда прогнозчилар муваққат қаторлар экстраполяцияси билан иш кўрадилар. Бунда тарихий маълумотларни таҳлил қилиш босқичида динамик қаторларнинг қонуниятли характеристерини аниқлаш, эмпирик формулаларни танлаш, бу формулалар параметрларини ҳамда белгиланган боғлиқликларининг тўғри аникланганлигини баҳолаш кабилар асосий вазифа ҳисобланади.

Экстраполяция ҳодисалар ёки жараёнларнинг келгусидаги ҳолати конунлари, назариялари ёхуд тажрибасини кенг ёйишни тақозо қиласди. Экстраполяция методларини прогнозланадиган объектни ривожлантиришнинг барқарор шароитида қўлланиш мақсадга мувофиқдир.

Г.М.Добров 12—15 йил мобайнидаги илмий-техника тараққиёти ҳақидаги маълумотларнинг асосий қисми ҳозирги вактда экстраполяция методлари ёрдамида прогнозланиши мумкинлигини, бу ерда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолик 15% га яқинни ташкил этишини таъкидлаган эди.

Озгина вакт учун прогнозлашда шу нарса кўзда тутиладики,

келгусидаги шароитлар мавжуд қонунлар, назариялар ва тажрибалар тааллукли бўлган шароитлардан умуман фарқ қилмайди ёки озгина фарқ қиласди. Яъни бу ҳолда экстраполяция системани ривожлантиришнинг илгариги тенденцияларига таянади.

Экстраполяциянинг қуйидаги бир неча методлари мавжуд;

- функционал ва корреляцион алоқалар асосидаги экстраполяция;
- эгри эгилувчан экстраполяция;
- таққослама методлар ёрдамидаги экстраполяция.

Буларнинг ҳаммаси тўғридан-тўғри экстраполяция методлариандир. Улар бутун давр учун доимий бўлган тараққиёт суръатлари ва хусусиятларидан келиб чиқади ҳамда обьектни ривожлантиришга таъсир қиласдиган кўп томонлама алоқаларни ҳисобга олишга қодир эмас. Илгариги обьектни ривожлантириш динамикасини аниқ акс эттирадиган, аппроксимация қиласдиган функцияни белгилаш ва миқдор жиҳатидан баҳолаш йўли билан олинган математик моделлар экстраполяциянинг асосини ташкил этади.

Экстраполяция методи ёрдамида у ёки бу ҳодисанинг келгусидаги ривожланиш йўналишлари, турли хил кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари ҳисоблаб чиқлади ва аниқланади.

Янги омилларнинг таъсирини тўғрилайдиган экстраполяция ҳисобга олишга қодирдир. Бундай экстраполяция методи тўппат-тўғри экстраполяция қилинадиган методларга ўхшаш бўлиб, унинг фарки шундаки, у прогноз обьекти динамикасининг хусусиятларини вакт бўйича ҳисобга оладиган тузатувчи коэффициентлардан фойдаланади.

Эмпирик маълумотларнинг белгиланган қонуниятлар ўзгаришини акс эттирадиган эгри чизиқли бўлмаган формаси аниқланган бўлса, прогнозлашда экстраполяция методини кўлланиш яхши натижалар беради. Бундай ҳолда кузатиладиган жараённи ривожлантиришнинг асосий йўналишларини

күрсатадиган тренд (ёки тенденция) асосида прогнозлаштириш методи катталикка яхшироқ яқынлаштиради.

Экстраполяция методи ёрдамида илмий-техника ахбороти ҳажмларининг ўсиши, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари кабилар прогнозланади.

Эксперт баҳолаш методи. Прогностика нұқтаи назаридан эксперт бу шундай соҳалар мутахассисидирки, у амалдаги ва етилиб турган зиддиятларнинг мумкин бўлган йўллари ва альтернативларини баҳолайди ва гипотеза қиласи ҳамда ўз фаолиятида унга асосланади.

Эксперт кузатувида фойдаланиладиган барча ахборотлар қуидагиларга бўлинади:

— объектив ахборот-бу ахборот ўзаро алоқаларнинг микдорий характеристикасини ҳамда объектив ўлчов бирликлари ва объектив мезон амал қилмайдиган сифат ахборотини ўз ичига олади;

— оралиқ ахборот-бу ахборот экспертларнинг сўрок қилиш усуслари ва характеристикасини кўрсатиб беради;

— объектив ва оралиқ ахборотларини ишлаш натижаси бўлган субъектив ахборот.

Эксперт баҳолар методининг моҳияти фикрлар микдорий баҳоланган ва натижалар формал ишланган ҳолда экспертлар томонидан проблемаларнинг интуитив-мантикий таҳжил қилинишидан иборатdir. Экспертларнинг ишлов бериш натижасида олинган умумлашма фикрлари проблемани ҳал қилиш деб қабул қилинади. Интуициядан, мантикий фикрлардан ва микдорий баҳолардан комплекс фойдаланиш проблемани самарали ҳал қилиш имконини беради.

Эксперт баҳолаш методининг асосий вазифаси микдорий характеристикага эга бўлмаган жараёнлар прогнозини, айrim иқтисодий жараёнларни ривожлантиришнинг алътернатив имкониятлари ҳакидаги сифат ахборотини олишдан, формал ва интуитив методларни тўғрилаш ва ўзаро уйғунлаштиришдан, иқтисодий жараёнлар прогнозига маълум даражада норматив

омиллар киритишдан иборатdir.

Статистик маълумотлар, объект динамикасидаги кескин ўзгаришлар ҳақида ахборот бўлмаган ҳолларда эксперт методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Эксперт, биринчидан, бутун бир мақсадли образни ташувчи бўлиши, иккинчидан, ўз тавсияларини асослаш учун мавжуд билимлар, методлар ва маълумотлардан фойдаланиши, учинчидан, қатъий чегараланган миқдордаги маълумотлар билан операция бажариши мумкин. Эксперт баҳолашни қўлланиш тажрибасида шундай ҳоллар ҳам бўладики, унда кўпчиликнинг фикрига кўшилмайдиган айрим экспертлар бирмунча тўғри баҳо берадилар.

Бошқариш жараёнида ўз ролини ижро этиш учун экспертлар иккита асосий функцияни бажарадилар: объектлар (альтернатив вазият, мақсад, ечим кабилар)ни ташкил этадилар ва уларнинг характеристикаларини ўлчайдилар. Объектларни ташкил этиш экспертлар томонидан мантикий фикрлаш ва интуиция асосида амалга оширилади.

Юкори малакали мутахассисларнинг эксперт баҳолашда иштирок этиши — прогнозлаш, планлаштириш ва бошқариш проблемаларини ҳал қилишнинг нисбатан узок сакланадигай методидир.

Эксперт кузатувчи обьектини ташкил этишнинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

— яхлитлик принципи — экспертиза обьектининг бошка обьектларга боғлиқ бўлмаслиги, унинг ички характеристикаси ва структура алоқаси обьектга киритилмаган характеристика ва алоқага қараганда бирмунча барқарор, бирмунча мустаҳкам бўлиши;

— тақрорланиш принципи — обьектда тақрорланадиган нарсалар бўлмагандагина ёки борларпни ажратпб кўрсатиш имкони бўлгандагина у эксперт кузатув обьекти бўлиши;

— кўргазмалик принципи — кишилар ахборотни таҳлил қилиш имкониятларининг экспертлар иш методлар ва билишлари

чекланганлигини тақозо қилиши.

Коллектив экспертиза эксперталарнинг хуқуқ доираларини ҳисобга олган ёки олмаган ҳолда ўтказилиши мумкин. Биринчи ҳолда ишчи группаси ҳар бир экспертдан унинг прогнозланадиган соҳани билиш даражаси ҳақидаги маълумотларни ҳамда унинг фикрлари шаклланиши манбаларини сўраб чиқади. Бу маълумотлар эксперталарнинг тайёргарлик даражаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини баҳолаш учун зарурдир.

Коллектив эксперт баҳолаш натижаси умумлаштирувчи ҳужжат ҳисобланиб, унда прогнозланадиган давр мобайнида тадқиқ қилинадиган объектни ривожлантириш йўллари баён қилинади. Улар ичидаги энг оддий метод комиссия методидир. Лекин бу метод бир неча номақбул ҳодисаларни бартараф қила олмайди. Шунинг учун ҳийла аниқ экспертиза методларига зарурат туғилади.

«Ўтказилган баҳо» методи ёки «онг ҳужуми» методи маълум: даражада «комиссиялар» методининг камчиликларини бартараф қиласди. «Ўтказилган баҳо» методининг моҳияти шундан иборатки, унда эксперталар икки группага бўлинади. Биринчи гуруҳ мазкур масала бўйича ўз фикрларини билдиради. Иккинчи гуруҳ олинган ахборотни ўрганади ва бу ахборотни баҳолаш босқичи ҳисобланади.

Бундай меҳнат тақсимоти шароитида фикрларни эркин баён қилиш ва интеллектуал меҳнат самарадорлигини ошириш учун реал имкониятлар яратилади.


Эксперталарни танлаши. Бу иш, одатда, илмий-техник ва маъмурий манфаатлар соҳаларини аниқлашдан бошланади. Сўнгра бу соҳаларга дахлдор шахслар рўйхати тузилади. Бу рўйхат эксперт учун номзодлар танлашда асос бўлади.

Эксперталар группасини тузишда экспертиза проблемасини самарали ҳал қилиш умумий талаб ҳисобланади. Проблемани ҳал қилиш самарадорлиги экспертиза ишончлилигининг характеристикалари билан белгиланади.

Эксперт баҳолашнинг ишончлилиги факат проблемани амалий

ҳал қилиш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш асосидагина белгиланиши мумкин. У, одатда, факт тажрибага асосланган маълумотлар бўйича амалга оширилади.

Экспертиза мунтазам равишда тахминан бир хил составдаги эксперталар ёрдамида ўтказилса, эксперталар группаси ишининг ишончлилиги бўйича статистик маълумотларни жамғариш ҳамда ишончлиликнинг барқарор рақамли баҳоларини олиш имкони яратилади.



Бу баҳодан келгуси экспертизалар учун эксперталар группаларининг ишончлилиги ҳакидаги фактларга асосланмаган маълумот тарзда фойдаланиш мумкин.

Сўраб чиқиши турида эксперталар сонини кўпайтириш ҳисобига ишончлиликни ошириш (1-расм) харажатларнинг кўпайиб кетишига олиб келади. Бундан эксперталар гурӯхларини танлаш муаммоси келиб чиқади. Эксперталарнинг сон жихатидан ишончлилиги қўйидаги формула ёрдамида баҳоланади:

$$D_i = \frac{N_n}{N} \quad (i = \overline{1 - n})$$

бунда N_n — i — экспертнинг иштирок этиш ҳоллари бўлиб, унинг афзаллиги тажрибада тасдиқланган;

N — проблемани ҳал қилишда эксперт иштирок этган ҳолатларнинг умумий сони.

Ҳар бир эксперт ҳиссасини ҳамда бутун гурӯх ҳал қилган масала ишончлилигини ҳам ҳисобга олиш мумкин. Бу нисбий ишончлилик қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$D_i^{or} = \frac{D_i}{\frac{1}{m} \sum_{i=1}^n D_i} \quad (i = \overline{1-n})$$

бунда m — гурухдаги экспертлар сони.

Махражда экспертылар гурухининг ўртача ишончлилиги туради. Экспертнинг экспертиза бориши ва унинг натижаларига муҳим таъсир этадиган ишchanлик хусусиятлари системасини шаклластириш танлаш усулининг мураккаб муаммоларидан иборат бўлади. Бу сифатлар экспертизага таъсир этадиган мутахассиснинг ўзига хос хусусиятларини характерлаб беради. Экспертларнинг ишchanлик хусусиятларига хуқуқ доираси, фикрлашнинг аналитикиклиги ва кенглиги, фикрлашнинг кон-структуртивлиги, коллективизм ва ўз-ўзини танкид килишлар киради.

Прогнозланадиган муаммолар бўйича адабиётларни таҳлил килиш натижасида шу соҳада эълон қилинган бир неча асрлари бўлган ҳар қандай мутахассис танланиши мумкин. Унга шу проблемага даҳлдор 12 та мутахассисни санаб кўрсатиш илтимоси билан мурожаат этилади. Сўнгра бир вақтнинг ўзида 15 та йирик мутахассисдан ҳар бирига 15 тадан йирик ҳамкасб олим ёки йирик мутахассисни санаб чиқиши илтимос қилиб мурожаат этилади.

Олинган мутахассислар рўйхатидан дастлабки 15 киши ўчирилади ва қолганларига юқоридаги илтимосни бажаришни сўраб хатлар жўнатилади. Номи янгидан тилга олинган мутахассисларнинг ҳеч қайсиси экспертылар рўйхатига янги фамилия қўшмагунича, яъни прогнозлаштириладиган проблема соҳасига даҳлдор деб ҳисоблаш мумкин бўлган экспертылар группаси барқарор бўлмагунча юқоридаги ишлар давом эттирилаверади. Даҳлорлик коэффициенти қўйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқиласди.

$$K = \frac{1}{2}(K_u + K_a),$$

бунда K_u — ўн балли шкала бўйича эксперт ўз-ўзини баҳолаши асосида олинадиган проблема бўйича маълумот олиш

коэффициенти ҳамда бу баҳони 0,1га кўпайтириш;

K_a — 3 — этalon жадвал бўйича балларни жамлаш натижасида олинадиган баҳолаш коэффициенти.

Дахлдорлик коэффициентини хисоб-китоб қилиш учун экспертга тўлдирилмаган жадвал (2-жадвал) берилади. Эксперт ундаги баҳолаш манбаи қархисига ўзининг мазкур манба билан таниш эканлиги даражасини характерлаб берадиган (юқори, ўрта, паст) белги қўяди.

Агар $K_a = 1,0$ бўлса, барча манбаларнинг таъсир этиш даражаланадиган ташкилотнинг имкониятлари. Одатда маҳсулот сифатини эксперт баҳолаш тегишли тармоқнинг бош илмий-тадқиқот институтида амалга оширилади. Потенциал жиҳатдан эксперт бўла оладиган малакали мутахассислар сони чекланган бўлиши табиий. Экспертлар группасининг сони кўпайганда унга бир-мунча юқори малакали эксперталар киритилади, бу пировард натижада якуний баҳолар аниқлигининг пасайиб кетишига олиб келиши мумкин.

Экспертларнинг оптимал сонини аниқлаш хийла мураккаб проблема бўлиб, уни ҳал қилишнинг умумий принцип ва методлари ҳозирча ишлаб чиқилган эмас. У раҳбар фаолиятининг эвристик функциясидан иборат бўлади.

Бу вазифаларни ҳал қилишда мунтазам таҳлил мухим аҳамиятга эга. Бундай ҳолда улар, аввало, проблемани структуралаш методологияси тарзида кўриб чиқилиши мумкин.

Экспертлар группасини танлаш қарийб расмийлаштирилмасада, лекин бу вазифани ҳал қилишнинг ютуғи кўп жиҳатдан прогнозчилар группасининг интуицияси ва қобилиятларига ҳамда ташкилот раҳбарининг қўллаб-куватлашига боғлиқ бўлади. Экспертлар группаси тузилгандан сўнг эксперт сўровига ўтилади.

Сўров — бошқариш ва экспертлар группаси биргаликда иш олиб боришининг асосий босқичи бўлиб, унинг асосий мазмуни куйидагилардан иборат бўлади: вазифаларни қўйиш ва саволларни эксперталрга топшириш; эксперт баҳоларининг анкета ва

жадвалларини тузишга доир инструкциялар; экспертлар группасини ўқитиш; анкета ва жадвалларни тўлдиришга ҳамда эксперт маълумотларини ЭҲМда ишлашга доир инструкция; эксперталар ишини ахборот билан таъминлаш; эксперталар билан ишлаш қоидалари; баҳолар ва таклифларнинг эксперталар томонидан ишлаб чиқилиши; экспертиза маълумотларини ЭҲМда ишлаш алгоритм ва программалари; эксперталарнинг иш натижаларини тўплаш; эксперт баҳоланиши лозим бўлган объектларнинг характеристикалари ҳақида қўшимча ахборот, шунингдек эксперталар томонидан сўров анкетасининг тўлдирилиши.

Сўров ўтказиш жараёнида учта масала ҳал қилинади: берилган объектларнинг сифат ва миқдор жиҳатидан баҳоланиши, янги объектларни қуриш ва баҳолаш.

Эксперт сўровидан олдин уни ўтказиш ва ташкил қилишнинг барча эксперталар учун мажбурий бир қанча қоидалари ишлаб чиқилади. Бу қоидалар эксперталар томонидан объектив фикрлар билдирилиши учун кулай шартларга риоя қилишни таъминлайди. Баҳоланадиган объектлар тўғрисида эксперталар ўз фикрларини билдиришининг мустакиллиги, жавобларнинг анонимлигини сақлаш, баҳоланадиган ходисаларни коллектив бўлиб муҳокама қилиш мумкинлиги, шунингдек эксперталарга талаб қилинадиган ахборотларни бериб туриш эксперталарда объектив фикр ҳосил қилишнинг муҳим шартлари ҳисобланади.

Талаб қилинадига ахборот характеристига, уни олиш ва шарҳлаш имкониятларига кўра сўровнинг амалдаги методлари индивидуал ва группали, шахсий (юзма-юз) ва ташқи, очиқ ва ёпик, сўровларга бўлинади.

Группали усулдаги сўров бутун эксперталар группаси бўйича ялпи, индивидуал усулдаги сўров эса ҳар бир эксперт бўйича алоҳида-алоҳида ўтказилади. Мехнат ва вақт сарфига кўра группали сўров усули самаралидир. Лекин уни кўлланишда сўров ўтказишнинг айрим техник усувларидан фойдаланиб бўлмайди.

Энг муҳими группали сўров усули эксперт олдига қўйилган саволларни тўғри аниқлаш учун эксперт билан техник ходим ўртасидаги зарур ўзаро алоқадорлик саволларини тўғри аниқлашда зарур бўлган ўзаро алоқадорлик даражасини таъминлай олмайди. Ана шу туфайли кўпинча сўров ўтказишнинг индизидуал усулини қўлланиш тавсия қилинади. Техник ходим анкета саволларига жавоб тайёрлаш пайтида эксперт билан бе-восита алоқада бўлгани ҳолда, сўроқ қилишнинг шахсий усулини қўлланади. Ташки сўров одатда анкетани экспертга почта орқали жўнатиш йўли билан ўтказилади.

Сўров характери ва йўналишининг олинадиган натижаларга таъсири экспертизани ташкил этишда ҳамда зарур ахборотни йиғишида ёрдам берадиган сўрок коғозлари (анкеталар)ни ишлаб чиқишида ҳисобга олинади.

Эксперт сўрови анкетаси — бу маълум даражада саволларнинг ташкилий йиғиндиси бўлиб, уларга жавоб бериш экспертининг ҳодисалар содир бўлиши ёки баҳоланадиган хусусиятнинг нисбатан муҳимлик даражаси ҳақидаги ахбороти тарзида қараб чиқилади.

Анкеталаштириш социология, психология ва прогнозлашда қўлланилади ҳамда илмин-техника тараққиёти ҳамда экономикани бошқаришда кенг ёйилади.

Эксперт методлари маълум даражада анкеталаштиришга асосланганлиги туфайли бу ишни ташкил этишга катта эътибор берилади.

Анкетадаги барча саволлар мазмуни ва формасига кўра классификацияланади. Саволлар мазмунига кўра эксперт ҳақидаги объектив маълумотларга (ёши, маълумоти, лавозими, илмий даражаси, ихтисоси, иш стажи ва ҳоказо), таҳлил қилинадиган проблема моҳиятига кўра асосий саволларга ҳамда ахборот манбаларини ва эксперт аргументациясини аниқлаш, эксперт дахлдорлигини ўзи баҳолаши имконини берадиган қўшимча саволларга бўлинади.

Формасига кўра асосий саволлар очик ёки эркин, ёпиқ ёки бир нечта жавобли, шунингдек бевосита ва билвосита саволларга бўлинади. Ёпиқ савол факат учта жавоб олиш мумкин бўлган формада («ҳа», «йўқ», «бильмайман») берилади. Бир нечта жавобли савол экспертга улардан биттасини, масалан, санаб ўтилган бир нечта муддатлардан маълум илмий-техник ғояни амалга ошириш муддатини танлаш учун берилади.

Шунга ўхшаш саволлар кўйилганда экспертга битта обьект учун икки ёки учта баҳо, яъни минимал, ўртacha ва максимал баҳо бериш ҳукуқи берилиши мумкн. Бирорта обьектни балл билан баҳолашда эксперtlар фикри турли хил чиқиб қолишини камайтириш учун шкалани баён қилиб бериш мақсадга мувофиқ бўларди.

Очиқ ёки эркин савол ихтиёрий формада берилади. Очик саволлар бериш сўровнинг биринчи турида мақсадга мувофиқ бўлади, чунки улар таҳлил қилинадиган проблемани кенг қамраб олиш, эксперtlарнинг фикрлари спектрини ва нуқтаи назарларини аниқлаш имконини беради.

Саволли анкеталардан ташқари эксперtlарга экспертизанинг мақсадлари, вазифалари ва обьектлари ҳақидаги ахборотлар баён қилинган тушунтириш хатлари, зарур ташкилий маълумотлар ҳамда анкеталарни тўлғазишига доир инструкциялар берилади. Бу инструкцияларда тартиб мисолларн ва анкета тўлғазиши усуллари кўрсатилади.

Тармоқда комплекс прогнозлашда эксперtlарга ҳодисани аниқлаш бўйича бериладиган бир нечта саволлардан фойдаланиш зарур. Бу ҳодисаларнинг содир бўлиши келгусида тармоқни ривожлантиришга таъсир қилиши мумкин.

Сўров анкетаси уни ўтказишни асослаш, шунингдек сўровнинг мақсад ва вазифалари, эксперtlарга қилинадиган баъзи илтимослар, мақсад ва вазифаларни тушунтириш кабилар билан боғлиқ саволларни ўз ичига олади.

Прогнозлаш обьектининг шакли, структураси ва кўлами

мураккаб бўлган ҳолларда сўров қилишнинг биринчи усули мос келади. Учинчи ва тўртинчи усулларни нисбатан оддий бўлган объектлар ҳамда жадвал ва кўрсаткичлари кам бўлган объектлар учун тавсия қилиш мумкин. Анкетани тўлғазиш учун одатда 30—40 минут ажратилади.

Иқтисодий жараёнларни прогнозлашда мунозаралар муайян роль ўйнайди. Улар проблемани таҳлил қилиш методларини танлашни, экспертлар фойдаланадиган фикр ва далилларни, ахборот бериш воситаларини, шу жумладан, экспертларнинг аргументлари, далиллари ва хуносаларини, шунингдек мунозара пайтида ахборотни қайд қилиш ва қайта ишлаш воситаларини танлашни, мунозара ўтказиладиган жой ва вақтни белгилаш ва эълон қилишни, унинг фазаси ва айрим сўзга чиқишилар тартиби ва регламентини ўз ичига олади.

Мунозарани тайёрлаш ва ўтказиш жараёни, одатда, учта босқичга бўлиниши мумкин:

- мунозара предмети ва уни ўтказиш тартибини белгилаш ва ташкил этиш, шунингдек мунозара қатнашчиларини тайёрлаш;
- мунозарани ўтказиш;
- якун чиқариш, мунозара натижаларини қайд қилиш ва ишлаб чиқиш.

Мунозара пайтида бошқариш группаси аъзолари қўйидаги вазифаларни ҳал қиласидилар:

- таҳлил қилинадиган проблеманинг турли жиҳатларини; у билан боғлиқ бўлган омилларнинг роли ва аҳамиятини аниқлаш ҳамда уларнинг энг асосийларини белгилаш;
- мунозаранинг максадини ифода қилиш ва экспертларга қўйиладиган талаблар;
- жанжалли масалаларни, проблема томонларини мунозаранинг асоси хисобланган жанжалсиз масалалардан ажратиш;
- ҳал қилиниши мунозарага олиб келадиган жанжалли масалалар спектрини аниқлаш ва чегаралаш;

- жанжалли масалаларни хал қилиш усул ва шартномаларини аниқлаш, яъни мунозара ўтказиш тадбирларини тузиш.

Биринчи боскичда мунозарани тайёрлашга доир иш натижалари тушунтириш хати ва экспертлар инструкцияси тарзида расмийлаштирилади. Уларда мунозара предмети, вазифаси ва мақсади, шунингдек мунозара ўтказишнинг ташкилий масалалари экспертларнинг роли ва вазифалари баён қилинади.

Мунозаранинг иккинчи боскичи, одатда, мунозарани олиб борувчининг кириш сўзини, таҳлил қилинадиган проблема бўйича докладни, докладчига бериладиган саволлар ва унинг жавобларини, экспертлар нуткларини, қабул қилинган қарорларни ўз ичига олади.

Мунозаранинг якунловчи боскичи мунозарани олиб борувчи муҳокамага якун ясашини ва қарорнинг келишиб олинишини ўз ичига олади.

Авваламбор экспертларни танлаш, уларнинг малакаларига ёзтибор бериш ва кейинчалик гурухлар тузиш зарур.

Керакли белгилардан экспертнинг ишчанлиги, маҳорати, ўрганилаётган соҳанинг мутахассиси бўлиши зарур. Бунинг учун кўп мутахассисларга савол берилиб, у ёки бу соҳада ким эксперт эканлигини сўраш мумкин. Кейинчалик энг кўп овоз олган экспертни гурухга киритиш лозим:

$$X_{ij} = \begin{cases} 1 \\ 0. \end{cases}$$

Ишбилармонлик билан иштирокчиларнинг бошқа сифатлари илмий ёндашиши, фикрлаш доираси ва савияси ҳам ҳисобга олинади.

Гурухлардаги экспертлар сони сўров усулига боғлиқ. Юзма-юз учрашув учун 10-15 киши кифоя. Агар вакт, меҳнат ва маблағ сарфи чекланмаган бўлса, сиртдан сўроқ ўтказганда экспертлар сони чекланмаган.

Бу усул «ғоялар жангига» деб ном олган. У юзма-юз сўров усули бўлиб, XX асрнинг 50-йилларида кашф этилган. Дастлаб 10-15 кишидан иборат гурух тузилади. Тайёргарлик жараёнида

экспертларга эслатма тайёрланади ва унда муаммоли ҳолатлар, марказий масалалар, мұхокама саволлари ва олдиндан ғояларни ўйлаб қўйиш сўралади.

Йиғилишни ўтказиш учун раис сайланади. У йиғилишни очади. Экспертларга нутқ учун 2-3 минут ажратилади ва у бир неча гал такрорланади. Бу усулда танқидий фикрлар ижобий мұхокама қилинади.

Мұхокама стенограмма қилинади. Мұхокамага 20-45 минут ажратилиади.

Кейинги босқичда сеанс натижалари бошқа мутахассислар гурухи томонидан қайта ишланади. Бу босқичда жами ғоялар танқид этилади ва ғоялар, таклифларнинг сўнгги рўйхати тузилади. Бу рўйхатга самарали ва амалий ғоялар киритилади.

5.3. Эксперт системасида маълумотларни қайта ишлаш

Агар жавоб сонли миқдорларда бўлса, жами эксперталар гурухининг жавобини баҳолаш учун арифметик ўртача, медиана ва мода топилади. Фикрлар фарқи учун вариация, квадратик фарқ, дисперсия ва квартиллар хисобланади.

Эксперт баҳолашнинг айрим усулларида, жумладан Дельфи усулида медиана, биринчи ва учинчи квартиллар хисобланади.

Арифметик ўртачага нисбатан медиана афзаллиги:

- биринчидан, медиана айрим эксперт фикрига тўғри келиши;
- медианага айрим экспертларнинг жавоби ўртачадан фарқ қилиши таъсир қўлмайди.

Иккинчидан квартил медиана билан мос келади. Шунинг учун ҳар бир турда Дельфи усули учун медиана, биринчи ва учинчи квартил хисобланади.

Экспертиза обьектининг комплекслилиги, "Кўп томонлилиги турли ихтисосликлардаги экспертлар ҳаракатини бирлаштиришни тақозо қиласиди, бу нарса улардан чуқур билим ва тажриба талаб

килади.

Экспертиза ўтказиш пайтида экспертнинг баҳоси вақт бўйича баркарор бўлиши керак; эксперт баҳосини яхшилайдиган ва прогнозлайдиган белгилар ҳақида қўшимча ахборотга эга бўлиш керак ва ҳоказо. Экспертларни характерлаш пайтида шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, баҳоларни ишлаш натижасида техник ўлчовларда доимий ва тасодифий хатоликлар бўлиши мумкин.

Эксперт баҳолар индивидуал ва колектив баҳоларга бўлинади. Индивидуал эксперт баҳолар, ўз навбатида, икки хил формага эга бўлади:

а) интервью типидаги баҳо—унда эксперт интуитив тасаввурлар асосида объектнинг келгусидаги ҳолатига колектив баҳо беради;

б) аналитик баҳо—унда эксперт прогнозлаштириладиган объектнинг барча хусусиятлари ҳақида тўлиқ ахборот борлиги асосида баҳо белгилайди. Мана шу хусусиятларга кўра аналитик эксперт баҳолар индивидуал баҳоларга қараганда бирмунча аниқ бўлади.

Аналитик эксперт баҳоларнинг энг кенг тарқалган методи — морфологик методdir. Уни астроном Ф.Цвики ишлаб чиқкан. Бу методнинг мазмуни прогнозланадиган объектга нисбатан ахборотни тўлиқ ҳисобга олишдан иборатdir. У кузатиладиган объектнинг бир қанча асосий параметрларга бўлинишини, улар ўртасидаги алокаларнинг аниклигини, экспертнинг индивидуал интуициясидан янада муваффақиятлироқ фойдаланишни тақозо қиласди.

Бу методдан фойдаланишдаги асосий иш босқичлари проблемаларни шакллантириш; проблемаларни таҳлил қилиш ҳамда қарор қабул қилишда фойдаланилиши мумкин бўлган барча муҳим параметрларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш; ечимларнинг дедукцияланган йиғиндиси (материаллар); воқеа ва ҳодисаларнинг ривожланишини прогнозлаш, шунингдек жорий даврда уларнинг аҳамиятини баҳолаш; характерланадиган параметрларнинг (ўсиш

функциялари ва натижаларини характерлайдиган универсал формулаларнинг) назарий ва амалий чегараларини белгилаш; нисбий катталикларда ифодаланган ечимларни таққослаш ва энг мос келадиган ечимларни танлаш (вариантларни объектив баҳолаш методлари); танланган маҳсус ечимларни моддама-модда таҳлил қилиш; бошқа мутахассислар ёки ташкилотлар иши ҳақида хулоса чиқариш кабилардан иборатдир. Бир экспертнинг бажарган иши кўплаб мутахассисларнинг фикрларини умумлаштириши ва таҳлил учун фойдали бўлган бошлангич маълумотларни бериши мумкин. Бу метод объектни ривожлантиришнинг маълум йўналишлари доирасида назарий жиҳатдан мумкин бўлган ечимларни олиш ҳамда техник ва иқтисодий нуқтаи назардан афзал бўлганларини танлаш имконини беради. Коллектив эксперт баҳолаш методларининг тўртта, группасини — «комиссия методи», «ўтказилган баҳо методи», «Дельфа методи» ва «Эвристик прогнозлаштириш методи»ни ўз ичига олади. Коллектив эксперт баҳолашнинг мақсади бирор масала бўйича мутахассисларнинг энг яхши фикрларини аниқлашдан иборатдир. Коллектив эксперт баҳолаш методининг асосий ғояси мутахассис-экспертлар коллективини у ёки бу формада экспертизага жалб қилишдан иборатдир. Бу методдан фойдаланиша, одатда, ишларни бажаришнинг қуйидаги тартиби қўлланилади: ишчи ва эксперт группаларини ташкил этиш; эксперт баҳоларнинг формаларини (сўров варакларини) тузиш; экспертларнинг сўраш ишини ташкил этиш ва ўтказиш; коллектив эксперт баҳолаш материалларини қайта ишлаш.

Прогнозлаштиришда олдинги ишчи группаси томонидан прогнозлаштириладиган даврда мазкур объективни ривожлантиришнинг асосий мақсади ишлаб чиқилади ҳамда бир нечта кичик мақсадлардан иборат матрица (1-жадвал) тайёрланади.

Экспортлар	Даражанинг мақсадлари						
	1	2	...	i		
j	K ₁₁	K ₁₂	...	K _{ij}	K _i
i	K _{ij}	K ₁₂	...	K _{ij}	K _{i n}
m _g	K _{ml}	K _{m2}	...	K _{m l}	K _{m n}

Эксперт баҳолари жадвали одатда маълум ҳодисаларнинг содир бўлиш вақтини, воқеалар мухимлигини, тадқиқотларнинг характеристикалари ва йўналишларини баҳолашга, шунингдек альтернатив фикрларнинг бирига қўшилишга олиб келадиган масалаларни ўз ичига олади.

Экспертга Р даражадаги j мақсадга эришиш учун даражадаги ҳар бир вазифанинг мухимлик коэффициенти k_{ij} ни қўйиш тавсия қилинади. Жадвалларда терилган тушунчаларда балларнинг диагнозлари кўрсатилади. Масалан, 0 дан 1 гача, ёки 1 дан 10 гача, ёки 10 дан 100 гача. Баъзан балларнинг айrim қийматларига мазмуний изоҳ берилади.

Масалан, 1—3 баллда масалани ечиш мақсадига муваффақиятли эришилади, 4—6 баллда қўйилган мақсадага эришиш учун масала ечилади, 7—9 баллда масаланинг ечилиши мақсадага эришишнинг мухим қисмини ташкил этади. 10 баллда эса масаланинг ечилиши мақсадага эришиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Жадвалда бир нечта қатор ва устунлар бўш қолдирилади, уларга қилинган эслатмаларда эса эксперт бу бўш жойларга ўз фикри билан R ва g даражалар учун зарур қўшимча мақсад ва вазифаларни қўйиши мумкинлиги кўрсатилади. Ундан ташқари, эксперт ўз фикрича жадвалдаги ортиқча элементларни олиб ташлаш ва тегишли қатор ёки устунларга ноллар қўйиш хусусиятга

эга бўлади. Кейинги иккита момент экспертга вазифанинг базали варианти структурасига ўз тузатишларини киритиш имконини беради.

5.4. Конкордация коэффициентларини хисоблаш

Конкордация коэффициенти куйидаги формула билан хисобланади.

$$W = \frac{12S}{m^2(n^3 - n)}$$

ёки

$$W = \frac{S}{\frac{1}{12}m^2(n^3 - n) - m \sum_{j=1}^m T_j}$$

$$T_j = \frac{1}{12} \sum (t_j^3 - t_j)$$

t_j - бир хил рангли сон j - қаторда.

Дельфа усули АҚШ да XX асрнинг 60-йилларда яратилган. У сиртдан сўров ўтказишга асосланган. Унинг хусусиятлари: сиртқи, аноним, сўровлар бир неча босқичларда ўтказилади ҳамда тескари алоқа мавжуд, биринчи турдан ташқари ҳар гал эксперталар олдинги турдаги натижалар ҳақида ахборот олишади.

Дастлаб эксперталарга анкеталади, унда муаммо изоҳланади, саволлар рўйхати ва унга жавоб бериш тавсифи келтирилади.

Эксперт жавобларни имзо қўймасдан почта орқали жўнатилади. Ташкилотчилар эксперталар жавобларини қайта ишлайди, баҳо чиқаради. Мазмун жиҳатдан ўртачалар, фарқлар ва дисперсия хисобланади. Бир ой ўтгандан кейин иккинчи тур ўтказилади. Эксперталрга биринчи тур натижалари баён қилиниб саволлар берилади. Биринчи тур жавобларини инобатга олиб эксперталардан саволларга жавоб бериши сўралади. Жавоблар яна умумлаштирилиб зарур бўлса яна қўшимча турлар ўтказилади.

Агар учинчи турдан сўнг жавоблардаги фарқлар катта бўлмаса сўров ўтказиш тухтилиди. Охириги тур натижалари умумлаштирилади ва тугалланган хисобланади.

Назорат учун саволлар

1. Эксперт баҳолаш усувлар қачон ва нима сабабдан қўлланилади?
2. Экспертлар кимлар ва улар қандай муаммоларни ҳал этадилар?
3. Экспертиза нима? Уни ўтказиш босқичларини тушунтириб беринг.
4. Эксперт баҳолашнинг қандай усувларини биласиз? Ушбу усувлар бир-биридан қандай фарқланади?
5. Экспертлар грухи қандай ташкил қилинади?
6. Ғояларни генерациялаш усулини тушунтиринг?
7. Дельфи усулининг моҳияти нимадан иборат?
8. Экспертларнинг жавоблари қандай қайта ишланади?
9. Қарор қабул қилувчи шахс ва эксперталар орасида қандай алоқалар мавжуд бўлади?

6 боб.

СОЦИОЛОГИЯДА ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАРНИ ҚҰЛЛАНИЛИШИ

6.1. Эконометрик тенгламалар системаси энг кичик квадратлар усули.

6.2. Тұплам корреляция коэффициенти.

6.3. Корреляция коэффициенти хатолиги.

6.4. Социологик жараёнлар үртасидаги бөглаништарни үрганишида корреляцион-регрессион усуллардан фойдалануи.

6.1. Эконометрик тенгламалар системаси энг кичик квадратлар усули

Регрессион модельнің параметрлерині бақолаш боғлиқ үзгартыручи Y ның тақсимланиш әхтимолини топишидір. Моделда Y_i нормал тақсимланған ва вариацияси $\text{var}(Y) = \sigma^2$ га тең.

Энг кичик квадратлар усулида хисоблаш тамойили Y_i ларнинг ҳақиқий қыйматтарининг үртача қыйматидан фарқининг квадрати суммасини топишдан иборат. Демак:

$$S = \sum_{i=1}^n [Y_i - E(Y_i)]^2$$

ёки

$$S = \sum_{i=1}^n [Y_i - \alpha - \beta \cdot X_i]^2$$

бу ерда, S - фарқлар квадратлари суммаси.

α ва β , қыйматтарини топиш учун S ның α ва β бүйича биринчи хосиласини топамиз:

$$\frac{\partial S}{\partial \alpha} = \sum_i \frac{\partial (Y_i - \alpha - \beta \cdot X_i)^2}{\partial \alpha} = -\sum_i 2(Y_i - \alpha - \beta \cdot X_i) = -2 \sum_i Y_i - \alpha - \beta \cdot X_i,$$

$$\frac{\partial S}{\partial \beta} = \sum_i \frac{\partial (Y_i - \alpha - \beta \cdot X_i)^2}{\partial \beta} = -\sum_i 2(Y_i - \alpha - \beta \cdot X_i) \cdot (-X_i) = -2 \sum_i X_i(Y_i - \alpha - \beta \cdot X_i)$$

Хар бир хосилани нолга тенглаштириб ҳисоблаб топилган $\hat{\alpha}$ и $\hat{\beta}$ ларнинг қийматини ҳисоблаймиз.

$$\begin{aligned} -2 \sum_i (Y_i - \hat{\alpha} - \hat{\beta} \cdot X_i) &= 0 \\ -2 \sum_i X_i (Y_i - \hat{\alpha} - \hat{\beta} \cdot X_i) &= 0 \end{aligned}$$

ёки бунга эквивалент равища

$$\sum Y_i = \hat{\alpha} \cdot n + \hat{\beta} \left(\sum_i X_i \right),$$

$$\sum X_i \cdot Y_i = \hat{\alpha} \left(\sum X_i \right) + \hat{\beta} \left(\sum_i X_i^2 \right) (*)$$

Бу тенгламалар энг кичик квадратлар усулида нормал тенгламалар деб аталади. Бунда e энг кичик квадратлар қолдиги:

$$\sum e_i = 0$$

$$\sum X_i \cdot e_i = 0$$

(*) тенглама $\hat{\alpha}$ и $\hat{\beta}$ ларга нисбатан ечилади.

$$\hat{\beta} = \frac{n(\sum X_i \cdot Y_i) - (\sum X_i) \cdot (\sum Y_i)}{n(\sum X_i^2) - (\sum X_i)^2}$$

Бу тенгликни бошқача тусда ҳам ёзиш мумкин:

$$\begin{aligned} n \cdot \sum (X_i - \bar{X}) \cdot (Y_i - \bar{Y}) &= n \cdot \sum (X_i \cdot Y_i) - n \cdot \bar{X} \cdot (\sum Y_i) - n \cdot \bar{Y} \cdot (\sum X_i) + n^2 \cdot \bar{X} \cdot \bar{Y} = \\ &= n \cdot (\sum X_i \cdot Y_i) - (\sum X_i) \cdot (\sum Y_i) - (\sum X_i) \cdot (\sum Y_i) + (\sum X_i) \cdot (\sum Y_i) = \\ &= n \cdot (\sum X_i \cdot Y_i) - (\sum X_i) \cdot (\sum Y_i) \end{aligned}$$

Демак

$$\hat{\beta} = \frac{\sum (X_i - \bar{X}) \cdot (Y_i - \bar{Y})}{\sum (X_i - \bar{X})^2}$$

$\hat{\beta}$ ларнинг қиймати топилгандан сүнг α' ларни биринчи тенгламадан (*) топамиз. Демак,

$$\hat{\alpha} = \left(\frac{1}{n} \right) \cdot (\sum Y_i) - \hat{\beta} \cdot \left(\frac{1}{2} \right) \cdot (\sum X_i) = \bar{Y} - \hat{\beta} \cdot \bar{X}$$

Регрессия тенгламасининг коэффициентларини ҳисоблаш. Мезон: ҳақиқий миқдорларнинг текисланган миқдорлардан фаркининг квадратлари йигиндиси энг кам бўлиши зарур:

$$S = \sum (Y_i - \bar{Y}_i)^2 \rightarrow \min$$

Мисол: $Y_t = a_0 + a_1 t$

Қиймат $\sum(Y - \bar{Y}_t)^2$ бўлиши учун биринчи даражали ҳосилалар нолга тенг бўлиши керак.

$$S = \sum(Y - \bar{Y}_t)^2 = \sum(Y - a_0 - a_1 t)^2 \rightarrow \min$$

$$\frac{\partial S}{\partial a_0} = 0;$$

$$\frac{\partial S}{\partial a_1} = 0;$$

$$\begin{cases} n \cdot a_0 + a_1 \sum t = \sum y \\ a_0 \sum t + a_1 \sum t^2 = \sum y \cdot t \end{cases}$$

Нормал тенгламалар тизими.

$$S = \sum(Y - \bar{Y}_t)^2 \rightarrow \min$$

Демак,

$$\bar{Y} = a_0 + a_1 x + a_2 x^2 + \dots + a_n x^n$$

$$\frac{\partial S}{\partial a_0} = \sum [2(Y - a_0 - a_1 X - a_2 X^2 - \dots - a_n X^n)] \cdot (-1) = 0$$

$$\frac{\partial S}{\partial a_1} = \sum [2(Y - a_0 - a_1 X - a_2 X^2 - \dots - a_n X^n)] \cdot (-X) = 0$$

$$\frac{\partial S}{\partial a_n} = \sum [2(Y - a_0 - a_1 X - a_2 X^2 - \dots - a_n X^n)] \cdot (-X^n) = 0$$

Чизиқли функция бўйича текисланганда

$$\bar{Y} = a_0 + a_1 X$$

$$S = \sum(Y - a_0 - a_1 X)^2 \rightarrow \min$$

$$\begin{cases} \frac{\partial S}{\partial a_0} = \sum 2(Y - a_0 - a_1 X) \cdot (-1) = 0 \\ \frac{\partial S}{\partial a_1} = \sum 2(Y - a_0 - a_1 X) \cdot (-X) = 0 \end{cases}$$

Бундан,

$$\begin{cases} \sum y - n \cdot a_0 - a_1 \cdot \sum X = 0 \\ \sum y \cdot X - a_0 \cdot \sum X - a_1 \cdot \sum X^2 = 0 \end{cases}$$

$$\begin{cases} n \cdot a_0 + a_1 \cdot \sum X = \sum y \\ a_0 \cdot \sum X + a_1 \cdot \sum X^2 = \sum y \cdot X \end{cases}$$

6.2. Тўплам корреляция коэффициенти

Корреляцион таҳлил корреляция коэффициентларини аниқлаш ва уларнинг муҳимлигини, ишончлилигини баҳолашга асосланади.

Корреляция коэффициенти (r) –1 дан +1 оралиғида бўлади. Агар $r = 0$ бўлса омиллар ўртасида боғланиш мавжуд эмас, $0 < r < 1$ бўлса, тўғри боғланиш мавжуд $-1 < r < 0$ - тескари боғланиш мавжуд $r = 1$ функционал боғланиш мавжуд.

Боғланиш зичлик даражаси одатда қуидагича талқин этилади. Агар 0,2 гача – кучсиз боғланиш;

$0,2 \div 0,4$ – ўртacha зичликдан кучсизроқ боғланиш;

$0,4 \div 0,6$ – ўртacha боғланиш;

$0,6 \div 0,8$ – ўртачадан зичроқ боғланиш;

$0,8 \div 0,99$ – зич боғланиш.

Чизикли корреляция коэффициентининг хисоблаш формуласи:

$$r_{\bar{X} \bar{Y}} = \frac{\bar{X} \cdot \bar{Y} - \bar{X} \cdot \bar{Y}}{\sigma_x \cdot \sigma_y}$$

бу ерда, \bar{Y} - натижавий кўрсаткич микдори, боғлиқ омилга нисбатан ҳисобланади.

X - боғлиқ бўлмаган омил.

бу ерда, $\bar{X} \cdot \bar{Y}$ - $X \cdot Y$ кўпайтма ўртачалари қиймати;

\bar{X} - X нинг ўртacha қиймати;

\bar{Y} - Y нинг ўртacha қиймати;

σ_x - X белгининг квадратик фарқининг ўртачаси;

σ_y - Y белгининг квадратик фарқининг ўртачаси.

$$\sigma_x = \sqrt{\bar{X}^2 - (\bar{X})^2};$$

$$\sigma_y = \sqrt{\bar{Y}^2 - (\bar{Y})^2}.$$

Детерминация коэффициенти корреляция коэффициентининг квадратига тенг.

$$R = \frac{1 - r^2}{\sqrt{n}}.$$

Бир омилли чизикли боғланишни олайлик

$$Y_x = a_0 + a_1 X$$

бу ерда, a_0 , a_1 параметрлар доимий катталиклар (const);

X ўзгарувчининг таъсирини ўлчаш учун детерминация коэффициенти ҳисобланади.

$$(D) = r^2.$$

($1 - r^2$) колдик дисперсияси деб аталади ва у ҳисобга олинмаган омиллар улушини кўрсатади.

Боғлиқлик барқарорлиги қўйидаги формуладан топилади:

$$\eta_r = \frac{(1 - r^2)}{\sqrt{n}},$$

бу ерда r - корреляция коэффициенти;

n - кузатувлар сони.

Агар $r > 3\sigma$ бўлса, ($n > 50$ тенг бўлганда) омиллар ўртасида алоқа бор деб ҳисобланади.

Чизикли бир омилли боғлиқликда қўйидаги камчиликларга эътибор берилади.

Жараённи бир омилли модел билан акс эттириш мураккабдир.

6.3. Корреляция коэффициенти хатолиги

Тадқиқотчи статистик маълумот тўплаш жараёнида хатога ҳам йўл қўйиши мумкин. Бу хатолар борлиги, уларни тенгламага ўтиб кетиш хавфини туғдиради.

$$Y = a_0 + a_1 X + W,$$

бу ерда $W = U + V$

W - тўплам хатоси;

U - стохастик хато;

V - ўлчов хатоси.

Чизикли боғлиқлик қаралганда бир неча тахминлар қабул килинади.

Биринчиси: ε_i нормал тақсимланган.

Иккинчиси: $E(\varepsilon_i) = 0$ ўртача хато нолга тенг.

Ҳақиқатда ҳар қандай стохастик хатони күп сабаблар оқибати деб қараш зарур.

Учинчи тахмин - ҳар қандай хато бир хил вариацияга тенг деб қаралади.

Тұртинги тахмин - қолдик автокорреляцияси ҳақида хатолар орасыда автокорреляция йүк деб тахмин этилади.

$$\text{cov}(\varepsilon_i, \varepsilon_j) = 0, \quad (i \neq j)$$

Бешинчи тахмин - X қыйматлари ностохастик ва у танлов ҳажмига боғлиқ әмас:

$$\left(\frac{1}{n}\right) \sum_{i=1}^n (X_i - \bar{X})^2$$

$n \rightarrow \infty$ лимити чекланган сон.

Амалиётда, албатта, юкоридаги тахминларни түла бажарыш мушкул.

Динамика қаторларини таҳлил қилаётгандан даражалар төбранувчанлиги икки жиҳатдан қаралиши мүмкін. Бириңчидан, улар ўрганилаётган жараён ёки ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятлари намоён бўлиши учун халақит қиладиган «тасодифий тўсиқлар» ёки «ахборот шовқинлари» сифатида талқин этилади. Шу сабабли даражаларни улардан «тозалаш», яъни тасодифий тўсиқларни динамиканинг жузъий томонлари сифатида бартараф қилиш ёки жуда бўлмаганда таъсир кучини заифлаштириш йўлларини топиш ва илмий асослаш зарурияти туғилади.

Бу масала юкорида баён этилган тренд ҳисоблаш усуулларини туб моҳияти ва негизини ташкил этади.

Иккинчи томондан, динамика қаторларини таҳлил қилиш жараёнида даражалар төбранувчанлигининг ўзини ўрганиш, статистик текшириш предмети сифатида қараш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Автокорреляция деб ҳақиқий қатор даражалари билан вақт бўйича бир ёки бир неча даврларга сурилган даражалар ўртасидаги корреляцияга айтилади. Автокорреляция - динамик қатордаги кетма-кет қыйматлар орасидаги боғлиқлик.

Авторегрессия - динамик қаторнинг олдинги қийматларининг кейинги қийматларига таъсири регрессияси.

Автокорреляция хатоси колдик дисперсияни оддий дисперсияга бўлиб топилади.

$$\phi = \frac{\sum(Y - \bar{Y}_s)^2}{\sum(Y - \bar{Y})^2}$$

Автокорреляция - вактли қаторларнинг кейинги ва олдинги ҳадлари ўргасидаги корреляцион боғланиш ҳисобланади.

Автокорреляциянинг мавжудлиги қаторлар динамикаси даражаларининг ўзаро боғлиқлигидан, кейинги ҳадларнинг олдинги ҳадларга кучли даражада боғлиқлигидан далолат беради. Чунки корреляцион таҳлил усулини ўзаро боғланган ҳар бир қатор даражаси статистик эркин, ўрганилаётган қаторлар динамикасида автокорреляция мавжудлигини аниқлаш лозим бўлган ҳолларда татбиқ этиш мумкин.

Автокорреляция мавжудлигини текшириш жараёни куйидагича амалга оширилади. r_α (хисобланган) қиймати ҳисобланади:

$$r_\alpha \text{ (хисобланган)} = \frac{\sum z_t \cdot z_{t+1}}{\sum z_t^2},$$

бу ерда, $z_t = y - \hat{y}$ - колдик миқдор;

z_{t+1} - вакт билан аралашган колдик миқдор.

Агар ҳисоблар топилган r_α (хисобланган) миқдор берилган бир фоизли хатолар эҳтимоллиги ва эркинлик даражаси сонлари $n-k-1$ бўлганда r_α (жадвал) (r_α (жадвал)) $< r_\alpha$ (хисобланган)) қийматидан катта бўлса, автокорреляция мавжуд эмас дейилади. Сўнгра ишончлилик интерваллари аниқланади. У коэффициентлар вариацияси ёрдамида куйидаги формула асосида аниқланади:

$$V = \sqrt{\frac{\sum \left(\frac{y - \hat{y}}{\hat{y}} \cdot 100 \right)^2}{n}}$$

Шундан сўнг қуий интервали $y, \left(1 - \frac{V}{100}\right)$, юкори интервали бўйича $y, \left(1 + \frac{V}{100}\right)$ ишончлилик интерваллари ҳисоблаб чиқилади.

Қуйидаги ҳолатлар корреляцион таҳлил усулини прогнозлашда қўллашда хатоликларга олиб келиши мумкин:

а) башоратланаётган ҳодиса қўрсаткичлари динамикасини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллар имконини ҳисобга ола билмаслик;

б) корреляцион тенгламалар коэффициентлари уларнинг қийматини аниқлайдиган шароитлар ўзгариши билан қийматининг ўзгарувчанлиги;

в) бир қиймат ўзгаришининг башорати бошқа бир қанча қийматлар ўзгариш қиймати билан алмаштирилади.

Динамика қаторларини таҳлил қилаётганда даражалар тебранувчанлиги икки жиҳатдан қаралиши мумкин. Биринчидан, улар ўрганилаётган жараён ёки ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятлари намоён бўлиши учун халақит қиласидиган «тасодифий тўсиқлар» ёки «ахборот шовқинлари» сифатида талқин этилади. Шу сабабли даражаларни улардан «тозалаш», яъни тасодифий тўсиқларни динамиканинг жузъий томонлари сифатида бартараф қилиш ёки жуда бўлмагандан таъсир кучини заифлаштириш йўлларини топиш ва илмий асослаш зарурияти туғилади.

Бу масала юкорида баён этилган тренд ҳисоблаш усулларини туб моҳияти ва негизини ташкил этади.

Иккинчи томондан, динамика қаторларини таҳлил қилиш жараёнида даражалар тебранувчанлигининг ўзини ўрганиш, статистик текшириш предмети сифатида қараш ҳам муҳим аҳамият караб этади.

Автокорреляция деб ҳакиқий катор даражалари билан вақт бўйича бир ёки бир неча даврларга сурилган даражалар ўртасидаги корреляцияга айтилади. Уни ўлчаш ва ўрганиш назарий ва амалий аҳамиятга эга. Автокорреляцион таҳлил нафақат ўз – ўзидан илмий муаммо сифатида диқкатга сазовор, балки шу билан бирга у катор

масалаларни ечиш учун замин яратади. Бундай таҳлил, биринчидан, қатор даражалари ўртасида боғланиш бор ёки йўқлигини, иккинчидан, боғланиш мавжуд бўлса, унинг зичлик даражаси ва мухимлигини баҳолаш ва ниҳоят, учинчидан, кучли (муҳим) боғланиш ўртача қандай вақт давомида (даврлар мобайнида) намоён бўлаётганини аниқлаш имконини беради.

6.4. Социологик жараёнлар ўртасидаги боғланишларни ўрганишда корреляцион-регрессион усуллардан фойдаланиш

Кўплик корреляцияси тасодифий кўрсаткичлар гурухи ўртасидаги боғланишларни ўрганади. Иқтисодий таҳлилда кўплик корреляция усулини кўлланилиши хисоблаш техникаси яратилганидан сўнг кенгайди ва қисқа муддатда катта ютукларга эришилди, ҳам иқтисодий, ҳам математика фанларини ривожланишига ўз улушини қўшди.

Кўплик (кўп омилли) корреляция усули мураккаб жараёнларни таҳлил қилишнинг асосий усулларидан бири хисобланади. Бу усул мураккаб жараёнларда рўй бераётган алоҳида ҳодисаларни моделлаштириш ва башорат қилиш имконини беради. Кўп омилли корреляция усулидан фойдаланиш куйидаги тартибда амалга оширилади.

1. Кузатишлар асосида тўпланган катта микдордаги дастлабки маълумотларни қайта ишлаш асосида бир аргументнинг ўзгаришида функция қийматини ўзгаришини қолган аргументлар қиймати белгиланган шароитда аниқланади.

2. Қизиктираётган боғланишга бошқа омилларни таъсирини (ўзгартириш) даражаси аниқланади.

Корреляция таҳлили усулларини кўллаётган изланувчилар олдида турадиган асосий муаммолар бўлиб куйидагилар хисобланади:

- функция кўринишини (турини) аниқлаш;

- омиллар-аргументларни ажратиш;
- жараёнларни түғри баҳолаш учун зарур бўлган кузатишлар сонини аниқлаш.

Функцияning кўринишини танлашнинг қандайдир аниқ ишлаб чиқилган услубий кўрсатмалари бўламаса ҳам, ҳар бир изланувчи бу муаммони турлича ҳал қиласди. Математика фани берилган кийматнинг ҳар қандай соҳаси учун чекланмаган миқдорда функцияларни келтириши мумкинлигини ҳисобга олиб, кўп изланувчилар функция кўринишини танлаш инсон имкониятлари чегарасидан ташқарида деб ҳисоблашади. Шунинг учун функция кўринишини соф эмпирик асосда танлаш зарур ва кейинчалик уни ўрганилаётган жараёнга түғри келиши (адекватлиги) текширилади ва қабул қилиш ёки қилмаслик ҳақида қабул қилинади.

Омиллар ўртасида боғланиш шаклини танлашнинг учта усули мавжуд:

- Эмпирик усул;
- олдинги тадқиқотлар тажрибаси усули;
- мантиқий таҳдил усули.

Аналитик функция турини регрессиянинг эмпирик графиги бўйича аниқлаш мумкин. Лекин мазкур график усулни факат жуфт боғланиш ҳолларида ҳамда кузатишлар сони нисбатан кўп бўлганда муваффақиятли қўллаш мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Корреляцион боғланиш нима?
2. Боғланишларнинг қандай турларини биласиз?
3. Корреляция коэффициентининг ва корреляция индексининг иқтисодий маъноси нимадан иборат?
4. Регрессия тенгламалари нима?
5. Регрессия тенгламаларини аниқлайдиган қанақа компьютер дастурларини биласиз?

6. Нимага корреляция коэффициентлари ва детерминация дейилади?

7. Нормал тенгламалар параметрларини аниқлашнинг қандай усулларини биласиз?

8. “Энг кичик квадратлар усули” нинг мөхиятини тушунтириб беринг.

9. Нормал тенгламалар системасини ечиш усулларини тушунтириб беринг.

10. Тўғри чизик бўйича энг кичик квадратлар усули ёрдамида тенглаш қандай амалга оширилади?

11. Корреляция коэффициенти нимани билдиради ва уни қандай хисобланади?

12. Детерминация коэффициентининг иқтисодий маъноси нимадан иборат ва у корреляция коэффициенти билан қандай боғланган?

7.боб. СОЦИОЛОГИЯДА ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАРНИ БАҲОЛАШ

- 7.1. Фишернинг Z критерияси F критерияси.
- 7.2. Стъюдентнинг t мезони.
- 7.3. Дарбин-Уотсон мезони.
- 7.4. Ишлаб чиқариш функцияларининг қўлланилиши.

7.1. Фишернинг Z критерияси F критерияси

Корреляцион ва
рессион
тахлили кўллаш
вактида, омилларни
тандаб олини ва
улардан
моделларда
фойдаланиш хамда
баҳолашдаги
асосий қонидалар
куйидагилардан
иборат:

- 1. Омилларни ўрганиш билан камраб олинадиган рўйхат четаралганг, омиллар эса назарий асосланган бўлиши лозим.
- 2. Моделга киритилган барча омиллар миқдор ўзгаришларга эга бўлиши керак.
- 3. Тадқик килинаётган тўплам сифатли бир жинсли бўлиши лозим.
- 4. Омиллар ўзаро функционал bogланмасликлари шарт.
- 5. Келажақда омиллар ўзаро таъсирини экстраполяция килиш учун моделлардан фойдаланилаётган вактда характер жиддий ўзгармаслиги, статистик мустахкам ва бўлакалоп бўйпти лозим
- 6. Регрессион тахлилда хар бир омилнинг (x) кийматига бир хил регрессияли натижавий ўзгарувчи (y) таксимоти нормал ёки якн даражада мос келиш лозим.
- 7. Ўрганилаётган омиллар тадқик этилган, натижавий кўрсаткичли, мантикан даврий бўлиши лозим.
- 8. Натижавий кўрсаткичта жиддий таъсири кўрсатадиган факат муҳим омиллар таъсирини кўриб чиқиш лозим.
- 9. Регрессия тенгламаларига киритилган омиллар сони катта бўлмаслиги лозим. Чунки омиллар сонининг катта бўлиши, асосий омиллардан четга олиб келиши мумкин. Омиллар сони кузатишлар сонидан тўрт марта кам бўлиши керак.
- 10. Регрессия тенгламасининг омиллари турили хил хатолар таъсирида бузилишга олиб келадиган хатоликлар бўлмаслиги керак. Омиллар ўртасидан функционал ёки шунга якн bogланишларнинг мавжудлиги - мультиколлениарлик борлигини кўрсатади.
- 11. Кузатувлар сонини ошириш учун уларнинг маконда тақрорланишиндан фойдаланиш мумкин эмас. Маконда ходисаларнинг ўзгариши авторрессияни вуҳудга кеътириши мумкин. Авторрессия эса статистикадаги мавжуд ўзгарувчилар ўртасидаги bogланишни маълум даражада бузади. Шунинг учун кўрсаткичлар динамик категориалида регрессион багланиши ўрганишни статистикадаги bogланишни ўрганишидан тубдан фарқ киради.
- 12. Хар бир омил бўйича таксимот нормал таксимотга эга бўлиши шарт эмас. Бу регрессион тахлили натижавий, аломатли киймат ва тасодифиз кийматли омиллар ўртасидаги bogланишини ифодаловчи сифатида таърифлашдан келиб чиқади

Таҳлил қилинаётган қаторлар динамикаси ҳар доим анчагина узунрок қаторларнинг танламаси ҳисобланади. Шунинг учун корреляцион-регерссион таҳлил асосида олинган эконометрик моделларнинг ишончлилигини ҳар томонлама текшириш ва баҳолаш лозим.

Тузилган эконометрик аҳамиятлилиги, ишончлилиги ва кейинчалик башоратлашда қўллаш мумкинлиги қўйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

1. Социологияда эконометрик моделларни аҳамиятини Фишер мезони ва аппроксимация хатолиги ёрдамида баҳолаш.

2. Социологияда эконометрик моделлар сифатини кўп омилли корреляция коэффициенти ва детерминация коэффициенти ёрдамида баҳолаш.

3. Социологияда эконометрик модел параметрларини Стыюдент мезони ёрдамида баҳолаш.

4. Қаторларда қолдик автокорреляцияни Дарбин-Уотсон мезони бўйича баҳолаш.

Фишернинг z мезони. Инглиз статистиги Фишер корреляцион ва регрессион таҳлилларнинг ишончлилигини текшириш учун логарифмик функциядан фойдаланиш усулини ишлаб чиқди:

$$z = \frac{1}{2} \ln \left(\frac{1+r}{1-r} \right). \quad (1)$$

z тақсимот кичик танламада нормал тақсимотга яқин бўлади. Ф.Миллс $n=12$ ва $\rho=0,8$ да (ρ -бош тўпламда корреляция коэффициенти) r ва z тақсимот графигини ўтказади. z нинг ўртача квадратик хатоси қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\sigma_z = \frac{1}{\sqrt{n-3}}. \quad (2)$$

Ушбу формулада σ_z ўртача квадратик хато факат тақсимот ҳажмига, яъни z тақсимоти боғланиш зичлигига боғлиқ бўлмайди. r дан z га ўтиш тегишли жадваллар бўйича амалга оширилади ҳамда корреляцион ва регрессион таҳлил натижалари ишончлилигини текшириш унча қийин бўлмайди.

Фишер F мезон ёрдамида түлиқ модельни адекватлигини, яъни реал иқтисодий жараёнга мослигини текшириш мумкин:

$$F_{\text{исл}} = \frac{R^2(n-m-1)}{(1-R^2)m}$$

n- кузатувлар сони

m - модельдаги таъсир этувчи омиллар сони

R- кўп омилли корреляция коэффициенти.

Ҳисобланган Фишер мезони жадвалдаги қиймати билан солиширилади. Жадвалдаги Фишер коэффициентини топиш учун k_2 катор ва k_1 устунни аниқлаш зарур $k_1=m$ ва $k_2=n-m-1$. Агар $F_{\text{исл}} < F_{\text{жад}}$ модел аҳамиятли, яъни регрессия тенгламаси тўри тўғри аникланган деб ҳисобланади.

7.2. Стыюдентнинг t мезони

Стыюдентнинг t мезони. Мазкур мезон Стыюдент тахаллусли инглиз математиги Уильям Госсет томонидан ишлаб чиқилган.

Стыюдентнинг t тақсимоти кичик танламалар учун маҳсус белгиланган. t тақсимот тақсимлагичли суратга эга бўлган қиймат муносабатларида, кейинчалик арифметик ўртача қиймат тақсимлашда учрайди

$$t = \frac{\bar{x} - m}{\sigma_{\bar{x}}} \sqrt{\nu + 1}, \quad (3)$$

бу ерда, *m* - бош ўртача;

v - эркинлик даражаси сони (*n*-1);

\bar{x} , $\sigma_{\bar{x}}$ - тегишли танлама тўплам арифметик ўртача қиймати ва ўртача квадратик четланиши.

Жуфт корреляция коэффициентини текшириш учун $n-2$ эркинлик даражасини *t* тақсимотга эга бўлган формула орқали қиймати аникланади.

Агар $t_r > t$ бўлса, нолинчи гипотезани қўллаб бўлмайди ва бинобарин бош тўпламда чизикли корреляция мавжуд. Унинг

ишончли таърифи сифатида корреляциянинг чизиқли коэффициенти намоён бўлади.

Жуфт корреляция коэффициентини текшириш учун $n-2$ эркинлик даражасини t тақсимотга эга бўлган формула орқали қиймати аниқланади.

Агар $t_r > t$ бўлса, нолинчи гипотезани қўллаб бўлмайди ва бинобарин бош тўпламда чизиқли корреляция мавжуд. Унинг ишончли таърифи сифатида корреляциянинг чизиқли коэффициенти намоён бўлади. Чизиқсиз боғланишда R тўплам корреляциясининг индекси ишончлилиги ҳам худди шу усулда текширилади. Бундай ҳолда (4) формуладаги корреляция коэффициенти корреляция индекси R билан алмаштирилади. Тўплам корреляция коэффициенти R квадратик хатога эга

$$\sigma_R = \frac{1-R^2}{\sqrt{n-k-1}}, \quad (5)$$

бу ерда, k -регрессия коэффициентлари сони.

Шундай килиб, t мезоннинг эмпирик қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$t_R = \frac{R\sqrt{n-k-1}}{1-R^2}, \quad (6)$$

бу ерда, $n-k-1$ - эркинлик даражалари сони;

t_R - жадвалдаги қиймати билан солиширилади;

$n-2$ - эркин даражалари билан t тақсимотга эга бўлган

$$t_{a_j} = \frac{a_j}{\sigma_{a_j}}, \quad (7)$$

қиймати асосида регрессия коэффициентларининг ишончлилиги текширилади.

Эконометрик моделларни таҳлил қилаётганда даражалар тебранувчанлиги икки жиҳатдан қаралиши мумкин. Биринчидан, улар ўрганилаётган жараён ёки ҳодисаларнинг ривожланиш конуниятлари намоён бўлиши учун ҳалақит қиласидиган «тасодифий тўсиқлар» ёки «ахборот шовқинлари» сифатида талқин этилади. Шу сабабли даражаларни улардан «тозалаш», яъни тасодифий тўсиқларни динамиканинг жузъий томонлари сифатида бартараф

қилиш ёки жуда бўлмаганда таъсир кучини заифлашириш йўлларини топиш ва илмий асослаш зарурияти туғилади.

7.3. Дарбин-Уотсон мезони

Автокорреляция- бу кейинги даражалар билан олдингилари ўртасидаги ёки ҳақиқий даражалари билан тегишли текисланган қийматлари ўртасидаги фарқлар орасидаги корреляциядир.

Хозирги вактда автокорреляция мавжудлигини текширишда Дарбин – Уотсон мезони кўлланади:

$$DW = \frac{\sum_{i=1}^{n-1} (Y_i - Y_{i-1})^2}{\sum_{i=1}^{n-1} Y_i^2}$$

DW мезоннинг мумкин бўлган қийматлари 0–4 оралиқда ётади. Агар қаторда автокорреляция бўлмаса, унинг қийматлари 2 атрофида тебранади. Ҳисоблаб топилган ҳақиқий қийматлари жадвалдаги критик қиймат билан таккосланади. Агарда $DW_{хак} < DW_{паст}$ бўлса, қатор автокорреляцияга эга; $DW_{хак} > DW_{юкори}$ бўлса у автокорреляцияга эга эмас; $DW_{паст} < DW_{хак} < DW_{юкори}$ бўлса, текширишни давом эттириш лозим. Бу ерда $DW_{паст}$ ва $DW_{юкори}$ – мезоннинг қуи ва юкори чегаралари. Салбий автокорреляция мавжуд (минус ишорага эга) бўлса, у ҳолда мезон қийматлари 2–4 орасида ётади, демак, текшириш учун $DW=4$. DW қийматларини аниқлаш керак.

7.4. Ишлаб чиқариш функцияларининг қўлланилиши

Қарорни қабул қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишига таалукли амалий характердаги тадқиқотларда тадқиқотчи юқорида кўрсатилган иқтисодий кўрсаткичлар асосида қўлланилаётган ресурсларнинг оптимал миқдори ва структурасини аниқлаши лозим. Ишлаб чиқариш функциялари, шунингдек ресурсларни туманлар ёки ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасида тақсимлашда

хам қўлланилиши мумкин. Чекланган ресурсларни (масалан, ўғит, капитал қўйилмалар ва х.к.) тармоқлар ёки хўжаликлар ўртасида тақсимлашда Лагранж кўпайтувчиларидан фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг регрессион тенгламалари системаси тузилади.

Ишлаб чиқариш функцияларининг аппарати математиканинг бошқа методларидан фарқ қилиб, баъзи афзаликларга эга: функция ва аргумент ўртасидаги алоқалар аниқроқ баён қилинади; ҳар бир ресурс сарфининг самарадорлиги, шунингдек унинг функцияга абсолют ва нисбатан «мусаффо» таъсири кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш функциясининг афзал турини танлаш ҳам мураккаб масаладир. Ишлаб чиқариш функциясининг тури иқтисодий жараён характеристига кўра ўзгаради. Сўнгги проблеманинг мураккаблиги ишлаб чиқариш функциялар конкрет турларини ўрганишни талаб қиласди.

Иқтисодий фаолиятни якунловчи кўрсаткич (ялпи ижтимоий маҳсулот, тармоқ маҳсулотининг ялпи ёки соф миллий даромади) фойдаланилаётган ресурслар массасига боғлик бўлиб, бундай боғлиқлик агрегацияланган ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида тасвиrlаниши мумкин $P_k P(x_1, x_2, \dots, x_n)$, бунда P - функция иқтисодий фаолият натижаси; x_i - ишлаб чиқаришда фойдаланилган i - ресурсининг ҳажми, $i \in Q$.

Ишлаб чиқариш функцияси узлуксиз ва дифференцияланади деб тушунилади. Функцияларнинг ўсиши иқтисодий омилларнинг ўсишига боғлик:

$$\delta_p = \sum_{i=1}^n \varphi_i \delta_i, \quad \varphi_i = \varphi_i(x) \quad (6)$$

бунда φ_i - функциянинг i - ресурси бўйича эластиклик коэффициентидир. Яъни

$$\varphi_i = \frac{\partial P}{\partial x_i} \cdot \frac{x_i}{P}$$

Халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш имкониятлари вақтнинг берилган ҳар бир моментида икки гуруҳ омиллар. Яъни ишлаб чиқаришнинг турли ресурслар сарфлари ва маҳсулот чиқариш

ўртасидаги боғлиқликда ифодаланувчи технологик шароитлар билан аниқланади.

Ишлаб чиқаришнинг такрор ишлаб чиқариладиган воситалари айни вактда ҳам маҳсулотлар ва ҳам ресурслар хисобланади. Шунинг учун барча турдаги ресурсларни икки кичик тўпламга ажратиш мумкин.

Q_1 - такрор ишлаб чиқариладиган ресурслар $i_1 \in Q_1$

Q_2 - такрор ишлаб чиқарилмайдиган ресурслар $i_2 \in Q_2$.

Умумий ишлаб чиқариш функцияси - бу ишлаб чиқариш доирасининг ички экстремал ҳусусиятларга эга бўлган ўзига хос моддийлик моделидир.

Ишлаб чиқариш функциялари Р_КР(x_1, x_2, \dots, x_n), маҳсулот чиқаришнинг барча ресурслар сарфига боғлиқ максимал мумкин бўлган ҳажмини ифодалайди.

Ишлаб чиқариш функцияларининг икки асосий типи: бир-бирининг ўрнини босувчи ресурсли ишлаб чиқариш функциялари ҳамда бир-бирини тўлдирувчи ресурсли ишлаб чиқариш функциялари типлари мавжуддир.

Ишлаб чиқариш функциялари ҳам статистик ва оптимизацион ҳолатларда тузилиши мумкин. Биринчи методнинг моҳияти шундаки, унда ишлаб чиқариш функциялари сарфлар ва маҳсулот чиқариш нисбатлари ҳакидаги кузатишларга қайта ишлов бериш асосида тузилади. Иккинчи ҳолатда эса функцияларнинг тури ва параметрлари оптимизацион вазифаларнинг ўзгарувчи параметрлардаги ечимини умумлаштириш натижасида аниқланади.

Ишлаб чиқариш функциясини ўрганишда айрим ишлаб чиқариш омилларининг самарадорлигини баҳолаш, бир хил омилларнинг бошқа омиллар ўрнини босиши, техника тараққиёти каби муаммолар пайдо бўлади (бунда кўп ҳолларда Кобба-Дуглас типдаги икки омилли моделдан фойдаланиш мумкин).

$$y = \gamma K^\alpha L^\beta$$

бунда K - ишлаб чиқариш фондларининг ҳажми;

L - меҳнат сарфлари;

γ , α , β - хисобланадиган параметрлар.

Ишлаб чиқариш функциясидаги омилларнинг самарадорлиги, функцияning ҳар бир ўзгарувчи бўйича биринчи тартибли ҳосиласи функцияси билан аниқланади. Хусусий ҳосила бошқа омилнинг микдори ўзгармас бўлса, омил учун қўшимча маҳсулотни ифодалайди. Бинобарин, энг сўнгги самарадорлик ишлаб чиқариш фонdlари учун

$$\frac{\partial y}{\partial K} = \gamma \alpha K^{\alpha-1} L^\beta$$

мехнат учун

$$\frac{\partial y}{\partial L} = \gamma \beta K^\alpha L^{\beta-1}$$

Эйлер теоремасидан фойдаланган ҳолда ялпи маҳсулотни факторлар «улушига» ажратиш мумкин,

$$y = \frac{\partial y}{\partial K} \cdot K + \frac{\partial y}{\partial L} \cdot L$$

α ва β параметрлари асосий ишлаб чиқариш фонdlари ва меҳнатга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг эластиклик коэффициенти ҳисобланади:

$$\alpha = \frac{\partial y}{y} : \frac{\partial K}{K}; \quad \beta = \frac{\partial y}{y} : \frac{\partial L}{L}$$

Ишлаб чиқариш функциясини кўриб чиқишида пайдо бўладиган нисбатдаги муҳим муаммо ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини ишлаб чиқариш кўлами ва унинг концентрациясига боғлиқ ҳолда ўзгаришидир. Реал воқеликда бундай бўлиши мумкин ва унинг уч варианти мавжуд. Ишлаб чиқариш кўламлари кенгайиши билан самарадорлик ўсиши, ўзгаришсиз қолиши, пасайиши мумкин.

Кобба-Дуглас ишлаб чиқариш функциясида ишлаб чиқариш концентрациясинг таъсири параметрлар жамида акс этади. Параметрлар жами бирга тенг бўлса, бу ҳолда ишлаб чиқариш концентрацияси ишлаб чиқариш ҳажми бир омилнинг унинг микдорига нисбатан яратилган энг сўнгги самарадорликдан ортиқ бўлишини англатади. Параметрлар жами бирдан кам бўлса,

ресурслар ошиши билан ишлаб чиқариш пасайиб борувчи тезликда ўсиб боради.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари:

1. Корреляцион боғланиш нима?
2. Богланишларнинг қандай турларини биласиз?
3. Корреляция коэффициентининг ва корреляция индексининг иқтисодий маъноси нимадан иборат?
4. Регрессия тенгламалари нима?
5. Регрессия тенгламаларини аникладиган қанақа компьютер дастурларини биласиз?
6. Нимага корреляция коэффициентлари ва детерминация дейилади? Уларнинг фарқи нимада?
7. Нормал тенгламалар параметрларини аниклашнинг қандай усулларини биласиз?
8. Фишер мезони нимага хизмат қиласи?
9. Стьюдент мезонининг асосий вазифаси нимада?
10. Дарбин-Уотсон мезонининг маъносини тушунтириш.
11. Социологияда эконометрик моделни реал ўрганилаётган жараёнга мос келишини қайси мезон ёрдамида аниклаш мумкин?
12. Социологияда эконометрик моделдаги параметрлардан бирортаси ишончсиз бўлса, уни нима киилиш мумкин?
13. Дарбин-Уотсон мезони қиймати қайси оралиқда ўзгаради?

8. боб.

ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ПРОГНОЗЛАШ

- 8.1. Социологияда құлланиладиган прогнозлаш усуллари.*
- 8.2. Дельфа усули.*
- 8.3. Социологик тадқиқоттарда прогноз усулларини құлланилиши.*
- 8.4. Ижтимоий доирадаги жараёнлар ривожланишини прогнозлаш*

8.1. Социологияда қўлланиладиган прогнозлаш усуллари

Истиқболни олдиндан кўра билишнинг илмий турларидан бири прогнозлашдир. Прогноз - деб яқин келажакда объектнинг эҳтимоллик ривожланиш йўналишлари ва натижаларини илмий усул асосида қўрабилишга айтилади. Прогноз қилиш назарияси, қонунияти ва услубини ишлаб чиқадиган илмий фанга прогностика деб ном берилди.

Прогнозлаш соҳалари кенг ва турлича. Жумладан географик, геология, экология, биология, медицина соҳасини прогнозлаш, фан ва техника, иқтисод, ижтимоий жараёнларни, харбий ва ташки сиёсий ахволни, қонунчилик, маданий-эстетик соҳаларни прогнозлаш мумкин.

Прогнозлашнинг асосий функцияларига: иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник жараёнлар ва қонуниятларни илмий таҳлил этиш, келгуси эҳтимолли ва қўпвариантли ривожланиш, муаммолар ва қонуниятларни олдан қўрабилиш; бу жараёнларга фаол таъсир этиш имкониятларни баҳолаш.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг самарали варианtlари хақидағи прогноз ахбороти комплекс дастурлар тузиш учун асос қилиб олинади.

Ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёни схемасида прогнозлар ва режалар оралигига дастурлар жойлашган. Улар директивлиги жиҳатидан режаларга ва вақт жиҳатидан прогнозларга якинроқ.

Прогнозлаш жараёнида топширикни тузишда прогнозлаш объекти хар томонлама таҳлил этилиши лозим. Бу объектнинг таърифи ва предмети, прогнозлаш вазифалари, унинг ташқи мухитга боғлиқлиги, унинг тузулмаси, фаол қилиш механизмни ва бошқаришни ўрганишни тақозо этади. Формал мазмун таҳлили унинг моделларини тузишни, объектга таъсир доирасини ва оптимал бошқариш усулини талаб этади.

Биз қараётган тизимлар ижтимоий-иктисодий бўлиб унинг таҳлили анча мураккаб ҳисобланади. Мураккаб объектларни бошқаришда тизим назариясидан тизимли таҳлилдан фойдаланамиз.

Тадқиқот услубиётининг хусусияти таҳлилда функционал ёндошишдан фойдаланишдир. Тизим ташқи мухит билан кириш ва чикиш сигналлари орқали боғлиқ.

Фараз қилайлик, тизимни t даврдаги холати учта вектор билан белгиланган: Кiriш холати вектори

$$X_t = (x_1, x_2, \dots, x_m)_t$$


Чикиш холати вектори $Y_t = (y_1, y_2, \dots, y_m)_t$;

Тизимнинг ички холати вектори $S_t = (s_1, s_2, \dots, s_m)_t$.

Агар t даврда тизимнинг чикиш холати кириш холатига боғлиқ ва унинг ички холати боғлиқлиги

$$y_t = f(X_t, S_t).$$

Мураккаб тизимларни бундай тасвирлаш катта самара беради. Башоратлашнинг эконометрик моделлари ана шундай ёндошишга асосланган. Башоратларни турларга ажратиш мақсад, вазифа, объект, вакт, илмий-услубий ва ташкилий, натижавий қўрсаткичларга қараб амалга оширилади. Ижтимоий-иктисодий прогнозларни асосий мезонлар бўйича турларга ажратамиз.



Прогнозлар турлари схемаси классификацияси

Прогноз жабхаси жиҳатидан халқаро прогнозлардан тортиб корхона ривожини прогнозлашга қадар ўзгаради. Бу ерда қуйидаги гурухларни куриш мумкин.

- халқаро иқтисодий, жаҳон бозори ва ташки савдо конъюнктурасини прогнозлари;
- миллий иқтисодиёт ва тармоқлараро балансни башоратлари;
- халқ хўжалиги комплекслари, ёкилги энергетика агросаноат комплекси ва хоказо;
- халқ хўжалигининг айрим тармоқларини прогнозлари;
- минтақанинг ижтимоий-иқтисодий холатини прогнозлари;
- корхона, бирлашма ва фирма фаолиятини прогнозлари.

8.2. Дельфа усули

«Дельфа» методи қоллектив эксперт баҳолашнинг энг янги методларидаи биридир. Бу метод бир нечта келгуси турларни анкеталаш ва эксперталар группаларини маҳсус танлаш учун

программаларни олдиндан ишлаб чишишга асосланган. У прогнозланадиган проблемани мұхқама қилиш учун экспертларни ялпи йиғишиң истисно қиласы.

Эвристик прогнозлаши методи «Дельфа» методига ўхшашидир. Лекин у анкета ва жадвалларни расмийлаштириш, экспертлар билан ишлеш тартиби ва олинган ахборотни алгоритмлаш борасыда айрим хусусиятларга эга. Эксперт баҳолаш методлари иктисадий ва бошқа турдаги прогнозларда кенг қўлланилади. Назарий тадкиқотлар ва тажриба шуни кўрсатади, эксперт баҳолашлардан бир қатор ҳолларда турли соҳалардаги ҳодисалар рўйхатини тузиш, ҳодисалар мажмуининг содир бўлиш ва вақти интервалини мухимлик даражасига қараб тартибга солинган ҳолда бошқаришнинг мақсад ва вазифаларини аниклаш, асосан сифат жиҳатидан характерлайдиган мураккаб системаларни таҳлил қилиш, бошқариш сифати динамикасини яхшилаш, бошқарув ечимларини баҳолаш ва танлаш учун зарур бўлган сифат ва миқдор мезонларини аниклаш ва баҳолаш соҳаларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, экспертизанинг ҳар қандай жараёни бир неча ўзаро алоқадор изчил босқичлардан иборат бўлиб, улар орасида мақсадларни, саволларни шакллантириш ҳамда экспертлар ва эксперт группаларини сўраб чишиш қоидалари, уларнинг ҳуқук доираларини баҳолаш усусларини танлаш мухим ўринни эгаллайди. Лекин коллектив эксперт баҳолашни ўтказишнинг турли хил босқичлари турлича амалга оширилади. Мутахассисларнинг ўзаро муносабатлари характеристига кўра экспертиза пайтида коллектив эксперт баҳолаш методларининг очик мунозаралар ҳамда анкеталар ёрдамида сўраб чишиш деган группалардан иборат иккита группаси ажратиб кўрсатилади.

Юқорида санаб ўтилган типовой вазифаларни ҳал қилиш учун кейинги йилларда турли хил эксперт баҳолаш методлари қўлланилмоқдаки, бунда уларнинг ўз проблемалари вужудга келмоқда. Улар ичига экспертларни танлаш, экспертларни сўраб

чикиш, сўров натижаларини қайта ишлаш ва экспертиза ишларини ташкил қилиш асосий проблемалардир.

Прогнозлаш усулларини иккита гурухга ажратиш мумкин:

Мантикий - эвристик усуллар ва моделлаштириш усуллари. Мантикий усуллар хакикатни мантиқ асосида топишга боғлиқ. Бу гурухга туртта усуллар: формал мантиқ, аналогия, эксперт баҳолаш ва эвристик усуллар киради.

Моделлаштириш усуллари математик ва статистик тадқиқотларга, компьютер ёрдамида ривожланиш омиллари ва конунларини топишга ва эксперимент ўтказишга асосланган. Кўйи гурух сифатида экстраполяция, эконометрик моделлаш, норматив-мақсадли ва имитация усулларини ажратиш мумкин.

Комплекс усуллар мантикий-эвристик ва моделлаштиришни биргаликда қўллашни тақозо этади.

8.3. Социологик тадқиқотларда прогноз усулларини қўлланилиши

Прогноз - бу эҳтимол йўналишлар, объектлар ва ходисаларнинг ривожланиши натижалари. Прогнозлаш - бу объектни ривожлантириш истиқболини белгилаб берадиган маҳсус илмий тадқиқотлардир.

Прогнозлаш нима бўлиши мумкинлигини кўрсатиб беради; режалаштириш - бўлиши шарт деган маънони билдиради.

Прогнозлаш соҳалари жуда кенг: географик, геологик, экологик, иқтисодий, социал, ташқи-сиёсий, юридик ва х.к.

Иқтисодий прогнозлаш - бу иқтисодий конунларга илмий ёндошган ҳолда иқтисодий тизимларни прогнозларини тузиш жараёнидир.

Прогнозлаштириш масштабига кўра макроиқтисодий ва микроиқтисодий башоратларга ажратилади.

Тузилиш интервали бўйича оператив, кисқа муддатли ва узок муддатли бўлиши мумкин. Кисқа муддатли башоратда факат

микдорий ўзгаришлар эътиборга олинади. Узоқ муддатли башорат ҳам микдорий, ҳам сифат ўзгаришларга асосланган бўлиб, ўз ўрнида ўрта муддатли ва узоқ муддатли бўлиши мумкин.

Прогнозлаш йўналишларига кўра изланишли ва норматив бўлиши мумкин. Изланишли прогноз – агар ҳозирги тенденциялар сақланиб қолса иқтисодий тизим қандай ривожланади?, деган саволга жавоб беради. Бошқа сўз билан айтганда тизимга таъсир этувчи омиллар ўзгармаса, у қандай ҳолатга келиши мумкин?

Норматив прогноз бўлажак мақсадларга эришиш учун тизимни ривожланиш йўналишларини ва муддатларини аниқлайди (белгилайди). Мақсад қилинган ҳолатга тизим эришиш учун, таъсир этувчи омилларга қандай ўзгаришлар киритиш зарур? Бошқа сўз билан айтганда қандай қилиб мақсадга эришиш мумкин?

Прогнозлаш жараёни обьектни таҳлилидан бошланади. Бу таҳлил обьектни танлаш, прогнозлаш мақсадида обьектга таъсир этувчи омилларни ўрганиш, унинг таркиби, бошкариш усусларни ўрганишдан иборат. Иқтисодий тизим жуда катта ва мураккаб бўлгани учун уни ўрганишда тизимли таҳлил усули қўлланади.

Бу усулни асосий тамойиллари қўйидагича:

1. Мураккаб тизим жуда кўп элементлардан иборат. Бу элементлар бир-бири билан боғланган бўлиб, мураккаб структурани ташкил этади.
2. Мураккаб тизим яхлитлик хусусиятига эга. Бундай тизимлар ҳар доим мақсадга интилган бўлади, самарали ҳолатга эришишга ҳаракат қиласди.
3. Тизим кириш ва чиқиш йўллари орқали ташки мухит билан боғланган.
4. Ҳар бир мураккаб тизимни элементларга бўлиш мумкин. Масалан: Ҳалқ хўжаликни элементлари бу тармоқлар, корхоналар элементлари - бўлимлар ва х.к. Тизимни элементлари иерархия принципларига бўйсунади.
5. Мураккаб ва катта тизимларни тўлиқ тасвирлаш, изоҳлаш жуда қийин, шунинг учун уларни бошқаришда, пронозлашда

маълум бир эҳтимоллик назарда тутилади.

8.4. Ижтимоий доирадаги жараёнлар ривожланишини прогнозлаш

Ижтимоий жараёнларни прогноз қилиш ва бошқариш қўйидаги асосий вазифаларни кузлайди:

- 1) истиқболни баҳолаш, жамият ижтимоий тараққиётининг мухим курса.кучларини аниқлаш ва унга оқилона ечишнинг самарали восталарини белгилаш;
- 2) Меъёрларни аниқлаш, истиқболдаги асосий ижтимоий талаб ва уни қондириш имкониятларини белгилаш;
- 3) Тахдидларни аниқлаш, жамият ижтимоий тараққиётига акс таъсир мумкин бўлган ўзгаришларни аниқлаш ва таҳлил этиш.

Ижтимоий прогноз турлари:

1. Истиқболдаги ҳолатларни прогноз қилиш: ўтган, ҳозирги ва келгуси замон истиқбол анъаналарини прогноз қилиш;
2. Меъёрий прогноз - ижтимоий ҳаётга мос мсьёрларни топиш, аниқлаш;
3. Таҳлиллар прогнози - ижтимоий тараққиёт жараёни издан чиқиши ҳолатининг таҳлилига асосланилади.

Ижтимоий прогноз 4та ўзаро мантиикий боғланган босқичларда амалга оширилади:

Биринчи босқич - прогноз обьекти бўйича маълумотлар манбанини ва кўрсаткичларини аниқлаш, прогноз дастурини ишлаб чиқиши, прогноз мақсад масалаларини белгилаб олишдан иборат бўллади.

Иккинчи босқич - прогноз қилинувчи обьектнинг динамик моделини ишлаб чиқишини ўз ичига олади.

Учинчи босқич - прогноз қилинувчи жараён моделга кирувчи бошқарув кўрсаткичларини белгилаш, уларнинг ўзгариш тенденцияларини ва чегараларини аниқлаш, турли тахминий варианatlарини аниқлаш.

Охирги боскич - кўп вариантли прогнозни амалга оширишни асослаш ва таҳлилий хулосаларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ижтимоий башорат масаласини ечишда математик моделлаштириш ва экспертиза усуllibаридан фойдаланилади.

Ахборот жамият фаолиятининг ижтимоий жиҳатдан ўзига хос тамойилларини ифодалайди ва унинг ёрдамида ижтимоий бошқарув амалга оширилади. Ижтимоий ахборотнинг ўзи гурухларга ажратилади.

1.Биринчи гурухга ижтимоий гурухлар тузилмаси ва ҳолати ҳақидаги ахборотлар киради;

2.Иккинчи гурух одамларнинг меҳнат ва турмуш шароити ҳақидаги ахборотлардан ташкил топади;

3.Учинчи гурух одамларнинг ҳаёт фаолияти, турмуш тарзи ва бошқа ахборотлардан иборат.

Назорат учун саволлар

1. Прогнозлаш усулининг анъанавий усуllibардан фарқли томонлари нимада?

2. Прогнозлар муддати бўйича неча турга бўлинади?

3. Прогностика деганда нимани тушунасиз?

4. Миллий иқтисодиёт ривожланишининг кўпвариантли прогнозлари қандай амалга оширилади?

5. Прогнозлашнинг эвристик усуllibаридан қайси бирини биласиз?

6. Прогнозлаш ва прогнозлаш функцияларини тушунтириб беринг?

7. Прогноз объектининг тизимли таҳлили нима?

8. Прогноз классификациялари қандай амалга оширилади?

9. Иқтисодий кўрсаткичларни прогнозлашда қўлланиладиган қандай компьютер дастурларини биласиз?

10. Прогнознинг ахборот таъминоти қандай ташкил этилади?

9.боб. ДЕМОГРАФИК ПРОГНОЗЛАР

- 9.1. Демография ҳақида маълумот.*
- 9.2. Демографик ривожланишини прогнозлаши.*
- 9.3. Ўзбекистонда демографик жараёнларнинг ривожланишии.*

9.1. Демография ҳақида маълумот

Бозор ислохотлари даврида иқтисодиёт тармоқларига кўрсатилаётган ижтимоий шароитларнинг таъсири кескин кучаяди. Айниқса, аҳолининг озиқ-овқат, уй-жой, кийим-кечак, ўқиш ва даволаниш соҳаларига бўлган эҳтиёжи ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни худудий тӯғри ташкил этиш, замон талабига мос ҳолда такомиллаштириш, ижтимоий соҳалар ҳолатини яхшилашнинг муҳим йўналишларини аниқлаш борасида узоқ йилларга мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқишини такозо этади. Мазкур дастурларнинг марказида аҳоли ва унинг таркибидаги ўзгаришлар турмоги лозим. Шундагина ўрганилаётган худуд ижтимоий-икғисодий тараққиётининг устувор йўналишларини тӯғри аниқлаш ва белгилаш имкони туғилади.

Ўтиш даври демографик жараёнларининг ижтимоий-икғисодий муаммолари бевосита аҳоли сони ва унинг таркиби билан боғлиқ бўлади. Демографик вазият ва демографик жараёнлар давлат-ларнинг олиб бораётган сиёсалари хамда иқтисодий инқирозлар, табиий талофатлар, касалликлар, эпидемиялар пайдо бўлиши ва тарқалиши асносида ўзгариб боради. Демографик жараёнлардаги ўзгаришлар эса худуд, минтақа, мамлакат аҳоли сони, таркиби, динамикаси, жойланиши ва унинг келажак истиқболини белгалаб беради. Шу боисдан ҳар бир ҳудуд, туман ижтимоий-иктисодий ва демографик ривожланишига дахлдор масалаларни кўрсатиб бериш, улар келажагини белгилашда илмий-амалий аҳамиятга эга прогнозлар ишлаб чиқиш зарурияти пайдо

бўлади.

Демографик прогнозлар меҳнат бозори, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, ижтимоий, маданий-майший муассасалар тўрини вужудга келтириш каби истиқболли режаларни амалга оширишнинг замини, асоси бўлиб хизмат қиласди. Қолаверса, иқтисодиёт тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантиришда, демографик сигимнинг ортиши билая боғлиқ ижтимоий-экологик, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни олдини олишда унинг аҳамияти янада ошади.

Шу жиҳатдан мустақилликнинг дастлабки давридаёк Ўзбекистонда демографик прогноз ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ёбу даврдаги давлат дастури билан боғлиқ биринчи демографик прогаоз 1997 йилда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у 1997-2015 йилларни камраб олган эди. Худди шундай иккинчи демографик прогноз, Прогнозлаштириш ва макро-иқтисодий тадқиқотлар институтида (аввалги Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази) 2006 йилда 15 йилга мўлжалланиб амалга оширилади.

Республика аҳолиси сони прогнозининг аниқлилилик даражаси демографик жараёнлардан туғилиш ва ўлим курсаткичлари билан хам чамбарчасдир. Чунки, «каерда туғилиш ва ўлим даражалари юкори бўлса, ўша жой аҳояиси сони прогаозининг аниқлилик даражаси паст, аксинча тупшиш ва ўлим даражаси кичик кўрсаткичларга эга булса, аниқлилиги юкори, хатоликлар кам учрайди». Шу сабабдан мамлакат аҳолиси прогаози нафакат умумий аҳоли сони, балки демографик жараёнлар, демографиос таркиб ҳанда вилоятлар аҳолиси сони доирасида амалга оширилиши мақсадга мувофиқцир. Аҳолининг келажакцаги сони, таркиби, жойланиши тўрисидага маълумотлар таълим, соғлиқни саклаш, иш ўринлари яратиш, уй-жой қурилиши, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирish каби қатор соҳа ва тармоқларни ривожлантиришга каратилган дастурлар яратишида

устувор аҳамият касб этада.

Ўзбекистонда аҳолининг тақрор барпо бўлиши, бир типдан иккинчи бир типга ўтиши турли ижтимоий-иқтисодий ва ижтамоий-демографик омиллар таъсирида рўй бермоқца. Булардан ижтимоий-иқтисодий, маданий ва психологик омиллар умумлашган холда аҳоли демографик хулқи, маданияти, муносабатлари ва майлида бирмунча ўзгаришларга олиб келди, бу эса демографик жараёнлар ривожланишида, унинг келгуси истиқболида ўз ифодасини топади. Сабаби, демографик жараёнларнинг бугунги ҳолати, яқин келажак истиқболда аҳоли тақрор барпо бўлиши яна бир бора ўтиш даврини бошидан ўтказиши эҳтимолини яққол кўрсатади. Бу эса мамлакат аҳолисини маълум муддатли ва бир неча вариантли прогноз қилиш заруриятини келтириб чиқарди.

Аҳоли сони фақат сабаб ва омиллар таъсирида ўзгарадиган демографик жараёнлардан ташқари, маълум бир вақтлардаги ҳолати, миқдори ва унинг вақт ўтиши билан демографик тўлқин бўлиб қайтиш ҳодисаси каби жиҳатларига ҳам бевосита боғлиқ. Шу боисдан ушбу ишда мамлакат аҳолиси демографик прогнозининг амалий аҳамиятини янада ошириш мақсадида аҳолининг демографик истиқболи «математик экстраполяция» ва аҳшшу ёшини «силжитиш» методлари асосида ўрта муддатга мўлжалланиб, бир неча вариантли прогноз ишлари бажарилди.

Бундан аҳоли умумий ҳамда вилоятлар аҳоли сони прогнози математик экстраполяция методи орқали учта вариантда ҳисоблаб чиқилди. Биринчи вариантда аҳолининг ўсиш суръати аста - секин пасайиб бориш хусусиятига эга бўладиган «минимал», иккинчи вариантда ретроспектив даврдага аҳолининг ўртача йиллик кўпайиш суръати (1,6%) сақланиб қолинади, яъни «оптимал», ва учинчи вариантда «максимал» (1,9 %) факат аҳоли табиий кўпайиши ҳисобига аҳоли сони ортиб бориши кўзда тутилди.

Экстраполяция методидан фойдаланиб, аҳоли сони келажак ўзгаришларини кўрсатиб бориш анъанавий давом этиб келмоқца. Одатда, бу методдан келажақда бирон-бир жиддий ташқи

ўзгаришлар рўй бермаслигига тўлиқ ишонч хосил килган ҳолда кўллаш мумкин. Жумладан, бундай ўзгаришлар, масалан, кўп болалик оиласардан, кам болалик оиласарга бирдан ўтиш ҳодисасида ишончлилик эҳтимоли пасаяди. Бирок демографик кўрсаткичлардаги ўзгаришлар барқарор давом этаётган ҳолатда экстраполяция методи унча узоқ бўлмаган давр учун аниқ натижаларни беради⁹.

1-жадвалда, республика вилоятлари аҳоли сони экстраполяция методи асосида прогноз қилинганда, 2025 йилга бориб аҳоли ўртacha йиллик кўпайиш суръати бироз пасайиши кузатилди.

Учта вариант ҳисоб-китоблари аҳоли сонига миграциянинг умуман таъсири бўлмаган ҳолда асосан табиий кўпайиш ҳисобига жадаллик билан ортиб бориши (максимал), ретроспектив даврдаги аҳоли ўсиш суръати аста-секин пасайиб борганда эса секинлик билан кўпайишини кўрсатди.

Мамлакат аҳолиси сони прогаозида оптимум ва минимум вариант деярли бир-бирига яқин, максимум вариантда аҳоли тез ўсиб боради. Максимум вариантдаги ўсиш катгалиги яқин келажакда туғилишнинг ортиши рўй беришидан далолат бермайди, чунки республикада 1980-1995 йиллар оралигига туғилиш кўрсаткичи интенсив юқори бўлган давр ҳисобланади. Ушбу даврда туғилганлар прогноз йиллари репродуктив ёшда бўлишади ва аҳоли такрор барпо бўлиш жараёнида бевосита иштирок эта бошлайди. Қолаверса, мамлакатдаги қулай ижтимоий-демографик вазият, соғлиқни сақлаш тизимидағи ижобий ўзгаришлар, ўлим даражаси пастлига аҳолининг тўлиқ репродуктив ёшга етиб келишини таъминламоқца.

Демак, аҳоли сони табиий кўпайиш асосида мунтазам равишда ортиб боради, бироқ аҳолининг йиллик ўсишида бироз секинлашиш жараёни рўй бериши кутилади. Бинобарин, республика миқёсида 2009 йилдан аҳоли репродуктив фаолиятини согломлаштириш ва соғлом оиласи шакллантириш борасида маҳсус

⁹ Бутов В.И. Демография. Учебное пособие.-М: ИКЦ. Март, 2005.-С.425-426

тадбирлар уюштирилиб, оилавий поликлиникаларда штаблар ташкил этилди. Бу эса туғилиш ва ўлим жараёнлари кўрсаткичларининг янада қисқариши, аҳоли ўсиш суръати пасайишини тезлаштиради. Оқибатда, илмий прогнознинг аниқлилиги, ишончлилиги бироз сусаяди.

Аҳоли мутлақ сонидаги ўзгаришлар вилоятлар бўйича турлича хусусиятга эга. Айниқса, ўртача табиий кўпайиш кўрсаткичига асосланган учинчи вариантда аҳоли сони бирмунча тезлик билан ўсиб боради. Бу ўринда вилоятлар ахолисида ҳамон туғилаётган фарзандлар сони 3-4 та ҳатто 5 тага етиши, ўлимнинг пастлиги, миллий таркиб ва доимий миграцияда аҳолининг кам иштироки прогноз йиллар оралигига аҳоли сони 1,1-1,2 марта га ортишида ифодаланади. Масалан, 3- вариантда республика аҳоли сони 2015 йилда 30652,2 минг, 2020 йилда 33259,2 минг, 2025 йилда 35866,3 минг кишига етиши кутилмокда. Аҳолининг нисбатан кам миқдорда ортиши 1-вариантга хос бўлиб, бунда худди шу йилларда аҳоли сони 30220,9; 32412,1 ва 33982,8 минг кишидан иборат бўлади.

Барча йилларда вилоятлар аҳоли сонида кўпайиш хусусияти хос бўлиб, айниқса, учинчи вариантда 2025 йилга бориб Андижон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари ахолиси сони 3 миллион ва ундан кўпни ташкил этади. Иккинчи вариантда эса Андижон, Самарқанд, Фарғона, Наманганд ҳамон Қашқадарё вилоятлари ахолисида худди шундай ҳолат рўй беради.

Республикада аҳоли сонининг кўпайиб бориши 2009-2025 йилларда зичликнинг 1,2 баробарга ортишига олиб келади. Аҳоли зичлиги минумим, яъни 1-вариант аҳоли сонига асосланган ҳолда прогноз қилинди. Сабаби, 1 -вариантда аҳоли ўсиш суръатлари пасайиб бориш хусусиятига эга бўлади. Айнан шу вариантда 2009-2025 йилларда аҳолининг ўртача йиллик кўпайиш суръати 1,25 % ни, 2015-2025 йилда 1,10 % ни ташкил этади. Иккинчи вариантда 2015-2025 йилларда аҳоли ўртача йиллик кўпайиш суръати 1,5 % ни, учинчи вариантда 1,45 % га тенг бўлади.

Аҳоли ўртача йиллик қўпайиш суръатларининг ортиши Р.Убайдуллаева ва О.Ата-Мирзаев томонидан амалга оширилган прогноз ишларида ҳам кузатилади. Унда « катор омиллар хисобига аҳоли сони ўсишининг ўртача йиллик суръатлари ошади ва 2015-2025 йилларда 1,3 % ни ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон аҳоли сони 2025 йилда 34,7 млн. кишига етади»1, деб баҳоланади. Ҳақиқатда ҳам мамлакат аҳолиси ўзиш суръатлари йилдан-йилга пасайиб бормоқда, бу эса прогаоз билан ҳақиқий рақам ўртасидаги фарқни кам бўлишини таъминлади.

Прогноз натижаларига кўра, аҳоли зичлигининг келгуси ўзгаришлари бўйича вилоятларни учта гуруҳга ажратиш мумкин:

1) аҳоли зичлиги 2009-2025 йилларда 1,3-1,4 мартаға қўпаядиган худудлар (Жиззах, Наманган, Хоразм, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари);

2) аҳоли зичлиги худди шу даврда 1,2 баробарга ортиши кутилаётган вилоятлар (Андижон, Бухоро, Фаргона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси);

3) ижтимоий-иктисодий алоқалари нисбатан юқори, аҳоли ижтимоий-демографик таркиби хусусиятлари турлича аҳоли зичлиги катта, аммо паст суръатда (1,0-1,1) мартаға ўсаётган минтақалар (Тошкент шаҳри, Сирдарё, Навоий ва Тошкент вилояти).

Демографик жараёнларининг ижтимоий-иктисодий муаммолари бевосита аҳоли сони ва унинг таркиби билан боғлиқ бўлади. Демографик вазият ва демографик жараёнлар давлатларнинг олиб бораётган сиёсатлари ҳамда иктисодий инқизозлар, табиий талофатлар, касалликлар, эпидемиялар пайдо бўлиши ва тарқалиши асосида ўзгариб боради. Демографик жараёнлардаги ўзгаришлар эса худуд, минтақа, мамлакат аҳолиси сони, таркиби динамикаси, жойлашиши ва унинг келажак истиқболини белгилаб беради.

	Аҳоли сони (2009 й)	2015 йил				2020 йил				2025 йил			
		I	II	III	IV	I	II	III	IV	I	II	III	IV
Ўзбекистон Республикаси	27533,4	30220,9	30280,5	30 652,2	29679	32 412,1	32 806,6	33 259,2	31759	33 982,8	35 570,5	35 866,3	
Қораклийнисток Республикаси	1615,7	1 752,8	1 756,3	1 798,8	1692	1 860,5	1 882,7	1 951,9	1765	1 936,1	2 018,2	2 104,9	
Вилоятлар:													
Андижон	2499,9	2 770,1	2 774,1	2 806,4	2703	2 998,9	3 025,5	3 062,7	2896	3 198,9	3 299,7	3 319,0	
Бухоро	1588,8	1 744,1	1 747,6	1 750,2	1699	1 869,7	1 891,9	1 885,1	1794	1 965,0	2 048,2	2 020,0	
Жиззах	1098,3	1 224,2	1 226,0	1 237,7	1179	1 331,8	1 343,7	1 354,3	1264	1 413,7	1 472,6	1 470,9	
Навоий	839,3	899,8	901,6	924,1	870	945,7	957,0	994,9	904	969,6	1 015,8	1 065,7	
Наманган	2217,2	2 492,0	2 496,9	2 493,2	2393	2 724,5	2 756,8	2 724,0	2569	2 906,3	3 043,7	2 954,7	
Самарқанд	3061,1	3 380,8	3 387,5	3 450,3	3349	3 642,1	3 685,4	3 775,3	3619	3 846,8	4 009,4	4 100,4	
Сирдарё	703,4	752,2	753,4	786,6	732	790,6	797,7	856,2	760	810,6	844,6	925,7	
Сурхондарё	2033,8	2 301,5	2 331,1	2 300,9	2245	2 418,9	2 611,8	2 524,2	2454	2 481,2	2 956,3	2 747,5	
Тошкент	2552,6	2 688,2	2 693,6	2 799,3	2698	2 783,7	2 817,0	3 005,5	2831	2 811,6	2 946,1	3 211,7	
Фарғона	3022,1	3 317,5	3 324,1	3 342,2	3251	3 556,4	3 598,7	3 609,7	3458	3 700,9	3 895,9	3 877,2	
Хоразм	1530,8	1 720,5	1 723,9	1 708,1	1636	1 881,1	1 903,4	1 856,3	1761	2 006,6	2 101,5	2 004,5	
Кашкадарё	2563,6	2 929,7	2 938,4	2 897,0	2863	3 284,7	3 292,2	3 175,9	3145	3 501,9	3 688,6	3 454,7	
Тошкент шаҳри	2206,3	2 247,3	2 226,2	2 357,3	2348	2 373,7	2 243,0	2 483,4	2539	2 433,6	2 259,9	2 609,4	

Изодж - *IV-бариант «Прогнозная оценка численности населения Республики Узбекистан на период до 2020 года. Центр социального-экономических исследований». - Т., 2007, приложение 2. Жаддат муаллифлар толонидин ҳисоблашиб чиқалган.

Шу боисдан ҳар бир худуд, туман ижтимоий-иктисодий ва демографик ривожланишига талуқли масалаларни кўрсатиб бериш, улар келажагани белгилашда илмий амалий ахмиятга эга башоратлар ишлаб чиқариш зарурати пайдо бўлади.

Аҳоли ҳаракатини график усулда тасвирлашнинг энг кенг тарқалган усусларидан бири, **демографик сетка ҳисобланади**. У XIX асрнинг охирги чорагида яратилган вакти бўйича график таҳлилнинг **номонография деб номланган** ёши йўналиши фаол ривожланган даврга тўғри келади.

Номонографик – грекча сўз бўлиб, («помос» - қонун, «графіо» - ёритиш) «қонунни ёритиш» деган маънони беради. Номонографиялар чизма кенглигини алоҳида бўлимларга бўлиб юборадиган кўп чизиклар йигиндисидан иборат.

Ҳар бир бўлимда ўрганилаётган воеа қандайдир махсус шароитларда мавжуд бўлади ёхуд чизма белгининг ўзгариш қонунияти, унинг катталигини белгилари уларнинг ўзгаришига боғлиқ эканини тавсифлайди. Номонографияларнинг пайдо бўлиши мураккаб ҳисоб-китобларни оддий график қурилмалар билан алмаштириш заруриятидан келиб чиқади. «Аҳоли статистикаси» биринчилардан бўлиб, номонографикларнинг қимматли хусусиятларини – ўрганилаётган ўзгарувчи миқдорлар орасидаги боғланишни яққол кўрсатиб бериш хусусиятидан фойдаланади. В. Лексис демографик чизмаларнинг асосий устунликларини кўрсатиб, шундай деган эди: «Уларнинг асосий устунлиги – алоҳида ҳолатларнинг маълум гурухларини маълум тўпламларга йиғиш имкониятини беради».

Агар биз демографик сеткада M , N , t нуқталарини аниqlasak, унда улар 1 июлда 1949 йилда туғилган инсон (M), 6,5 ёшга кирган (MN) ва 1966 йил 1 январда ўлган. Бунда вертикал чизиқ MN нуқтаси t – ўқида ўз ҳаётини бошлаган, унинг туғилган моментига тўғри келган ва MN чизигининг tenglamасида ўз ҳаётини тутгатган кишининг ҳаётини акс эттиради. Вертикал MN чизиги ҳаёт чизиги деб аталади. Чизикнинг юқори нуқталари ўлим нуқталари (T) деб аталади. Горизантал чизикларнинг ҳаёт чизикларда акс этган

нүкталар кишининг ёшини белгилайди ва ёш чизиги деб аталади. Демографик сеткада вертикал ва горизонтал чизиқлардан ташқари кийшиқ чизиқлар ҳам акс эттирилиб, уларни изохронлар деб номланади.

9.2. Демографик ривожланишни прогнозлаш

Прогноз - бу объектни ривожлантириш истиқболини белгилаб берадиган маҳсус илмий тадқиқотлардир.

Прогнозлаш нима бўлиши мумкинлигини кўрсатиб беради; режалаштириш - бўлиши шарт деган маънони билдиради.

Прогнозлаш соҳалари жуда кенг: географик, геологик, экологик, иқтисодий, социал, ташқи-сиёсий, юридик ва ҳ.к.

Демографик прогнозлар меҳнат бозори, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, ижтимоий маданий-маиший муасссалар турини вужудга келтириш каби истиқболли режаларни амалга оширишнинг замини асоси бўлиб хизмат қиласи.

Қолаверса иқтисодиёт тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантиршда демографик сифимнинг ортиши билан боғлиқ ижтимоий-экологик, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг олдини олишда унинг ахамияти янада ошади.

Ахолининг демографик таркиби динамикаси демографик жараёнларнинг манбаи бўлиб хизмат қиласи. Бунда айниқса ахолининг ёш таркиби мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Ривожланган давлатларнинг демографик вазияти танг холда бўлсада, ишлаб чиқариш ва интелектуал салоҳиятининг юкорилигида ривожланаётган иқтисодий начор мамлакатлардан кўчиб келган ёшларнинг ҳам маълум даражада ҳиссаси мавжуд.

Ахолининг микдорий ўзгариши жойлашиши, аҳоли сонининг қайта тикланиши ва механик ҳаракати уларга таъсир қиласидан ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида ўзгариб боради. Ахолининг динамикаси, таркиби, жойланиши, кўчишида рўй берадиган ҳодиса ва жараёнлардагиқонуниятлар ижтимоий,

иктисодий, биологик географик, омиллар сабаблар ва шароитлардан келиб чиқиб таҳлил қилинади., бунда асосий демографик жараёнларнинг холати туғилиш, ўлим ва миграцияорвали ифодаланади.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш ва иқтисодиётни модернизациялаш даврида республика аҳолиси демографик ривожланиши қатор махаллий ва глобал ахамиятга эга муаммолардан холи бўлмади. Бунда айниқса, аҳоли кўпайиши ва жойлашишида ижтимоий экологик муаммолар, уларнинг худудий жиҳатлари кўпроқ ўрин тутса, демографик вазиятнинг ўзгаришида ижтимоий-иктисодий муаммоларнинг таъсири сезиларлидир.

Прогнозлаш - иқтисодиётнинг барча бўғинларини режалаштиришнинг муҳим элементларидан бири бўлиб, у ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг микдор ва сифат қонуниятларини аниқлаш, жараёнларнинг келажакда ташкил топишини, улар эволюциясида юз бериши мумкин бўлган суримишларни аниқлаш имконини беради. Узоқ муддатли режа тузишда башоратлаш муҳим роль ўйнайди. Умумий башоратлаш тизимида аҳоли сони ва таркибини башоратлаш муҳим ўрин тутади, чунки у жамиятнинг меҳнат ресурслар қонуни ва унинг истеъмол ҳажмини аниқлаш имконини беради.

Иқтисодиётни ривожлантириш режаси билан аҳолини башоратлашни биргаликда олиб бориш лозим. Режалаштириш учун аҳолининг умумий сонини эмас, балки унинг жинси, ёши ва бошқа қўрсаткичлар бўйича ҳам башоратлаш (миллати, маълумоти ва бошқа) лозим бўлади.

Амал қилиш муддати бўйича аҳолининг башоратлаш уч хил: кисқа муддатли (1-5 йилга), ўрта муддатли (5-25 йилга) ва узоқ муддатли (25 йилдан юкори) бўлади.

Кўлланиладиган усуллар аҳолини башоратлаш турларини аниқлаш имконини беради:

- фойдаланиладиган математик функция хиллари бўйича;
- аҳоли такрор пайдо бўлишининг демографик моделлари бўйича;

- динамиканинг статистик тавсифлари бўйича;
- ёшларни суриш усууллари бўйича.

Умуман, кўп ҳолларда башоратлашнинг ҳар хил усул ва йўлларини биргаликда қўллашга тўғри келади. Аҳолини башоратлашда замонавий ва келажакда бўлиши мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган демографик сиёsatни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Аҳоли сонини биринчи марта башоратлаш тури мамлакатларда аҳолининг икки марта кўпайиш даврини аниқлашга қаратилган. Инглиз Д. Граунт, «Лондонда ўлимни кузатиш» асарининг муаллифи, XVIIаср бошида Англия аҳолисининг икки марта кўпайиш даврини ҳисоблаб, уни 280 йил эканини айтган. Статистика асосичиларидан бири В.Петти Англия аҳолисининг камроқ ўсишини назарда тутиб, бу даврни 360 йил деб атаган. У бошка мамлакатларда аҳолининг икки марта кўпайиш даври Англиядагидан анча фарқланишини айтган.

1891 йилда Америка астрономи Г.Притчетти АҚШ аҳолиси сонини аввалдан аниқлаш мақсадида учинчи тартибли параболадан фойдаланишни таклиф этди. Шу қийшикли чизик асосида 1790-1880 йиллардаги аҳоли сонини силликлаш натижалари амалдаги маълумотлар билан мос келган. Учинчи тартибли парабола асосидаги 1880 йил башорати маълумотлари амалдагиси билан энг кўп (55 минг) фарқ қилган. АҚШ аҳолиси шу нисбатда ортиб боради деб, Притчетти аҳоли сонини 1000 йил аввал ҳисоб-китоб қилган. Аммо вакт ўтган сари, амалдаги сон билан башоратдаги сонлар фарқи ортиб борди. Маълум бўлишича, аввалари аҳоли ўсишини тасвирлаш учун яроқли бўлган парабола башоратлаш учун яроқсиз экан.

Аввало иқтисодий тизимни ривожланишини мақсади аниқланади. Қуйидаги мақсадга келажакда бўлиши мумкин ҳолатлари ўрганилиб прогноз қилинади. Энг самарали танланган ривожланиш варианлари, комплекс дастурларни тузилишига информацион база сифатида қўлланиб, прогноз қилинган ҳолатга

тизим эришиш учун, қандай тадбирлар амалга оширилиши кераклигини дастур кўринишида тузиб олинади.

Башоратлаш аввало, режаларнинг илмий асосланганлигини ошириш учун тараққиёт мақсадларидан бирига эришишга каратилган конкрет режа ёки комплекс дастурни текшириш асоси тарзида қаралади. Ишнинг бу босқичи режа ечимларининг, шунингдек иқтисодий тадбирлар тизимини ўтказиш муддатларининг изчиллигини танлаш ва асослаш имконини беради.

Прогнозлаштириш масштабига кўра макроиктисодий ва микроиктисодий прогнозларга ажратилади.

Тузилиш интервали бўйича оператив, қисқа муддатли ва узок муддатли бўлиши мумкин. Қисқа муддатли прогнозда факат миқдорий ўзгаришлар эътиборга олинади. Узок муддатли прогноз ҳам миқдорий, ҳам сифат ўзгаришларга асосланган бўлиб, ўз ўрнида ўрта муддатли ва узок муддатли бўлиши мумкин.

Прогнозлаш йўналишларига кўра изланишли ва норматив бўлиши мумкин. Изланишли башорат – агар ҳозирги тенденциялар сақланиб қолса иқтисодий тизим қандай ривожланади?, деган саволга жавоб беради. Бошқа сўз билан айтганда тизимга таъсир этувчи омиллар ўзгармаса, у қандай холатга келиши мумкин?

Норматив прогноз бўлажак мақсадларга эришиш учун тизимни ривожланиш йўналишларини ва муддатларини аниқлайди (белгилайди). Мақсад килинган ҳолатга тизим эришиш учун, таъсир этувчи омилларга қандай ўзгаришлар киритиш зарур? Бошқа сўз билан айтганда қандай қилиб мақсадга эришиш мумкин?

9.3. Ўзбекистонда демографик жараёнларнинг ривожланиши

Ўзбекистон аҳолисининг такрор барпо бўлиши, бир тиндан иккинчи тинга ўтиши турли ижтимоий-иктисодий, ижтимоий-демографик омиллар таъсирида рўй бермоқда. Демографик жараёнларнинг бугунги холати, яхши келажак истиқболда аҳоли такрор барпо бўлиши яна бир бора ўтиш даврини бошидан

ўтказиши эхтимолини яққол кўрсатади. Бу эса мамлакат ахолисини маълум муддатли ва бир неча вариантли прогноз килиш заруратини келтириб чиқаради.

Аҳоли сони фақат сабаб ва омиллар таъсирида ўзгарадиган демографик жараёнлардан ташқари, маълум бир вақтлардаги холати, миқдори ва унинг вақти билан демографик тўлқин бўлиб қайтиш ҳодисаси каби жиҳатларига хам бевосита боғлиқ. Шу сабабли ушбу ишда мамлакат ахолиси демографик башоратнинг амалий ахамиятини янада ошириш мақсадида ахолининг демографик истиқболи математик экстраполяция ва аҳоли ёшини “силжитиш” методлари асосида ўрта муддатга мўлжаллатиб, бир неча вариантли прогноз ишлари бажарилмоқда.

$$Y = f(t)$$

бу ерда Y – Ўзбекистон Республикаси ахолиси сони
 t - вакт.

Башоратлаш жараёни обьектни таҳлилидан бошланади. Бу таҳлил обьектни танлаш, пронозлаш мақсадида обьектга таъсир этувчи омилларни ўрганиш, унинг таркиби, бошқариш усусларни ўрганишдан иборат. Иқтисодий тизим жуда катта ва мураккаб бўлгани учун уни ўрганишда тизимли таҳлил усули қўлланади.

Бу усульнини асосий тамойиллари кўйидагича:

1. Мураккаб тизим жуда кўп элементлардан иборат. Бу элементлар бир-бiri билан боғланган бўлиб, мураккаб структурани ташкил этади.
2. Мураккаб тизим яхлитлик хусусиятига эга. Бундай тизимлар ҳар доим мақсадга интилган бўлади, самарали ҳолатга эришишга ҳаракат қиласди.
3. Тизим кириш ва чиқиш йўллари орқали ташки мухит билан боғланган.
4. Ҳар бир мураккаб тизимни элементларга бўлиш мумкин. Масалан: Халқ хўжаликни элементлари бу тармоқлар, корхоналар элементлари - бўлимлар ва ҳ.к. Тизимни элементлари иерархия принципларига бўйсунади.
5. Мураккаб ва катта тизимларни тўлиқ тасвирлаш, изоҳлаш

жуда қийин, шунинг учун уларни бошқаришда, пронозлашда маълум бир эҳтимоллик назарда тутилади.

Илмий тадқиқотларда кенг таркалган эконометрик тенгламалар - бу ишлаб чиқариш функциясиdir. Ишлаб чиқариш функцияларини қурищдан мақсад - ишлаб чиқариш жараёнини натижаларига омилларнинг таъсири даражаси ва характеристикаларини аниқлаш, миқдорий баҳолашдир.

Ишлаб чиқариш функциялар бўйича прогнозлаш учун кетма-кет бир нечта босқичлардан ўтиш лозим:

1. Берилган маълумотлар асосида корреляцион таҳлил ўтказилиди:
 - а) хусусий корреляция коэффициентлар матрицаси хисобланади;
 - б) жуфт корреляция коэффициентлари матрицаси хисобланади.
 2. Корреляцион таҳлил натижасида танланган омиллар асосида регрессия тенгламаси қурилади;
 3. Қурилган тенглама қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади:
 - а) Фишер мезони;
 - б) Стьюодент мезони;
 - в) Дарбин-Уотсон мезони;
 - г) Кўплик корреляция коэффициенти;
 - д) Детерминация коэффициенти;
 - е) аппроксимация хатолиги.
 4. Қурилган тенглама мезонларга мос келса, кейин асосий қўрсаткич тенглама асосида прогноз даври ҳисобланади.
 5. Ишлаб чиқариш функциясини асосий хусусиятлари қуйидагилар ҳисобланади:
 - а) ўртача унумдорлик омиллари;
 - б) чегаравий унумдорлик омиллари;
 - в) ресурслар бўйича эластиклик коэффициентлари;
 - г) ресурсларга талаб;
 - д) ресурсларни алмаштириш чегаралари.
- Социологияда эконометрик тенгламалар тизими уч хилга

бўлинади:

а) тизимга бир-бири билан боғланмаган тенгламалар киради. Ҳар бири алоҳида ечилиб, умумий иқтисодий-математик моделни бир кисми бўлиб колади;

б) тизимга бир-бири билан боғланган статистик хусусиятга эга бўлган тенгламалар киради. Масалан, ишлаб чиқарилган маҳсулотга бир нечта омиллар, яъни ишчилар сони ва асосий фондлар ўз таъсир кучини кўрсатадилар. Ўз навбатида, ишчилар сони ахоли сони билан ва асосий фондлар миқдори капитал кўйилмалар билан боғланган. Бунинг натижасида эконометрик тенгламалар тизими қуидаги кўринишда ёзилиши мумкин:

$$Y=f(OPF, PPP, L, KK)$$

бу ерда Y - асосий социологик кўрсаткич, PPP - ишчилар сони, OPF - асосий фондлар ҳажми, L - ахоли сони, KK - капитал кўйилмалар.

в) тизимга динамик хусусиятга эга бўлган тенгламалар киради. Бу тизимга кирадиган тенгламалар фақатгина ҳар бири вақт даврида боғланиши борлигини аникламасдан, илгари бўлган омиллараро боғланишини борлигини ҳам таҳлил қилиш мумкин ($t-1$).

Иқтисодий ўсишни натижавий кўрсаткичи - бу миллий даромадни динамикаси. Ишлаб чиқариш жараёнига ва иқтисодий ўсишга ўз таъсирини кўрсатадиган асосий омилларга ишчилар сони, ишлаб чиқариш фондлари, табиат ресурслари киради. Яратилган миллий даромад ёки пировард маҳсулот истеъмол фонди ва жамғариш фондидан иборат. Улар ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнда фойдаланадиган ресурслардан учун ишлатиладилар. Иқтисодий ўсишни моделини макроиктисодий жараёнда қуидагича ифодалаш мумкин.

$$Y=f(X_1, X_2, X_3),$$

бу ерда Y - миллий даромад ёки пировард маҳсулот;

X_1, X_2, X_3 - ишчилар ресурслари, ишлаб чиқариш фондлар, табиий хомашёлар.

Назорат учун саволлар

1. Демографик жараёнларни ривожланиш гипотезаларини прогноз қилишдаги аҳамияти.
2. Аҳолини башоратлашнинг моҳияти нимада?
3. Аҳолини башоратлашнинг қандай усуллари мавжуд?
4. Демографик ҳолат деганда нимани тушунасиз?
5. Аҳолини башоратлаганды қандай гипотезаларни қўллаш мумкин?
6. Прогнозларда йўл қўйиладиган камчиликлар таҳлили.
7. Демографик сиёsat моҳияти ва аҳамияти.
8. Прогнозлаш усулининг анъанавий усуллардан фарқли томонлари нимада?
9. Прогнозлар муддати бўйича неча турга бўлинади?
10. Прогностика деганда нимани тушунасиз?
11. Миллий иқтисодиёт ривожланишининг кўпвариантли прогнозлари қандай амалга оширилади?
12. Прогнозлашнинг эвристик усулларидан қайси бирини биласиз?
13. Прогнозлаш ва прогнозлаш функцияларини тушунтириб беринг?
14. Прогноз объектигининг тизимли таҳлили нима?
15. Прогноз классификациялари қандай амалга оширилади?
16. Иқтисодий кўрсаткичларни прогнозлашда қўлланиладиган қандай компьютер дастурларини биласиз?
17. Прогнознинг ахборот таъминоти қандай ташкил этилади?

10.боб.

СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА КҮП ЎЛЧАМЛИ ТАХЛИЛ УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

10.1. Омилли тахлил ҳақида умумий маълумотлар.

10.2. Омилли тахлилни социологияда қўлланилиши.

10.1. Омилли тахлил ҳақида умумий маълумотлар

Корхонанинг хўжалик фаолиятини ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичларни тахлил қилиш учун пировард омилли модел тузиш ёки моделлаштириш формал ҳамда эвристик йўл билан, ушбу натижавий кўрсаткичда ифодаланган иқтисодий ҳодисани моҳиятини сифатли тахлил қилиш асосида амалга оширилиш. Омилли модел моделлаштириш омилли тизим элементлари бўлган омилларни танлашда қуйидаги иқтисодий мезонларга асосланади: сабаблилиги, етарлича ўзига хослиги, мустақил мавжудлиги, хисоб-китоб имкониятлари. Умуман олганда омилли тизимга киритилган омиллар миқдорий ўлчанадиган бўлиши керак.

Омилли тизимларни детерминаллашган моделлаштиришда хўжалик фаолияти тахлил қилишда кўплаб учрайдиган, катта бўлмаган пировард омиллар моделини ажратиш мумкин:

1) аддитив моделлар

$$y = \sum_{i=1}^n x_i = x_1 + x_2 + \dots + x_n;$$

2) мультипликатив моделлар

$$y = \prod_{i=1}^n x_i = x_1 x_2 \dots x_n;$$

3) каррали (нисбатли) моделлар

$$y = \frac{x_1}{x_2}; \dots; y = \frac{\sum_{i=1}^n x_i}{x_{i+1}}; \dots; y = \frac{x_1}{\sum_{i=1}^n x_i}; \dots; y = \frac{\sum_{i=1}^n x_i}{\sum_{i=1}^m x_i};$$

бунда y – натижавий кўрсаткич (дастлабки омилли тизим); x_i – омиллар (омилли кўрсаткичлар).

Детерминаллашган омилли тизимларда қўлланадиган асосий моделлаштириш усууллари қуидагиларга фарқланади:

1. Омилли модел узайтириш усули. Дастребки омилли тизим

$y = \frac{a_1}{a_2}$ берилган бўлсин. Агарда a_1 – алоҳида қўшилувчи омиллар кўринишида ифодаланса $a_1 = a_{11} + a_{12} + \dots + a_{1m}$, унда $y = \frac{a_{11}}{a_2} + \frac{a_{12}}{a_2} + \dots + \frac{a_{1m}}{a_2}$, яъни $y = \sum_{i=1}^n a_i$ кўринишидаги прировард омилли тизим ҳосил бўлади.

2. Омилли моделни кенгайтириш усули. Дастребки омилли тизим $y = \frac{a_1}{a_2}$ бўлсин. Агарда касрни сурат ва маҳражини бир сонга кўпайтириш билан кенгайтирилса, унда янги омилли тизим ҳосил бўлади ва

$$y = \frac{a_1 b c d e}{a_2 b c d e} = \frac{a_1}{b} \cdot \frac{b}{c} \cdot \frac{c}{d} \cdot \frac{d}{e} \cdot \frac{e}{a_2}, \dots, y = \sum_{i=1}^n x_i$$

кўринишидаги янги мультиплектив модел келиб чиқади.

3. Омилли моделни қисқартириш усули. Агарда касрни сурат ва маҳражини бир хилдаги сонга бўлинса, унда янги омилли тизим ҳосил бўлади (бунда, табиийки, омилларни ажратиш қоидаси бажарилиши шарт).

$$y = \frac{\frac{a_1}{b}}{\frac{a_2}{b}} = \frac{a_{11}}{a_{12}},$$

бу ҳолда прировард омилли тизим $y = \frac{x_1}{x_2}$ кўринишида бўлади.

Шундай қилиб, ўрганилаётган хўжалик фаолияти кўрсаткичини даражасини мураккаб шаклланиш жараёни турли усууллар билан уни ташкил қилувчиларга (омилларга) ажратилиши ва детерминаллашган омилли тизим кўринишига келтирилиши мумкин.

Масалан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми учун қуидаги детерминаллашган омилли тизимлардан фойдаланиш мумкин:

Статикада (а)

$$1a. y = x_1x_2$$

$$2a. y = x_1x_3x_4$$

$$3a. y = x_1x_3x_5x_6x_7$$

бунда y – маҳсулот ҳажми;

x_1 – ишчилар сони;

x_2 – таҳлил даврида ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги;

x_3 – ишлаётганлар таркибида ишчилар улуши;

x_4 – таҳлил даврида бир ишчининг меҳнат унумдорлиги;

x_5 – иш кунларидан фойдаланиш коэффициенти;

x_6 – ишчи соатларидан фойдаланиш коэффициенти;

x_7 – маҳсулот ҳажмини ўзгаришининг умумий коэффициенти.

Келтирилган 1-3 моделлар омилларнинг маҳсулот ҳажмини умумлаштирувчи кўрсаткичи сифатида ўзгаришига таъсирини кетма-кет деталлаштирилган жараённи ифодалайди. Худди шунингдек, моделлар хўжалик фаолиятининг бошқа кўрсаткичлари учун ҳам тузилиши мумкин.

Омилли модел детерминаллашган моделлаштириш асосида иқтисодий кўрсаткичларни дастлабки формуласини уни бошқа кўрсаткичлар билан назарий тахмин қилинаётган тўғри алоқаларни ўзгармаган ҳолда қайта куриш имконияти борлиги ётади. Омилли модел детерминаллашган моделлаштириш – бу иқтисодий кўрсаткичларнинг боғланишларини шакллантиришнинг содда ва самарали воситасидир; у алоҳида омилларнинг умумлашган кўрсаткични ўзгариш динамикасидаги ролини (ўрнини) миқдорий баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Омилли тизимларни детерминаллашган моделлаштириш тўғри алоқалар кенглиги узунлиги билан чекланган. Хўжалик фаолиятининг у ёки бу кўрсаткичини тўғри алоқалари табиати ҳақида билим етарлича бўлмаганида объектив ҳақиқатни билиш учун кўрсаткичларнинг миқдорий ўзгариш кенглигини факат оммавий эмпирик маълумотларни стохастик таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин.

Динамикада (б)

$$1б. I_y = i_1i_2$$

$$2б. I_y = i_1i_3i_4$$

$$3б. I_y = i_1i_3i_5i_6i_7$$

Регрессион моделлар ёрдамида олдиндан айтишда күйидаги вазиятлардан бири юзага келади. Регрессион моделнинг омил белгилари олдиндан тегишли назариялар ёки бошқа манбалардан аниқланган бўлади.

Омил белгилари олдиндан аниқланмаган, аммо олдиндан айтилаётган жараёнлар агрегациясининг даражаси ва улар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаларининг мавжудлиги регрессион моделлар аппаратидан фойдаланишни назарда тутади.

Энди мумкин бўлган икки вариантни назарда тутувчи олдиндан айтишнинг кўп омилли регрессион модели бўйича ҳисоблар изчиллигини қўриб чиқамиз.

1. Кўп омилли регрессион моделни тузишда биринчи навбатда ўрганилаётган ўзаро алоқаларнинг сифат томонлари таҳлил қилиниши лозим. Бунинг учун маълум назарияга эга бўлиш керак, чунки олинган натижалар шу назария асосида тушунтирилади ва интерпретация қилинади.

Иш гипотезаси асосида моделга қанча ва қайси омиллар киритилиши, функционал алоқанинг мумкин бўлган тури қандайлиги, моделнинг динамик ёки статистикилиги ҳақидаги масала ҳал қилинади.

2. Бу жараёнда регрессия тенгламасида омил белгилари аниқланган ёки аниқланмаганлигига кўра шартли ўтишни амалга оширади.

Экстрополяция усули прогнозлашни одатда бир ўлчамли вақтли қатори асосида амалга оширади. Маълумки бир ўлчамли вақтли қаторларни моделлап усуллари иктисадий кўрсаткичларнинг динамик қаторларга асосланган бўлиб кўйидаги турт таркибий кисмлардан ташкил топгандир:

1) таҳлил қилинадиган жараённинг узок даврда ривожланиш конуниятлари йўналиши тенденцияси,

2) таҳлил қилинадиган жараёнда айрим ҳолларда учрайдиган мавсумий таркибий кисмлар;

3) даврий таркибий кисмлар;

4) тасодифий омиллар сабаби юзага келадиган тасодифий таркибий қисм.

Ривожланиш йўналиши (тенденцияси) ривожланишининг узок муддатли эволюцияни билдиради. Динамик қаторларнинг ривожланиш йўналиши силлик эгри чизик бўлиб, тренд деб аталувчи вақт функцияси билан ифодаланади. Тренд – тасодифий таъсирлардан ҳоли ҳолда вақт бўйича ҳаракат қонуниятдир. Тренд вақт бўйича регрессия бўлиб, доимий омиллар таъсирида юзага келадиган ривожланишнинг детерминик таркибий қисмидир. Трендлардаги четланишлар тасодифий омиллар сабабли юзага келади. Юқоридагиларга асосланиб вақт қатори функциясини куйидагича берамиз:

$$y_t = f(t) + \varepsilon_t$$

f_t – жараёнларнинг вақт бўйича йўналишининг доимий таркибий қисми;

ε_t – тасодифий таркибий қисми;

Вақтли қаторлар ривожланишида учта йўналиш: ўрта даражалар йўналиши; дисперсия йўналиши; автокорреляция йўналиши мавжуддир.

Ўрта даражада йўналиши f_t кўринишда функция бўлади. Дисперсия йўналиши - вақтли қаторларнинг эмпирик кийматларининг тренд тенгламалари ёрдамида аникланган кийматларидан четланиш. Автокорреляция йўналиши - вақтли қаторларнинг даражалари ўртасидаги боғлиқликларнинг ўзгариши.

Иқтисодий-ижтимоий жараёнларни моделлашнинг кенг тарқалган усули вақтли қаторларни текислаш усулидир. Текислашган ҳар хил усуllар мавжуд бўлиб, уларнинг энг асосийлари қаторларнинг амалдаги қийматларини ҳисоблаб топилганлари билан алмаштиришdir.

Чизикли трендлар кенг тарқалган бўлиб уларни умумий ҳолда куйидагича ёзамиш:

$$\bar{y}_t = \sum_{\tau=-q}^s a_\tau y_{t+\tau} \quad (1)$$

\bar{y}_t - t даврда тенглама қийматларини текислаш;

a_t - t даврдан масофада турган қаторлар даражасининг вазни;

s - t даврдан сўнг даражалар сони;

q - t давргача бўлган даражалар сони.

a_t вазн қабул қиладиган қийматларга караб (1) формула бўйича текислаш ўзгарувчи ўрта қиймат ёки экспоненциал ўрта қиймат ёрдамида амалга оширилади.

Текислаш жараёни икки босқичда амалга оширилади: эгри чизик тўрини танлаш, унинг параметрларини баҳолаш.

Эгри чизиқнинг кўринишини танлашнинг ҳар хил йуллари мавжуд бўлиб, унинг графиги бўйича тенгламалари танлаб олинади.

1) Полиномлар: $\bar{y}_t = a_0 + a_1 t$ - биринчи даражали

$$\bar{y}_t = a_0 + a_1 t + a_2 t^2 \text{ - иккинчи даражали}$$

$$\bar{y}_t = a_0 + a_1 t + a_2 t^2 + a_3 t^3 \text{ - учинчи даражали}$$

$$\bar{y}_t = a_0 + a_1 t + \dots + a_k t^k \text{ - } k\text{-чи даражали}$$

2) ҳар хил экспонентлар :

$$\bar{y}_t = a_0 a_1^t$$

$$\bar{y}_t = a_0 a_1^{b_1 t + b_2 t^2}$$

$\bar{y}_t = b + a_0 a_1^t$ модифицилашган экспонент.

3) мантикий эгри чизиклар:

$$\bar{y}_t = \frac{K}{1 + a_0 e^{-a_1 t}}$$

$$\bar{y}_t = \frac{K}{1 + 10^{a_0 + a_1 t}}$$

, Бу ерда e - натурал логарифм асоси

4) Гомперц эгри чизиги:

$$\bar{y}_t = k a_0^{a_1^t}$$

Эгри чизиқли аниқлашнинг бошқа йули биринчи, иккинчи ва х.к. даражалар айирмасини топишдан иборатдир яъни:

$$\Delta_{t^1} = y_t - y_{t-1}, \quad \Delta_{t^2} = \Delta_{t^1} - \Delta_{t-1}^1, \quad \Delta_{t^3} = \Delta_{t^2} - \Delta_{t-1}^2$$

Бу жараён айирмалар бир-бирига тенглашгунча давом этади.

Кобба-Дуглас функцияси. Ишлаб чиқариш функциясини ўрганишда айрим ишлаб чиқариш омилларининг самарадорлигини баҳолаш, бир хил омилларнинг бошқа омиллар ўрнини босиши, техника тараққиёти каби муаммолар пайдо бўлади (бунда кўп ҳолларда Кобба-Дуглас типдаги икки омилли моделдан фойдаланиш мумкин).

$$y = \gamma K^\alpha L^\beta$$

бунда K - ишлаб чиқариш фондларининг ҳажми;

L - меҳнат сарфлари;

γ, α, β - хисобланадиган параметрлар.

Ишлаб чиқариш функциясидаги омилларнинг самарадорлиги, функциянинг ҳар бир ўзгарувчи бўйича биринчи тартибли ҳосиласи функцияси билан аниқланади. Хусусий ҳосила бошқа омилнинг миқдори ўзгармас бўлса, омил учун кўшимча маҳсулотни ифодалайди. Бинобарин, энг сўнгги самарадорлик ишлаб чиқариш фондлари учун

$$\frac{\partial y}{\partial K} = \gamma \alpha K^{\alpha-1} L^\beta$$

меҳнат учун

$$\frac{\partial y}{\partial L} = \gamma \beta K^\alpha L^{\beta-1}$$

Эйлер теоремасидан фойдаланган ҳолда ялпи маҳсулотни факторлар «улушига» ажратиш мумкин,

$$y = \frac{\partial y}{\partial K} \cdot K + \frac{\partial y}{\partial L} \cdot L$$

α ва β параметрлари асосий ишлаб чиқариш фондлари ва меҳнатга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг эластиклик коэффициенти хисобланади:

$$\alpha = \frac{\partial y}{y} : \frac{\partial K}{K}; \quad \beta = \frac{\partial y}{y} : \frac{\partial L}{L}$$

Ишлаб чиқариш функциясини кўриб чиқишида пайдо бўладиган нисбатдаги муҳим муаммо ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини ишлаб чиқариш кўлами ва унинг концентрациясига боғлиқ ҳолда ўзаришидир. Реал воқеликда бундай бўлиши мумкин ва унинг уч варианти мавжуд. Ишлаб

чиқариш күламлари кенгайиши билан самарадорлик ўсиши, ўзгаришсиз қолиши пасайиши мумкин.

Кобба-Дуглас ишлаб чиқариш функциясида ишлаб чиқариш концентрациясинг таъсири параметрлар жамида акс этади. Параметрлар жами бирга тенг бўлса, бу ҳолда ишлаб чиқариш концентрацияси ишлаб чиқариш хажми бир омилнинг унинг микдорига нисбатан яратилган энг сўнгги самарадорликдан ортиқ бўлишини англатади. Параметрлар жами бирдан кам бўлса, ресурслар ошиши билан ишлаб чиқариш пасайиб борувчи тезликда ўсиб боради.

Омиллар рўйхатини тузиш. Агарда омил белгилари аниқ топилмаган бўлса, омиллар йифиндисини тузиш жараёни гипотезани изчил аниқлаш характеристига эга бўлади. Тахлил қилинаётган муаммо бошланғич ахборотда мукобилроқ акс этиши учун жараённинг моделлаштирилаётган кўрсаткичи билан боғланган энг муҳим тавсифномаларини максимал ҳисобга олиш керак.

Муҳим омилларни кейинги босқичларда танлашни енгиллатиш учун мана шу босқичнинг ўзидаёқ факат мантикий тахлилда жуда муҳим бўлувчи омилларни ажратиб олиш мақсадга мувофиқ. Омилларни танлашда омил тахлили усули самаралироқдир. Масалан, бош компонентлар усули шулар жумласидандир.

Омилларнинг мантикий тахлили. Бу босқичда омиллар микдори ва рўйхати ўрганилаётган ўзаро алоқаларнинг сифат жиҳатлари ҳақидаги мавжуд билимлар асосида мантикий йўл билан аниқланади.

Омилларнинг мантикий тахлили асосида иш гипотезасидаги кейинги аниқлашлар амалга оширилиб, кўрсаткичларга жиддий таъсир кўрсатувчи омиллар ажратиб олинади.

Омилларни баҳолаш. Бу босқичда статистик тавсифномалар кўмагида бошланғич ахборот ўзаро алоқаларини пухта ўлчаш учун кифоя қилиш-қилмаслиги аниқланади.

Бу мақсадда вакт қаторларининг қуйидаги тавсифномалари ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{үртача арифметик } \bar{x} = \frac{\sum x_i}{n}$$

$$\text{дисперсия } \sigma = \sqrt{\frac{\sum (x_i - \bar{x})^2}{n-1}}$$

$$\text{вариация коэффициенти } V = \frac{\sigma * 100\%}{\bar{x}}$$

$$\text{үртача арифметик хато } m = \sigma / \sqrt{n}$$

$$\text{үртача арифметиканинг ишонарлилиги } t = \frac{\bar{x}}{m}$$

$$\text{ассиметрия күрсаткичи } A = \frac{\sum (x_i - \bar{x})^3}{n\sigma^3}$$

$$\text{экспесс күрсаткичи } k = \frac{\sum (x_i - \bar{x})^4}{n\sigma^4}.$$

Вариация коэффициенти қаторнинг бир турдалилиги ва барқарорлигини баҳолаш имконини беради. Агарда у юкори бўлса, унда бу омилга эҳтиёткорона ёндашиш ёки уни регрессия тенгламасидан умуман чиқариб ташлаш керак. Ассиметрия күрсаткичи эмпирик тақсимлаш эгри чизигининг қирқилганлигини ифодалайди.

10.2. Омилли таҳлилни социологияда қўлланилиши

Эмпирик тақсимлаш меъёри тақсимлашдан тақсимлаш эгри чизигининг ўтқир учлилиги ёки яssi учлилиги, яъни экспесс билан фарқланиши мумкин. Нормал тақсимлаш учун $k < 3$.

Агарда тақсимлаш $k > 3$ бўлса, эгри чизик ўтқир учли, агарда $k < 3$ бўлса, яssi учли дейилади.

Экспесс күрсаткичи 3 дан кучли четга чиқадиган бўлса, кейинги босқичларда F мезондан эҳтиёт бўлиб фойдаланиш керак ёки бу омил чиқариб ташланади.

Моделга киритилаётган омилларни гурухлаш. Маълумки, модель омилларнинг тўлиқ рўйхати бўйича тузилганда қуйидаги салбий оқибатлар содир бўлади: тарихи чекланган динамик

қаторлардан фойдаланилганда статистик характеристикаларнинг ишонч соҳаси жуда кенгаяди; регрессив алоқа функционал билан ифодаланади; айрим омиллар ўртасидаги алоқанинг қатъийлиги мультиколлинеарликка ва баҳоларнинг аралашиб кетишига олиб келади.

Мазкур иқтисодий жараён учун аҳамиятли бўлган омилларнинг оз миқдорини танлаш юкорида айтиб ўтилган салбий оқибатларнинг олдини олиш ўйларидан биридир. Бундан ташқари, регрессион моделга омилларнинг натижали кўрсаткичга таъсирини аниқлашга тўсқинлик қиласидиган ўзаро мультиколлинеарлиги йўқ бўлган омилларни киритиш мумкинлиги туфайли бу босқичда мультиколлинеарликни хисобга олиб “сабаб-оқибат” занжирида омиллар ранжировкаси амалга оширилади. Истисно омиллар *t* критерик миқдори бўйича ҳам ўтказилади.

“Сабаб-оқибат” занжири асосида регрессион моделга кўшиладиган омиллар танланади.

Унда динамик ёки статистик моделни қуриш-курмаслик масаласи ҳал қилинади.

2. Социологик тадқиқотларда кўпвариантли қарорлардан энг оптималини танлаш муаммолари.

Регрессион моделни тузишнинг мухим босқичи жараённи унинг даражасига таъсир этувчи омилларга боғлиқлигини ифодаловчи алоқа шаклларини танлашдир.

Куйидаги формула бўйича қолдикларнинг ўртача квадратик оғиши хисобланади.

$$\sigma_0 = \sqrt{\frac{\sum (y_i - \bar{y}_i)^2}{n-m}},$$

бунда; y_i - вақт қатори даражаларининг амалий олинган қиймати;

\bar{y}_i - вақт қатори даражалари қийматини тенглаш;

n - вақт қатори бўйича ҳадлар сони;

m - регрессия тенгламаси параметрларининг миқдори.

Кўлгина иқтисодчилар, масалан Я.Вайну қолдиқларнинг ўртача квадрат оғишини динамик қаторни тенглаш учун тренд модели турини танлашнинг асосий мезони деб биладилар.

Афзалик кўрсатилган миқдорнинг минимал қийматига тўғри келувчи функцияга берилади. Аммо модель турини танлашда мазкур статистик тавсифнома билан чекланиб бўлмайди. Биринчидан, реал вазиятларда кўпинча бир вақтда бир неча функциялар учрайдики, улардан фойдаланилганда τ_0 миқдор жиддий фарқ қилмайди. Иккинчидан, кўрсаткичларнинг ҳисоб қийматларини амалий олинганда максимал яқинлаштириш ҳар доим ҳам тренд модели сифатини баҳолашда мезон хизматини ўттайвермайди.

Кўплек корреляцияси тасодифий кўрсаткичлар гурухи ўртасидаги боғланишларни ўрганади. Иқтисодий таҳлилда кўплек корреляция усулини қўлланилиши ҳисоблаш техникаси яратилганидан сўнг кенгайди ва қисқа муддатда катта ютуқларга эришилди, ҳам иқтисодий, ҳам математика фанларини ривожланишига ўз улушкини қўшди.

Кўплек (кўп омилли) корреляция усули мураккаб жараёнларни таҳлил қилишнинг асосий усулларидан бири ҳисобланади. Бу усул мураккаб жараёнларда рўй бераётган алоҳида ҳодисаларни моделлаштириш ва башорат қилиш имконини беради. Кўп омилли корреляция усулидан фойдаланиш куйидаги тартибда амалга оширилади.

1. Кузатишлар асосида тўпланган катта миқдордаги дастлабки маълумотларни қайта ишлаш асосида бир аргументнинг ўзгаришида функция қийматини ўзгаришини қолган аргументлар қиймати белгиланган шароитда аниқланади.

2. Қизиқтираётган боғланишга бошқа омилларни таъсирини (ўзгартириш) даражаси аниқланади.

Корреляция таҳлили усулларини қўллаётган изланувчилар олдида турадиган асосий муаммолар бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- функция кўринишини (турини) аниқлаш;

- омиллар-аргументларни ажратиш;
- жараёнларни түғри баҳолаш учун зарур бўлган кузатишлар сонини аниқлаш.

Функцияning кўринишини танлашнинг қандайдир аниқ ишлаб чиқилган услубий кўрсатмалари бўламаса ҳам, ҳар бир изланувчи бу муаммони турлича ҳал қиласди. Математика фани берилган кийматнинг ҳар қандай соҳаси учун чекланмаган микдорда функцияларни келтириши мумкинлигини ҳисобга олиб, кўп изланувчилар функция кўринишини танлаш инсон имкониятлари чегарасидан ташқарида деб ҳисоблашади. Шунинг учун функция кўринишини соф эмпирик асосда танлаш зарур ва кейинчалик уни ўрганилаётган жараёнга түғри келиши (адекватлиги) текширилади ва қабул қилиш ёки килмаслик ҳақида қарор қабул қилинади.

Омиллар ўртасида боғланиш шаклини танлашнинг учта усули мавжуд:

- эмпирик усул;
- олдинги тадқиқотлар тажрибаси усули;
- мантиқий таҳлил усули.

Аналитик функция турини регрессиянинг эмпирик графиги бўйича аниқлаш мумкин. Лекин мазкур график усулни фақат жуфт боғланиш ҳолларида ҳамда кузатишлар сони нисбатан қўп бўлганда муваффакиятли қўллаш мумкин.

Боғлиқлик шаклини танлаш усули

У икки босқичда бажарилади.

- 1) Энг маъқул бўлган функцияни танлаймиз.
- 2) Танланган функциянинг параметрларини ҳисоблаймиз.

Назорат саволлари

1. Омилли таҳлил ва корреляция, регрессия таҳлили.
2. Омилли таҳлил қачон қўлланилади?
3. Статистик моделлаштириш усулининг моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Боғланиш зичлиги деганда нимани тушунасиз?

5. Боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган ўзгарувчи деб нимага айтилади?
6. Кўплик корреляцияси нимани билдиради?
7. Аналитик форма нимани билдиради?
8. Эконометрика фани хақида тушунчалар.
9. Ишлаб чиқариш функциялари ва уларнинг турлари.
10. Ишлаб чиқариш функциясининг иқтисодий характеристикалари.
11. Ишлаб чиқариш функцияларидан иқтисодий таҳлилда фойдаланиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТ

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида—Т.: Ўзбекистон, 2011. –440 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, мағкура. — Т.: «Ўзбекистон», 1996.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. - Т.: «Ўзбекистон». 1996.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. - Т.: «Ўзбекистон», 1996
6. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлида. - Т.: «Ўзбекистон», 1996.
7. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. - Т.: «Ўзбекистон», 1997.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. - Т.: «Ўзбекистон», 1998.
9. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. — Т.: «Ўзбекистон», 2000.
11. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.: «Ўзбекистон», 2001.
12. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришининг асосий йўналишлари. «Халқ сўзи», 2002 йил 30 август.

ҚҮШИМЧА АДАБИЁТЛАР

1. Антонов А.И., Медков В.М. Социология семьи. М. 1996.
2. Гавра Д.П. Общественное мнение как социологическая категория и социальный институт. Спб. 1998.
3. Основы социологии. Курс лекций. М.: «Знание», 1995.
4. Основы прикладной социологии. М Изд. МГУ. 1995
5. Основы прикладной социологии: учебник для вузов. Т.1.— 2 Под редакцией Шереги Ф.Э., Горшкова М.К. М. 1995.
6. Социология. (Осипов Г.В., Кабұша А.В., Тульчинский М.Р.) М: «Наука». 1995.
7. Толстова Ю.Н. Анализ социологических данных. М. 1994.
8. Фролов А.Н. Социология. ІІ. «Логос». 1996.
9. Умумий социология. ТошДУ. 1999.
10. Социологик тадқиқоттар методи ва таҳликаси. Т. ТошДУ, 1999.
11. Инсон тараққиёти түғрисида хисобот. Т. 1999, 2000, 2001.
12. Радугин А.А. Радугин К.А. Социология. Курс лекции. М. Центр, 1999.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
1.боб. Социология фанининг предмети ва объекти.....	7
1.1. Социология фанининг предмети ва объекти.....	7
1.2. Социология фанининг соҳавий тизими ва ижтимоий фанлар таркибидаги ўрни.....	11
2.боб. Социологик тадқиқотлар: тушунчалари ва турлари.....	15
2.1. Социологик тадқиқотларни маъноси ва унинг турлари.....	15
2.2. Ижтимоий жараёнларни тадқиқотларини максади ва вазифалари....	18
2.3. Социологик тадқиқотлар ва уни ўрганишга сабаб бўлган омиллар..	22
3.боб Социологик усулларини илмий тадқиқот ишларида қўлланилиши.....	30
3.1. Социологик илмий тадқиқотлар дастури.....	30
3.2. Анкета ва сўров усулларининг қўлланилиши.....	38
4.боб. Интервью.....	53
41. Интервью.....	53
4.2. Анкеталаштириш ва интервюлаштириш.....	55
4.3. Социологияда кузатиш усули.....	61
5.боб. Эксперт сўров усули.....	69
5.1. Эксперт сўров.....	69
5.2. Эксперт танлови.....	73
5.3. Эксперт системасида маълумотларни кайта ишлаш.....	86
5.4. Конкордация коэффициентларини хисоблаш.....	90
6.боб. Социологияда эконометрик моделларни қўлланилиши.....	92
6.1. Эконометрик тенгламалар системаси энг кичик квадратлар усули..	92
6.2. Тўплам корреляция коэффициенти.....	95
6.3. Корреляция коэффициенти хатолиги.....	96
6.4. Социологик жараёнлар ўртасидаги боғланишларни ўрганишда корреляцион-регрессион усуллардан фойдаланиш.....	100
7.боб. Социологияда эконометрик моделларни баҳолаш.....	103
7.1. Фишернинг Z критерияси F критерияси.....	103
7.2. Стъюдентнинг t мезони.....	105
7.3. Дарбин-Уотсон мезони.....	107
7.4. Ишлаб чиқариш функцияларининг қўлланилиши.....	107
8.боб. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогнозлаш.....	112
8.1. Социологияда қўлланиладиган прогнозлаш усуллари.....	112
8.2. Дельфа усули.....	114
8.3. Социологик тадқиқотларда прогноз усулларини қўлланилиши.....	116
8.4. Ижтимоий доирадаги жараёнлар ривожланишини прогнозлаш.....	118
9.боб. Демографик прогнозлар.....	120
9.1. Демография хақида маълумот.....	120
9.2. Демографик ривожланишини прогнозлаш.....	128
9.3. Ўзбекистонда демографик жараёнларнинг ривожланиши.....	131

10.боб. Социологик тадқиқотларда кўп ўлчамли тахлил усувларини қўлланилиши.....	136
10.1. Омилли тахлил ҳакида умумий маълумотлар.....	136
10.2. Омилли тахлилни социологияда қўлланилиши.....	144
Фойдаланилган адабиётлар рўйхат.....	149

Қайдлар учун

О.М. АБДУЛЛАЕВ, М.А. МҮМИНОВА

**СОЦИОЛОГИК
ТАДҚИҚОТЛАРДА МАТЕМАТИК
УСУЛЛАР ВА МОДЕЛЛАР**

Ўқув қўлланма

*Техник муҳаррир О.Каримов
Компьютер графикаси А.Абдувалиев*

Босишга руҳсат этилди 04.06.2013 йил.
Қоғоз бичими 60x84 1/8,
Times New Roman гарнитураси. Нашр б.т. 9,8.
Шартнома № 125 – 2011. 100 нусхада Буюртма № 12-2251

Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги
“Иқтисодиёт” нашриёти, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49.

